

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

6 СОН, 1 ЖИЛД

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

НОМЕР 6, ВЫПУСК 1

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 6, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2021

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
д.ю.н., проф.
(Doctor of Law, Professor)
Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
д.ю.н., доцент
(Doctor of Law, Associate professor)
Файзиёв Шохруд Фармонович

Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала Правовых исследований
Editorial Board Journal of Law research

12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines

ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев
ю. ф. д., проф. Аҳмедшаева Мавлюда
ю. ф. д., проф. Муҳиддинова Фирюза
ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё
ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto (Japan)
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян
(Республика Армения)

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right

ю. ф. д. Гулчехра Маликова
ю. ф. д. Хусанов Озод
ю. ф. н. Хван Леонид Борисович
ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee (South Korea)
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна
(Российская Федерация)

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law

юридик фанлар доктори, профессор
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Окюлов Омонбой,
Рузиёв Рустам, Рузиназаров Шухрат,
Шомухамедова Замира, Баратов
Миродил, Бобокул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation

юридик фанлар доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Эсанова Замира
Нормуродовна, Эгамбердиев Эминжон,
Мамасидиков Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

12.00.05 - Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law

ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна
ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич
ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза
ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб
(Российская Федерация)

12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай
Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади
Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов
Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш
Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич
(Российская Федерация)

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович,
Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович,
ю.ф.д., проф. Салаев Нодирбек Сапарбаевич
(Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ)
д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон
Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин
(Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей
Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф.
Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская
Федерация)

12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи / Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право / Criminal law and criminology; Criminally-executive law

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп
Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда
Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам
Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход,
ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин,

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат
Раҳмаджонович (Республика Таджикистан),
д.ю.н., проф. Елене Антонян Александровна
(Российская Федерация), д.ю.н., проф.
Джансараева Рима Ернатовна (Республика
Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси / Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination

Ю.ф.д., проф. Иноғомжонова Зумратхон
Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий
Сайфиевич, ю.ф.д. Муҳиддинов Фахриддин,
ю.ф.д., проф. Тўлаганова Гулчехра Захитовна,
ю.ф.д. Миразов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany),
д.ю.н., проф. Стойко Николай Геннадьевич
(Российская Федерация), Проф. Рьжаков
Александр Петрович (Российская Федерация),
д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика
Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика
Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика
Беларусь)

12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law

ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодир,
ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра,
ю.ф.н., проф. Юлдашева Говхержан

Alexander Trunk (Germany)

Мусаххих: Нурмуҳаммад Ҳамидов

Дазайн - саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналлов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Мирсоатов Хабибулла Қудратуллаевич БОЛАЛАР МЕХНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ: ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ	5
2. Тешабоев Акбаршоҳ Адхамжон ўғли ТАБИЙ ГАЗДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	12
3. Йигиталиев Қодиржон Одилжон ўғли АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	20
4. Aminov Mirobos Askar o'g'li DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIK MUNOSABATLARINING XALQARO TAJRIBASI: QIYOSIY-HUQUQIY Tahlil	29
5. Хагамов Азизжон Нурмахамадович МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИ (МУАССИС)ЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ	36
6. Холмунинов Ойбек Жумаевич ЕР УЧАСТКАЛАРИГА ОИД НИЗОЛИ ҲОЛАТЛАР ЮЗАСИДАН ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРНИНГ ҚАРОРЛАРИ ВА УЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ.....	44
7. Мехмонов Қамбариддин Мирадхамович РАҚАМЛИ ҲУҚУҚ ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	51
8. Узакова Гўзал Шариповна АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА АТРОФ МУҲИТНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ	58
9. Ҳакимов Комил Бахтиярович ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙИЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	67
10. Худайкулов Ферузбек Хуррамович ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ЗАРУРИЙ ВА ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ	73
11. Орипов Собирзода Собир ўғли АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	82
12. Шарипов Улмас Ҳамроевич ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА УШЛАБ ТУРИШНИНГ АМАЛИЙ ТАВСИФИ	91

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.02-КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО.
ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО

Мирсоатов Хабибулла Кудратуллаевич,
Тошкент давлат юридик
университети мустақил изланувчиси
E-mail: habibullo2020@gmail.com

БОЛАЛАР МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ: ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ

For citation: Mirsoatov Khabibulla Kudratullaevich. EXPERIENCE OF UZBEKISTAN FOR THE PROTECTION OF CHILD LABOUR RIGHTS: LEGAL REFORMS AND THEIR CONTENTS. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 1, (5-11) pp.



DOI 10.26739/2181-9130-2021-6-1

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада муаллиф томонидан Ўзбекистонда болаларнинг меҳнат ҳуқуқини тартибга солиш борасида амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотлар, уларнинг мазмуни ҳамда ратификация қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг бугунги кунда ҳаётимизга жорий қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда ёшларни, айниқса болаларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш борасида бошқа давлатларга ўрнатилган бўладиган ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур чора-тадбирлар мустақилликнинг илк йилларидан амалга оширилаётганлигини болалар ҳуқуқлари, оналик ва болаларни муҳофаза қилиш, вояга етмаганларни меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мисолида ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Муаллиф томонидан миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлили асосида Ўзбекистонда ушбу соҳада амалга оширилган ислоҳотлар, уларнинг мазмуни таҳлил қилинган. Мақола якунида муаллифнинг хулосалари илгари сурилган.

Калит сўзлар: бола ҳуқуқлари, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, ЮНИСЕФ, ишга қабул қилиш ёши.

Мирсоатов Хабибулла Кудратуллаевич,
Независимый исследователь Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: habibullo2020@gmail.com

ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА ПО ЗАЩИТЕ ТРУДОВЫХ ПРАВ РЕБЕНКА: ПРАВОВЫЕ РЕФОРМЫ И ИХ СОДЕРЖАНИЯ

АННОТАЦИЯ:

В данной статье автором проанализированы правовые реформы проведенные в отношении

трудовых прав ребенка в Узбекистане, осуществление в настоящее время имплементации в нашу жизнь ратифицированных международных правовых документов.

В Узбекистане ведется образцовая работа по защите прав и интересов молодежи, особенно детей, по оказанию медицинской помощи детям. О том, что эти меры осуществляются с первых лет независимости, можно судить на примере принятых нормативно-правовых актов о правах детей, охране материнства и детства, обеспечении трудовых прав несовершеннолетних.

На основе анализа национальных и международных правовых документов автор анализирует реформы, проводимые в Узбекистане в этой сфере, их содержание. В конце статьи излагаются выводы автора.

Ключевые слова: права ребенка, лица не достигшие 18 лет, Международная организация труда, ЮНИСЕФ, возраст приема на работу.

Mirsoatov Khabibulla Kudratullaevich,

Independent researcher of Tashkent State University of Law

E-mail: habibullo2020@gmail.com

EXPERIENCE OF UZBEKISTAN FOR THE PROTECTION OF CHILD LABOUR RIGHTS: LEGAL REFORMS AND THEIR CONTENTS

ANNOTATION:

In this article the author analyzed the legal reforms carried out in respect of the labor rights of the child in Uzbekistan, the implementation is currently in the implementation of our lives ratified international legal documents.

In Uzbekistan, exemplary work is being done to protect the rights and interests of young people, especially children, to provide medical care to children. The fact that these measures have been implemented since the early years of independence can be seen in the example of normative and legal acts adopted on the rights of children, protection of motherhood and childhood, ensuring the labor rights of minors.

On the basis of the analysis of national and international legal documents, the author analyzes the reforms implemented in Uzbekistan in this area, their content. At the end of the article, the author's conclusions are put forward.

Keywords: children's rights, persons under 18 years, the International Labour Organization, UNICEF, the age of employment.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда вояга етмаганларни ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муносиб шарт-шароитларни яратишга мақсадида етарли даражадаги норматив-ҳуқуқий массив яратилган бўлиб, ушбу ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда, энг аввало, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига, энг ривожланган давлатларнинг тажрибаси, узоқ йиллик миллий кадриятларимизга тўлиқ риоя қилинганлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

БМТ берган маълумотга кўра, 2015 йил давомида 16 миллион нафар бола дунёнинг низоли ҳудудларида туғилган. Бу дегани, 2015 йилда туғилган ҳар саккизинчи бола уруш ҳолатида, ўқ овозини эшитган ҳолда дунёга келган. Ўз навбатида, бундай шароитларда туғилган болалар ҳаётининг биринчи куниданоқ малакавий тиббий хизмат ва бошқа ёрдамлардан масуво бўлган.

ЮНИСЕФ ташкилотининг ижрочи деректори Энтони Лейк, қайд этиб ўтганидек: “Ҳар икки секундда янги туғилган чақалоқ ўзининг биринчи нафасини уруш ҳолатидаги давлатда амалга оширган...”. Ушбу фикрни ўзи бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида болаларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг яшаш турмуш тарзи қай ҳолатда эканлигини тасаввур қилиш имконини беради [1].

Ушбу маълумотларни мазкур мақоланинг бошида келтирганимиз бежиз эмас. Мамлакатимизда ёшларни, айниқса болаларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш борасида бошқа давлатларга ўрناк бўладиган ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур чора-тадбирлар мустақилликнинг илк йилларидан амалга оширилаётганлигини

болалар ҳуқуқлари, оналик ва болалакни муҳофаза қилиш, вояга етмаганларни меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мисолида ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори, “Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхати” (29.07.2009 й.) ва “Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низом” ана шундай ҳуқуқий ҳужжатлар жумласидандир.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 32-моддасида шундай қайд этилган: “Болалар ривожланиш, маълумот олиш, соғлиқлари учун хавфли бўлган ишларда иштирок этишдан, иқтисодий таъқиб қилишдан ҳимояланиш ҳуқуқларига эгалар”. Ўзбекистон ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлати сифатида бугунги кунда унда белгиланган вазибаларни бажариб келмоқда.

Мамлакатимизда болалар меҳнатини ҳимоя қилиш масаласи Ўзбекистон Республикасини устувор масалаларидан бирига айланган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 14-бобининг бир қатор моддалари болалар меҳнатини ҳимоя қилишга қаратилган. Меҳнат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида 16 ёшдан белгиланган, уларни ота-оналарининг розилигидан сўнг ишга қабул қилиш мумкин.

Меҳнат кодексининг 239-моддасида ўн саккиз ёшга тўлмаган барча шахслар дастлабки тиббий кўриқдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилиниши ва кейинчалик улар ўн саккиз ёшга тўлгунларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўриқдан ўтказиб турилиши кераклиги мустаҳкамланган.

Шунингдек, вояга етмаган болаларни ишга қабул қилиш меъёрлари белгиланган: 16-18 ёшгача 1 ҳафтада 36 соат; 15-16 ёшгача бўлган болалар учун бир ҳафтада 24 соат белгиланган. 18 ёшгача бўлган болаларни меҳнат ҳақи бошқа ишчилар қатори белгиланган. Меҳнат таътили эса 30 календар куни қилиб белгиланган. Меҳнат қонунчилигига кўра, болаларни кечки сменада, дам олиш кунларида ишлатиш ман этилади. Вояга етмаган болаларни ишлатишда меҳнат қонунларига риоя қилган ҳолда болаларни ҳимоялаш зарур [13].

Болалар меҳнат қилиш ҳуқуқи, уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни, уларни қабул қилиш зарурияти, айниқса, Халқаро меҳнат ташкилотининг болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолияти диққатга сазовордир. ХМТнинг норма ижодкорлиги фаолиятидаги яна бир муҳим масала бу турли тоифадаги меҳнатқашларнинг (ёшлар, аёллар, турли касблардаги меҳнатқашлар) меҳнат ҳуқуқларини мақсадли тартибга солиш жараёнидир.

Мазкур ҳужжатларда вояга етмаганларнинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган меҳнат ҳуқуқини таъминлаш, уларга адолатли меҳнат шароитларини яратиш, вояга етмаганларни меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган масалалар, шунингдек, республикамизда мажбурий меҳнат ҳамда бола меҳнатининг энг оғир шакллари тақиқлаш масаласига устувор даражада эътибор қаратилмоқда.

Халқаро ташкилотлар томонидан ҳар йили эълон қилинадиган статистик маълумотларга кўра ҳозирги кунда дунё миқёсида 14 ёшгача болаларнинг 17 % га яқини таълим тизимидан мутлоқо четда қолиб ҳафтасига 48 соатдан ортиқ ишламоқда. Шунингдек, 20 % га яқин 10 ёшдан кичик болалар иқтисодиётнинг фаол секторидида иш билан банд. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра Буюк британияда, 3 млндан ортиқ бола фаол меҳнат фаолияти билан шуғулланади. Буларнинг кўпчилиги хорижий давлатлардан келган мигрант оилаларнинг фарзандлари саналади. Бангладеш тикув саноатида ишловчиларнинг 45%га яқинини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил қилган (ҳозирги вақтда – 5% га яқин). Африканинг айрим мамлакатларида 50% болалар йил давомида қишлоқ хўжалиги ишларида тўлиқ иш вақти мобайнида меҳнат билан банд. 90-йилларда Покистонда футбол тўпларини ишлаб чиқишда 50 минта бола банд бўлганлигига оид маълумотлар мавжуд [2].

Вояга етмаганларни меҳнати тартибга солиш, уларнинг мажбурий меҳнатини тақиқланиши меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг энг асосий тўртта соҳасидан бири бўлиб, тегишлича Халқаро меҳнат ташкилоти фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 189 та Конвенция қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар Халқаро меҳнат стандартлари сифатида эътироф этилади. Жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги, “Болалар меҳнатининг энг ёмон кўринишларини тақиқлаш ва уларни тугатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва бошқа бир қанча Конвенциялар қабул қилинган бўлиб, улар Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган ва ҳаётимизга бугунги кунда жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йилда ратификация қилинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги (1976 йил 26 июн, Женева) 138-сонли Конвенцияси иқтисодиётнинг барча секторларида ҳам ҳақ тўланадиган, ҳам ҳақ тўланмайдиган болалар меҳнати тартибга солинади. Ушбу Конвенция ишга қабул қилиш учун энг кам ёшнинг энг комплекс ва қатъий тушунчасини белгиланишини ўзида ифодалайди, муаммога, айниқса, ривожланаётган мамлакатларга нисбатан изчил ва мослашувчан ёндашувни намоён қилади.

Болалар ва ўсмирларни ҳимоялаш тўғрисидаги миллий қонунларда ва Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенцияларида, одатда, қуйидаги олти банд ажратиб кўрсатилади: белгиланган ёшдан кичик ёшдаги шахсларни ишга қабул қилишнинг тақиқланиши; болалар ва ўсмирлардан хавфли ва зарарли ишларда ёки айрим турдаги хавфли ускуналарга хизмат кўрсатишда фойдаланишнинг тақиқланиши ёки чекланиши; ҳаддан ташқари оғир юкларни кўтаришда ёки бошқа жойга олиб ўтишда болалар меҳнатидан фойдаланишнинг тақиқланиши; ёшлар иш куни муддатларининг чекланиши; тиббий назорат белгиланиши; зарур касб таълими таъминланиши [3].

Тан олиш лозимки, меҳнат муносабатларидаги иштирокчиларнинг алоҳида белгиларидан келиб чиққан ҳолда халқаро ҳуқуқий нормаларни дифференциация қилиш тажрибаси меҳнат муносабатларини тартибга солиш самарадорлигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Конвенция ва тавсияларнинг меҳнаткашларнинг ўзига хос белгиларидан келиб чиққан ҳолда дифференциациявий ёндашувининг амалий аҳамияти, аввало, меҳнат шароитларини индивидуаллаштирилишини вужудга келтиради. Буларнинг барчаси ўз навбатида турли табиатга ва профессионал имкониятга эга бўлган инсон ресурсини янада кенгрок ҳамда самаралироқ ҳимоя қилинишига хизмат қилади. Меҳнат муносабатлари субъектларини дифференциация қилиш йўли билан тартибга солиш билан бир қаторда ХМТ конвенциялари объектларга кўра тартибга солишни ҳам назарда тутди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йилда ратификация қилинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги (1976 йил 26 июн, Женева) 138-сонли Конвенцияси иқтисодиётнинг барча секторларида ҳам ҳақ тўланадиган, ҳам ҳақ тўланмайдиган болалар меҳнати тартибга солинади. Ушбу Конвенция ишга қабул қилиш учун энг кам ёшнинг энг комплекс ва қатъий тушунчасини белгиланишини ўзида ифодалайди, муаммога, айниқса, ривожланаётган мамлакатларга нисбатан изчил ва мослашувчан ёндашувни намоён қилади.

Ушбу 138-сонли Конвенция уни ратификация қилган аъзо давлатларга ишга қабул қилиш учун энг кам ёшни белгилаш ва бола меҳнатини бажаришга жалб қилиниши мумкин бўлган бир неча ёш даражаларини белгилаш мажбуриятини юклайди. Ушбу ёш даражалари давлатнинг ривожланганлик даражасига ва бажариладиган ишлар турига қуйидаги тарзда боғлиқ бўлади.

Болалар ва ўсмирларни ҳимоялаш тўғрисидаги миллий қонунларда ва Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенцияларида, одатда, қуйидаги 6 та банд ажратиб кўрсатилади:

- 1) белгиланган ёшдан кичик ёшдаги шахсларни ишга қабул қилишнинг тақиқланиши;
- 2) болалар ва ўсмирлардан хавфли ва зарарли ишларда ёки айрим турдаги хавфли ускуналарга хизмат кўрсатишда фойдаланишнинг тақиқланиши ёки чекланиши;
- 3) ҳаддан ташқари оғир юкларни кўтаришда ёки бошқа жойга олиб ўтишда болалар меҳнатидан фойдаланишнинг тақиқланиши;
- 4) ёшлар иш куни муддатларининг чекланиши;
- 5) тиббий назорат белгиланиши;

б) зарур касб таълими таъминланиши [3].

Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат ташкилотининг 13 та Конвенцияси, шу жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг 8 та асос солувчи Конвенцияларининг 7 таси, шунингдек мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг энг ёмон кўринишларига йўл қўймаслик соҳасидаги Конвенциялари ратификация қилган бўлиб, ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган барча қондалар миллий қонун ҳужжатларимизга имплементация қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда вояга етмаганларни меҳнатини тартибга солишга қаратилган чоратadbирларни амалга ошириш жараёнида болалар меҳнатида фойдаланишнинг ҳуқуқий воситаларини такомиллаштириш, вояга етмаганлар учун тегишли меҳнат шарт-шароитларини таъминлаш мақсадида қўшимча кафолатлар жорий этиш, болалар меҳнатининг энг ёмон кўринишларига барҳам бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон қонунчилигига кўра, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунаар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий-ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни бажариши учун, улар ўн беш ёшга тўлгандан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга рухсат берилади.

Иш берувчи вояга етмаганларнинг бошқа ходимлар билан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда тенг ҳуқуқлилигини, вояга етмаганлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат шароитлари ва кафолатларини таъминлашга мажбурдир. Ушбу кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг XIV боби 2-параграфиди [4] ёритилган бўлиб, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасига ҳамроҳандир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатида фойдаланиш тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари билан боғлиқ ишлар рўйхати ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳати олинган ҳолда белгиланади [5]. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади.

Кинематография ташкилотларида, театрларда, томоша ва концерт ташкилотларида, циркларда ўн беш ёшга тўлмаган шахс иштирокига уларнинг соғлиғи ва ахлоқий ривожланишига, таълим олиш жараёнига салбий таъсир этмайдиган шароитларда васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги билан шартнома тузишга йўл қўйилади. Шартнома вояга етмаган шахснинг номидан унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахс томонидан имзоланади. Васийлик ва ҳомийлик органининг рухсатида кундалик иш вақтининг энг юқори чегараси ва бошқа шартлар, яъни бажарилиши мумкин бўлган ишлар белгиланади.

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар учун ўттиз олти соат, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганлар учун йигирма тўрт соатнинг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас.

Вояга етмаганларни ишга қабул қилиш ва уларнинг меҳнатида фойдаланишда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик ҳолатлари учун қонунчиликда жавобгарлик чоралари белгиланган. Хусусан, 2009 йил 21 декабрдаги “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга “Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш”, деган янги норма киритилди. Унга кўра, вояга етмаган шахс меҳнатида унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланишда жавобгар бўлган фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиш жазоси белгилаб қўйилди [6].

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл

кўйилади.

Ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлиғига ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидирлар.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, сўнги йилларда болаларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва миллий қонун ҳужжатларини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида Ўзбекистонда амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар сифатида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси меҳнат шартномаларини тузишда ва бекор қилишда, меҳнат мажбуриятларини бажаришда, иш вақти муддатини белгилашда, меҳнат таътиллари беришда вояга етмаганлар учун қўшимча кафолатларни назарда тутувчи махсус нормалар билан тўлдирилди;

Иккинчи, 2008 йил 7 январдаги “Болалар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни [7] талабларини бажариш мақсадида, 2009 йил 21 декабрда “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-236-сон қонуни [8] қабул қилинган бўлиб, унга кўра янги 491-модда билан МЖТК тўлдирилиб, вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги белгиланди;

Учинчи, Ўзбекистон Республикаси “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг 2-моддаси талабларига мувофиқ, 2010 йил 15 январдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарорига мувофиқ “Вояга етмаганларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик бўйича талаблар тўғрисидаги Низом” тасдиқланди ва бугунги кунда ҳаётга жорий қилинмоқда [9];

Тўртинчи, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-239-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ишга қабул қилиш учун йўл қўйилмайдиган энг кам ёш ўн тўрт ёшдан ўн беш ёшгача оширилди, яъни ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб ўқув юртлири ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ва маънавий ривожланишига зарар етказмайдиган, ўқув жараёнини бузмайдиган, ўқишдан бўш вақтда енгил ишларни бажариш учун – ўн беш ёшга тўлганларидан сўнг, ота-оналаридан бирининг ёки ота-она ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилиш мумкинлиги ўрнатилди;

Бешинчи, Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Мажбурий ва бажарилиши шарт бўлган меҳнат тўғрисида”ги Конвенцияни ва “Болалар меҳнатининг энг ёмон кўринишларини тақиқлаш ва уларни тугатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Конвенцияни 2012-2013 йилларда реализация қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди (26.03.2012 й. 82-сонли).

Иқтибослар/Сноски/References:

1. www.un.org/russian/news/topstory.asp
2. <http://www.unicef.org/ceecis/ru/resources.html>
3. А.Саидов. Меҳнат соҳасидаги энг муҳим ҳуқуқлар ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида татбиқ қилиниши. 30.04.2015 йил. Электрон манба: Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги элчихонасининг расмий веб-сайти (A.Saidov. The most important rights in the sphere of Labor and their application in the Republic of Uzbekistan. 30.04.2015 year. Electronic source: official website of the embassy of the Republic of Uzbekistan in the Arab Republic of Egypt) <http://uzembegypt.com/u/newsletters/20150430/>
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., илова, 1-сон. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1996., app, Issue 1.)

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 й., илова, 1-сон. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1996., app, Issue 1.)
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 551-модда. (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2009, № 52, article 551.)
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 1, 1-модда. (Bulletin of the chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2008 Year, № 1, Article 1.)
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 551-модда. (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2009, № 52, article 551.)
9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 3-4-сон, 27-модда. (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2010, № 3-4., Article 27.)
10. Musaev, B., 2017. The importance and peculiarity of legal regimes applying to the subjects of labour relations in international private law. Review of law sciences, 1(1), p.16.
11. Musaev, B., 2020. Have Private Employment Agencies Been Effective In Uzbekistan: Gaps In Legal Regulation. structure, 11(5), p.50.
12. Б.Мусаев Хусусий бандлик агентликлари мақомини белгилаб берувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар: тарихий ривожланиш ва замонавий стандартлар. Жамият ва бошқарув. 2019. №4 (86). 45-57 бетлар. (B.Musaev. International legal documents defining the status of private employment agencies: historical development and modern standards. Society and management. 2019. №4 (86). 45-57 Pages.)
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1996, Appendix to No. 1).

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

Тешабоев Акбаршоҳ Адхамжон ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги
Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари
институтини бўлим бошлиғи,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси
E-mail: shoh.akbarshoh@mail.ru

ТАБИИЙ ГАЗДАН ОҚИЛОНА Фойдаланмаганлик учун жавобгарлик чораларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий масалалари

For citation: Teshaboev Akbarshokh Adkhamjon ugli. LEGAL ISSUES OF IMPROVING RESPONSIBILITY MEASURES FOR IRRATIONAL USE OF NATURAL GAS. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 1, (12-19) pp.

 DOI 10.26739/2181-9130-2021-6-2

АННОТАЦИЯ:

Мақолада табиий газдан оқилонга фойдаланиш масаласининг долзарблиги ва унинг моҳияти асослантирилган, энергиядан оқилонга фойдаланиш ва нооқилонга фойдаланиш каби тушунчаларга илк бор муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган, табиий газдан оқилонга фойдаланмаганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи амалдаги қонун ҳужжатлари чуқур таҳлил қилинган, шунингдек табиий газдан оқилонга фойдаланишга доир муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ва уни такомиллаштириш бўйича илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосида илмий асослантирилган таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: оқилонга фойдаланиш, нооқилонга фойдаланиш, зарар, жавобгарлик, табиий газни етказиб бериш шартномаси, энергия самарадорлик кўрсаткичи.

Тешабоев Акбаршоҳ Адхамжон ўғли,
Начальник отдела Института проблем законодательства
и парламентских исследований
при Олий Мажлисе Республики Узбекистан,
Самостоятельный соискатель
Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: shoh.akbarshoh@mail.ru

ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕР ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НЕРАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРИРОДНОГО ГАЗА

АННОТАЦИЯ:

В статье обосновывается актуальность и сущность вопроса рационального использования природного газа, впервые разработаны авторские определения к таким понятиям как рациональное и нерациональное использование энергии, глубоко проанализированы действующие законодательные акты, предусматривающие ответственность за нерациональное использование природного газа, а также выдвинуты научно обоснованные предложения на

основе опыта передовых зарубежных стран по гражданско-правовому регулированию и совершенствованию отношений по рациональному использованию природного газа

Ключевые слова: рациональное использование, нерациональное использование, ущерб, ответственность, договор поставки природного газа, показатель энергоэффективности.

Teshaboev Akbarshokh Adkhamjon ugli,
Head of the Department of Institute for Problems
of Legislation and Parliamentary Studies
under the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan,
Independent Researcher
of Tashkent State University of Law
E-mail: shoh.akbarshoh@mail.ru

LEGAL ISSUES OF IMPROVING RESPONSIBILITY MEASURES FOR IRRATIONAL USE OF NATURAL GAS

ANNOTATION:

The article demonstrates the urgency and importance of the issue of rational use of natural gas, for the first time author's definitions for the concepts of rational use and irrational use of energy are made, in-depth analysis for existing legislation providing is evaluated for irrational use of natural gas, as well as several proposals are put forward related to legal regulation along with improvements in civil relations on the basis of the experience of advanced foreign countries.

Keywords: rational use, irrational use, damage, liability, natural gas supply contract, energy efficiency indicator.

Энергетика ресурслари қаторида табиий газ муҳим стратегик аҳамият касб этади. Чунки дунё миқёсида кўрсатилаётган хизматлар ва ишлаб чиқарилаётган товарларнинг деярли барчаси энергетика тизими, айниқса, табиий газ тармоғининг самарали фаолиятига боғлиқ. Макро ва микро иқтисодийнинг асосини маблағ (пул) ташкил этганидек, ҳозирда барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ҳаракатлантирувчи восита энергетика тизими ҳисобланади. Негаки, маиший эҳтиёждан тортиб, давлатлараро экспорт-импорт масалаларининг барчаси энергетика тармоғининг тўхтовсиз ва самарали фаолият юритиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Энергетика манбалари орасида табиий газ ўз хоссалари ва имкониятлари юқори эканлиги билан характерланади. Шу сабабли, табиий газдан маиший ва иқтисодий тармоқларида фойдаланишда айрим мажбуриятлар ўрнатилади. Чунки, табиий газ муайян захира билан чегараланган бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш ва уни асраб-авайлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь кунги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “табиий газ тармоғида замонавий инфратузилма яратиш, мавжуд тизимни модернизация қилиш” бўйича кўплаб топшириқлар берган эди [1]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқданган “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг 77-бандида **“Худудларда ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида табиий газ таъминотига – 1,2 трлн сўм маблағ ажратиш”** белгиланган [2].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 июндаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3379-сон Қарорининг преамбуласида “бинолар ва иншоотларнинг қурилиши ва реконструкция қилинишида энергия тежамкор материаллар ва технологияларни қўллашга етарли эътибор берилмаслиги танқид қилиниб, мазкур йўналишдаги вазифаларни бажариш устувор аҳамият касб этиши” назарда тутилган эди [3].

Мазкур мақолада абонент – истеъмолчининг табиий газдан оқилона фойдаланиш борасидаги мажбуриятлари ва жавобгарлиги ҳақида сўз юритамиз. Мақолада табиий газдан

оқилона фойдаланмаганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида нафақат фуқаролик, балки маъмурий ва жиноят ҳуқуқи соҳаларига дахлдор бўлган нормаларни такомиллаштириш юзасидан ҳам назарий қарашлар ва илмий асослантирилган таклифлар илгари сурилган.

Миллий қонунчилигимизда табиий газдан оқилона фойдаланмаганлик, ундан хўжасизларча фойдаланганлик учун жавобгарлик чоралари назарда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасида энергия таъминоти шартномаси бўйича жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, мазкур модданинг биринчи қисмида “Энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, энергия билан таъминловчи ташкилот шу туфайли етказилган зарарнинг, абонент эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт” экани кўрсатилган [4]. Яъни мазкур қоидага кўра, энергия билан таъминловчи ташкилот – ҳудудий газ таъминоти корхонаси етказилган зарарни, абонент – истеъмолчи эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт ҳисобланади. Гарчи мазкур норма барча энергия таъминоти шартномаларига доир муносабатларни ҳуқуқий тартибга солса-да, унинг аксарият қоидаларини Табиий газни етказиб бериш шартномасига нисбатан татбиқ этиб бўлмайди. Бу ҳақида мақоланинг хулоса қисмида батафсил тўхталамиз.

Шу ўринда мавзуга бевосита дахлдор бўлган “зарар” тушунчасига тўхталиб ўтсак. Фуқаролик кодексининг 14-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳудудий газ таъминоти ташкилоти истеъмолчига газни етказиб бермаслиги натижасида истеъмолчининг мол-мулкига зарар етган ёки шикастланган бўлса, ҳақиқий зарар учун жавобгарлик ҳолати юзага келади. Мазкур нормани соддароқ қилиб тушунтирсак. Масалан, Қува туман газ таъминоти корхонаси ушбу туманда жойлашган “Хонзодабегим” МЧЖга қарашли сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонасига Табиий газни етказиб бериш шартномаси шартларига мувофиқ табиий газни ўз вақтида етказиб бермаслиги ёки етарли даражадаги қувватда етказиб бермаслиги натижасида маҳсулотда ўзгариш юзага келса, ушбу ҳолатда истеъмолчи, яъни МЧЖга етказилган зарар ҳақиқий зарар деб баҳоланади.

Зарар тушунчаси ва уни қоплаш мажбурияти ҳақида миллий цивилистикамизда кўплаб олимлар турли назарий қарашларни илгари суришган. Жумладан, О.Оқюлов зарарни қоплаш масаласи хусусида алоҳида тўхталиб, “Зарарни қоплаш бузилган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг универсал усули бўлиб, муайян вазиятда қонунда бундай имконият назарда тутилган ёки тутилмаганидан қатъи назар, ҳам шартномавий, ҳам шартнома доирасидан ташқари бўлган муносабатларда (масалан, авария натижасида мол-мулк ёки соғлиқка зарар етказилганда) қўлланиши мумкин” эканлигини қайд этган [5, с. 47.].

Бундан ташқари, зарарнинг таркибида олинмай қолган даромад, яъни бой берилган фойда ҳам назарда тутилишини унутмаслик керак. Яъни юқоридаги ҳолатда “Хонзодабегим” МЧЖга қарашли сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонасига табиий газ ўз вақтида етказиб берилганида, у ўз тижорий ҳамкорига катта миқдордаги маҳсулотларини етказиб берган ва шу туфайли даромад топган бўлар эди. Бироқ Қува туман газ таъминоти корхонаси томонидан табиий газни етказиб беришда шартнома шартлари бажарилмаганлиги туфайли МЧЖ олиши мумкин бўлган даромадини бой бериб қўйди. Бу борада академик Х.Раҳмонқулов алоҳида тўхталиб, “Бой берилган фойда деб “шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари”ни тушуниш лозим”лигини таъкидлайди [6, с. 47.].

Табиий газни етказиб бериш билан боғлиқ жавобгарликни қўллаш учун Табиий газни етказиб бериш шартномасидаги шартларнинг бузилганлиги талаб этилади. Яъни абонентга ёки газ таъминоти ташкилотига жавобгарлик чораларини қўллаш шартномавий-ҳуқуқий муносабат доирасида амалга оширилади.

Аввало, айтиш лозимки, энергетика тизимини тартибга солувчи миллий қонунчилигимизда “энергиядан оқилона фойдаланиш” ва “энергиядан нооқилона фойдаланиш” деган тушунчаларнинг ҳуқуқий таърифи ишлаб чиқилмаган. Ўзбекистон Республикасининг “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунида, Фуқаролик кодексига ва мазкур

соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонун ва қонун ости ҳужжатларида ушбу тушунчалар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилмаган. Шу сабабли, амалиётда энергия ресурслари, хусусан, электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш борасида жавобгарликни қўллашда қонун нормаларини турлича талқин этиш, зарур тушунчасининг моҳиятини тўлиқ англамаган ҳолда мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда.

Ўзбек цивилистикасида “оқилона фойдаланиш” ва “нооқилона фойдаланиш” тушунчаси ҳақида ҳеч қандай назарий қарашлар ва мулоҳазалар билдирмаган.

Мазкур масала юзасидан хориж олимлари ва илмий тадқиқотчилари томонидан қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, “оқилона фойдаланиш” тушунчаси ҳақида турли назарий қарашлар ва фикрлар илгари сурилган. Хусусан, бу борада рус олими С.П.Монгушнинг фикрига эътибор қаратсак. У “электр энергияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш” тушунчасини қуйидагича таърифлайди: “электр энергияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш – технологияларнинг ҳозирги ривожланиш босқичи ва қонунчилик талаблари асосида энергия ресурсларидан фойдаланишда юқори самарадорликка эришиш”ни англатади [7, с. 3].

Бундан ташқари, рус олимлари Л.А.Коршунова, Е.В.Кузьмина ва Н.Г.Кузьминалар ҳам электр энергиясидан оқилона фойдаланиш борасида ўз илмий қарашларини билдирганлар. Хусусан, уларнинг фикрига кўра, “электр энергиясидан оқилона фойдаланиш – бу энергия манбаларидан фойдаланиш натижасида олинган фойдали таъсирнинг ушбу таъсирни олиш учун сарфланган ресурслар миқдорига нисбати” ҳисобланади. Шунингдек, улар Россия Федерациясида электр энергиясидан оқилона фойдаланиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ ва Япониянинг бу борадаги бой тажрибасини татбиқ этиш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиққанлар [8, с. 22.]. Мазкур давлатларнинг тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, энергия таъминоти тармоғи тўлалигича энергияни тежаш имконини берувчи асбоб-ускуналардан иборат эканини кўриш мумкин.

Мазкур масала юзасидан хорижий давлатларнинг илмий тажрибаси ўрганилганда, “табиий газдан оқилона фойдаланиш” масаласининг ҳуқуқий тадқиқ этилганлиги аниқланмади. Юқорида келтирилган иқтибосларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, хорижий давлатларда ҳуқуқий-илмий тадқиқотлар электр энергиясидан оқилона фойдаланиш масаласи билан чегараланган. Бундан шуни англаш мумкинки, мазкур тадқиқот иши доирасида ўрганилаётган табиий газдан оқилона фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масаласи ўз характерида кўра глобал миқёсда долзарб аҳамият касб этади. Чунки жаҳон фуқаролик ҳуқуқида мазкур масала комплекс тадқиқ этилмаган ва у бўйича назарий қарашлар ишлаб чиқилмаган.

Таҳлиллар натижасида табиий газдан нооқилона фойдаланганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи қонунчилигимизда қуйидаги муаммоларнинг мавжуд экани аниқланди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Энегиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасида энегиядан нооқилона фойдаланганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, унга кўра: “Энегия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш соҳасида шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар бевосита энегия нобудгарчилигини ва энегетика жиҳатидан самарасиз маҳсулот ишлаб чиқарилишини истисно этадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишнинг белгиланган энегия жиҳатидан самарадорлигини таъминлаши шарт” экани белгиланган [9].

Таҳлиллар натижасида аниқ бўлдики, мазкур норма ҳуқуқни қўллаш амалиётида ўз ижро механизмига эга эмас. Буни қуйидаги асосли фикрларда кўриш мумкин:

1) “энегиядан нооқилона фойдаланиш” тушунчасининг ҳуқуқий таърифи ишлаб чиқилмаган.

Яъни нооқилона фойдаланиш ўзи нима экани, у нималарда намоён бўлиши, нооқилоналикнинг кўрсаткичлари ва уни баҳолаш мезонлари хусусида ҳеч қандай ҳуқуқий тушунтиришлар фуқаролик қонунчилигида мавжуд эмас;

2) ушбу нормада назарда тутилаётган “энегетика жиҳатидан самарасизлик”нинг мезонлари мавжуд эмас.

Яъни энегия жиҳатидан самарасизлик ўзи нима экани, унинг кўрсаткичлари, баҳолаш мезонлари ҳамда механизмлари юзасидан қонунчиликда тушунтиришлар ишлаб чиқилмаган;

3) мазкур нормани қўллаш учун асос бўладиган “энегиянинг сифат кўрсаткичлари”

юзасидан аниқ қоидалар мавжуд эмас.

Ҳозирда энергетика тизими, хусусан, табиий газ тармоғидаги истеъмолчиларни энергиядан нооқилона фойдаланганлик учун жавобгарликка тортишда асос бўлиб хизмат қилаётган “энергиянинг сифат кўрсаткичлари” ҳақида умуман тушунтиришлар берилмаган. Ҳа, бу борада муайян техник кўрсатмалар мавжуд, бироқ улар ҳам мукамаллик даражасидан анчайин йироқ. Миллий қонунчилигимизда “энергиянинг сифат кўрсаткичлари” юзасидан талаблар ва мезонларнинг аниқ белгиланмаганлиги оқибатида истеъмолчиларга сифати талаб даражасида бўлмаган энергия манбалари етказиб берилмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 100-моддасида электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаганлик ва 101-моддасида электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур нормаларни қўллаш юзасидан ҳам аниқлик киритилиши лозим бўлган нозик жиҳатлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда кўринади:

1) 100-модданинг диспозиция қисмида назарда тутилган “иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш” тушунчасининг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас.

Яъни “иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш” нималарда намоён бўлиши, унинг даражалари ва қўлланилиш ҳолатлари юзасидан аниқ қоидалар ишлаб чиқилмаган.

Шунингдек, мазкур нормада санаб ўтилган 5 та ҳолатни қайтадан кўриб чиқиш зарурати ҳам мавжуд. Негаки, “уларни бекорга ишлатиб қўйиш, зичланган ҳаво, сув ва иссиқликнинг мунтазам равишда нобуд бўлиши” деган қисмини 101-моддада ифодалаш мақсадга мувофиқдир;

2) 101-модданинг диспозиция қисмида назарда тутилган “улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш” деган жумланинг аниқ ҳолатлари ҳақида тушунтиришлар мавжуд эмас.

Таҳлиллар натижасида аниқландики, ҳозирги кунда амалиётда истеъмолчиларни мазкур норма билан жавобгарликка тортишда “газдан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш” деган талаблар энг кўп қўлланилмоқда. Мазкур қоида ҳаволаки норма бўлиб, аниқ ижро механизмига эга эмас. “Бошқача тарзда бузиш” деган жумланинг таркибига қайси хатти-ҳаракатлар кириши юзасидан қонун чиқарувчи тушунтиришлар бермаган. Шу сабабли, амалиётда мазкур норма асосида асоссиз жавобгарлик қўлланилиши натижасида истеъмолчиларнинг норозилиги юзага келмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185²-моддасида электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Агар мазкур нормага синчиклаб назар ташлайдиган бўлсак, унда энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида жавобгарликни қўллаш жараёнида жиноят таркибини аниқлашда объектив томондан, асосан, техник жиҳатга эътибор қаратилган. Яъни унда энергия манбаларини ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасдан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга “ташқаридан аралаштириш” хатти-ҳаракати учун жавобгарлик назарда тутилган, холос.

Бундан кўриш мумкинки, энергия манбаларидан нооқилона фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик мавжуд эмас. Шу сабабли, энергия манбаларидан, айниқса, табиий газдан нооқилона фойдаланиш, газнинг беҳудага исроф этилиши ва ундан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатлари тобора кўпайиб бормоқда.

Хорижий давлатларнинг табиий газдан нооқилона фойдаланганлик учун жавобгарлик чораларини қўллаш билан боғлиқ қонунчилиги ўрганилганда қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

биринчидан, Германия, Россия, Қозоғистон, Беларусь, Молдова каби давлатларнинг Фуқаролик кодексларида энергиядан нооқилона фойдаланганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги назарда тутилган.

Хусусан, **Россия Федерацияси** Фуқаролик кодексининг 547-моддаси биринчи қисмида “Энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаса ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, мажбуриятни бузган томон унга етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур” эканлиги белгиланган [10].

Бундан ташқари, **Беларусь Республикаси** Фуқаролик кодексининг 518-моддаси ва **Қозоғистон Республикаси** Фуқаролик кодексининг 491-моддасида энергия манбаларидан нооқилона фойдаланганлик учун шартномавий жавобгарлик назарда тутилган.

Иккинчидан, Россия, Англия, АҚШ, Франция, Беларусь, Қозоғистон каби давлатларда табиий газдан фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи яхлит қонунлар қабул қилинган.

Хусусан, **Қозоғистон Республикаси**да “Газ ва газ таъминоти тўғрисида”ги Қонун, **Россия Федерацияси**да “Россия Федерациясида газ таъминоти тўғрисида”ги Қонун, **Беларусь Республикаси**да “Газ таъминоти тўғрисида”ги Қонун, **Германия**да “Газ таъминоти тўғрисида”ги Акт қабул қилинган бўлиб, табиий газдан оқилона фойдаланиш ва бу борадаги жавобгарликка доир барча нормалар ушбу қонун ҳужжатларида белгиланган.

Учинчидан, Россия, Финляндия, Беларусь, Германия каби давлатларда табиий газдан оқилона фойдаланишга доир муносабатларни такомиллаштиришни назарда тутувчи стратегия ва концепциялар қабул қилинган.

Хусусан, Россия Федерациясининг “**Россиянинг 2030 йилгача бўлган даврдаги Энергетика стратегияси**”да “истеъмол секторининг энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш қобилиятини ошириш, нооқилона фойдаланиш ҳолатларига қарши кескин курашиш тадбирларини мунтазам амалга ошириш” белгиланган [11].

Шунингдек, Финляндиянинг “**Финляндиянинг 2030 йилгача бўлган даврда энергия ва иқлим стратегияси**”да “Иқтисодиёт тармоғида табиий газдан оқилона фойдаланган истеъмолчиларни рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш, шунингдек уни исроф этган тармоқ абонентларининг жавобгарлигини ошириш” назарда тутилган [6].

Илғор хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда амалдаги ҳолатни инобатга олган ҳолда, табиий газдан оқилона фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ва уни такомиллаштириш, шунингдек нооқилона фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида қуйидагилар тақлиф этилади:

биринчидан, энергия ресурслари, хусусан, табиий газдан нооқилона фойдаланганлик учун жавобгарликни қўллашни назарда тутувчи қонунчиликдаги бўшлиқлар сабаб мазкур соҳани самарали ҳуқуқий тартибга солишнинг имкони мавжуд эмас. Шу сабабли, энергиядан оқилона фойдаланиш, энергиядан нооқилона фойдаланиш, энергетика жиҳатидан самарасизлик каби муҳим тушунчаларни “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда акс эттириш ва Қонунга қуйидаги мазмундаги янги 3-моддани киритиш тақлиф этилади:

“3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

энергиядан оқилона фойдаланиш – энергия ресурсларидан қонунчилик талаблари асосида, энергия сарфлаш нормативларига риоя қилган ҳолда асраб, авайлаб, тежаган тарзда, исрофгарчиликка йўл қўймай фойдаланиш ёки уни исроф этилишининг ҳар қандай шаклдаги кўринишидан ўзини тийиш, шунингдек технологияларнинг ҳозирги ривожланиш босқичида энергия ресурсларидан фойдаланишда юқори самарадорликка эришиш;

энергиядан нооқилона фойдаланиш – энергия ресурсларидан амалда белгиланган энергия сарфлаш нормативларига риоя этмаган ҳолда, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйиб, белгиланган меъёр ва талаблардан ортиқ тарзда истеъмол ва ишлаб чиқариш жараёнларидаги фойдаланиш;

энергетика жиҳатидан самарасизлик – энергия ресурсларидан фойдаланишда юқори самарадорликка эришиш имконини бермайдиган технологиялар асосида фойдаланиш”.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда ушбу Қонун билан тартибга солинадиган муносабатларда қўлланиладиган энг муҳим асосий тушунчаларнинг таърифи белгиланмаган. Шу сабабли, энергия ресурслари, айниқса, табиий газдан оқилона фойдаланиш, ундан нооқилона фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш, мазкур ҳолатларни ҳуқуқий тартибга солишда қонун нормаларини қўллаш билан боғлиқ тушунмовчиликлар юзага келмоқда. Шу мақсадда асосий тушунчалар юзасилан ишлаб чиқилган юқоридаги муаллифлик таърифларини мазкур Қонунга киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, ушбу тушунчаларни Газни етказиб бериш шартномаларида ҳам акс эттириш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, табиий газдан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ва уларни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “**Газ таъминоти тўғрисида**”ги яхлит Қонунини қабул қилиш тақлиф этилади.

Бугунги кунда табиий газдан фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи 3 та қонун ва 10 дан зиёд қонун ости ҳужжатлари мавжуд бўлиб, улардаги қўллаб нормалар бир-бирини такрорловчи ва маънан эскириб, бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шу сабабли,

уларни замон талабларига мослаштирган ҳолда яхлит қонун ҳужжатида ифода этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида ҳам бу борада илғор хорижий давлатлар тажрибаси ҳақида тўхталиб ўтдик. Ўзбекистон Республикасининг “Газ таъминоти тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси (regulation.gov.uz) порталида кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган эди. Бироқ номаълум сабабларга кўра, мазкур лойиҳа ҳалигача қабул қилингани йўқ. Айтиш жоизки, табиий газдан фойдаланиш соҳасини мазкур қонунсиз самарали ҳуқуқий тартибга солиш ва такомиллаштиришнинг иложиси йўқ.

Учинчидан, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддаси биринчи қисмини кенгроқ ва аниқроқ ифодалаш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли ушбу нормани қуйидаги таҳрирда белгилаш таклиф этилади:

“Энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш соҳасида шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар бевосита энергия нобудгарчилигини, **белгиланган энергия сарфлаш нормативларидан ортиқ фойдаланмасликни** ва энергетика жиҳатидан самарасиз маҳсулот ишлаб чиқарилишини истисно этадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишнинг белгиланган энергия жиҳатидан самарадорлигини таъминлаши шарт”.

Истеъмочи қачон энергиядан нооқилона фойдаланган, деб ҳисобланади? Қачонки, у белгиланган энергия сарфлаш нормативларидан ортиқча фойдаланганида оқилоналик чегарасидан ўтган ҳисобланади. Мазкур ўзгартишнинг киритилиши энергиядан “нооқилона фойдаланиш” тушунчасини қўллаш ҳолатига аниқлик киритилишига хизмат қилади.

Тўртинчидан, Фуқаролик кодексининг 473-моддаси “Тармоқлар, асбоб ва усқуналарни сақлаш ва ишлатиш бўйича абонентнинг мажбуриятлари” деб номланади. Фикримизча, мазкур модданинг номланиши ва мазмунига “энергиядан оқилона фойдаланишга оид мажбуриятларни ҳам қўшиш” ҳамда модданинг номини **“тармоқлар, асбоб ва усқуналарни сақлаш ва ишлатиш, энергиядан оқилона фойдаланиш бўйича абонентнинг мажбуриятлари”** деб номлаш ва унга қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисмни киритиш таклиф этилади:

“Абонент ўзига етказиб берилган энергиядан оқилона фойдаланиши лозим. Оқилона фойдаланиш шартлари ва талаблари абонент билан тузилган шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланади”.

Мазкур янги қисм билан абонентнинг энергиядан оқилона ва самарали фойдаланиши мажбурият сифатида белгиланмоқда. Кодекснинг 477-моддасида назарда тутилган фуқаролик жавобгарлик эса шартномавий қонуннинг натижаси (оқибат)ни назарда тутаяди, яъни етказилган зарар (ҳақиқий зарар)ни ифодалайди. Шу сабабли, абонентнинг энергия манбасидан оқилона фойдаланиши унинг фойдаланиш жараёнидаги (оқибатга қадар бўлган давр назарда тутилмоқда – А.Т.) мажбурият сифатида киритилмоқда.

Бешинчидан, Жиноят кодексининг 185²-моддаси номини “Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан **оқилона фойдаланиш** қоидаларини бузиш” деб номлаб, мазкур модданинг барча қисмлари диспозициясига **“шунингдек улардан оқилона фойдаланиш қоидаларини бузиш”** деган жумлани киритиш таклиф этилади.

Юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, энергия ресурсларидан нооқилона фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган. Ушбу ҳолат истеъмолчиларнинг энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги масъулиятини ортишига ва ушбу ресурслар, айниқса, табиий газнинг ортиқча исроф этилишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, Жиноят кодексининг 185²-моддасига энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ўзгартиш киритилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бугунги миллий қонунчилигимиздаги табиий газдан оқилона фойдаланишни талаб этувчи ва оқилона фойдаланган истеъмолчиларни рағбатлантиришни назарда тутувчи нормаларни истиқбол талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада илгари сурилган илмий ва амалий жиҳатдан асослантилган таклифларни рўёбга чиқариш мамлакатимизда Энергетика ҳуқуқини, шу жумладан, табиий газ соҳасини тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳамда уни тўғридан-тўғри ишлайдиган, ўз ижро механизмларига эга бўлган ҳаётий нормалардан иборат таркибда шакллантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, табиий газдан оқилона фойдаланишни талаб этмай туриб, ривожланган иқтисодий муносабатларнинг муносиб иштирокчисига айланиш мумкин эмас.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5953-сон Фармони // <https://www.lex.uz> (“Decree of the President of the Republic of Uzbekistan On the Action Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan”, dated March 2, 2020, № UP-5953.)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://www.uza.uz> (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyev to the OliyMajlis of January 24, 2020).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 июндаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3379-сон Қарори // <https://www.lex.uz> (“Decree of the President of the Republic of Uzbekistan About measures for ensuring the rational use of energy resources”, dated June 8, 2017, № UP-3379).
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2020 йил, 03/20/602/0052-сон (Civil Code of the Republic of Uzbekistan // National Database of Legislation, dated January 15, 2020, № 03/20/602/0052).
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. –Тошкент: Vektor-Press, 2010. 47 б. (Профессионал (малакали) шарҳлар). (Commentary to the Civil Code of the Republic of Uzbekistan. Volume 1 (Part One) Ministry of Justice. –Tashkent: Vector-Press, 2010. – 47 p. (Professional (qualified) reviews).
6. National Energy and Climate Strategy of Finland for 2030 // <https://www.iea.org>.
7. Монгуш.С.П. Теоретические основы рационального использования электроэнергии // Экономика и управление в XXI веке: тенденции развития. 2013. –С.5-8 (Mongesh.S.P. Theoretical Foundations of the Rational Use of Electricity // Economics and Management in the XXI Century: Development Trends. 2013. –P.5-8).
8. Коршунова Л.А., Кузьмина Е.В, Кузьмина Н.Г. Проблемы энергосбережения и энергоэффективности в России // Экономика. 2013. –С.22-25 (Korshunova L.A., Kuzmina E.V., Kuzmina N.G. The problems of energy conservation and energy efficiency in Russia // Economics. 2013. –P.22-25).
9. Ўзбекистон Республикасининг “Энегиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 3(1)-сон, 32-модда (About rational use of energy.Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2016, №. 3(I), 32 article).
10. Гражданский кодекс Российской Федерации (часть вторая) от 26.01.1996 N 14-ФЗ (ред. от 18.03.2019, с изм. от 28.04.2020). (Civil Code of the Russian Federation (Part Two) dated 01/26/1996 N 14-ФЗ (as amended on 03/18/2019, as amended on 04/28/2020).
11. Энергетическая стратегия России на период до 2030 года. утв. распоряжением Правительства РФ от 13 ноября 2009 г. N 1715-р // <http://www.scrf.gov.ru> (The energy strategy of Russia for the period until 2030. approved by order of the Government of the Russian Federation of November 13, 2009 N 1715-r // <http://www.scrf.gov.ru>).

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

Йигиталиев Қодиржон Одилжон ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси Тест маркази ўқитувчи методисти
E-mail: xokimbek.axmadbekov@mail.ru

АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕЪЁРИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation: Yigitaliev Kodirjon Odiljon ugli. LEGAL BASIS OF DEVELOPMENT OF THE SYSTEM OF ELECTRONIC CIRCULATION OF DOCUMENTS BASED ON INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 1, (20-28) pp.



DOI 10.26739/2181-9130-2021-6-3

АННОТАЦИЯ:

Мақолада электрон ҳужжат айланиш жараёнлари, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонуннинг моҳияти, электрон ҳукумат тўғрисидаги умумий тавсифлари, Электрон давлат хизматларини кўрсатиш тартиби кабилар илмий жиҳатдан муаллиф томонидан таҳлил қилинган, электрон ҳужжат айланиш жараёнларида муаммоларни юзага келтириб чиқарувчи омиллар таснифланган шунингдек электрон ҳужжат айланиш тизимини янада такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган. Муаллиф мазкур масалалар юзасидан турли зиддиятларни бартараф этиш мақсадида ўзининг фикрларини илмий асослаган.

Калит сўзлар: Электрон ҳужжат, электрон рақамли имзо, Е-ХАТ, ахборот коммуникация технологиялари, Е-ҳужжат, электрон тўлов, интерактив хизматлар, интернет тармоғи, ягона портал.

Йигиталиев Қодиржон Одилжон ўғли,
Министерство внутренних дел Республики Узбекистан
преподаватель-методист Тестового центра Академии
E-mail: xokimbek.axmadbekov@mail.ru

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ЭЛЕКТРОННОГО ОБРАЩЕНИЯ ДОКУМЕНТОВ НА ОСНОВЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

АННОТАЦИЯ:

В статье научно проанализированы процессы электронного документооборота, сущность закона «Об электронном документообороте», общие характеристики электронного правительства, порядок оказания услуг электронного правительства, классифицированы факторы, вызывающие проблемы в электронном документообороте, а также разработаны электронные рекомендации по дальнейшему совершенствованию системы документооборота. Автор научно обосновал свои взгляды с целью разрешения различных противоречий по этим вопросам.

Ключевые слова: Электронный документ, электронная цифровая подпись, Е-ХАТ, информационно-коммуникационные технологии, Е-хужжат, интерактивные услуги, Интернет, единый портал.

Yigitaliev Kodirjon Odiljon ugli,

Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
teacher-methodologist of the Test Center of the Academy

E-mail: xokimbek.axmadbekov@mail.ru

LEGAL BASIS OF DEVELOPMENT OF THE SYSTEM OF ELECTRONIC CIRCULATION OF DOCUMENTS BASED ON INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES

ANNOTATION:

The article scientifically analyzes the processes of electronic document flow, the essence of the law “On electronic document flow”, general characteristics of e-government, the procedure for providing e-government services, classified the factors causing problems in electronic document flow, and also developed electronic recommendations for further improving the document flow system. The author scientifically substantiated his views in order to resolve various contradictions on these issues.

Keywords: Electronic document, electronic digital signature, E-XAT, information and communication technologies, E-Hujjat, interactive services, Internet, single portal.

Ахборотлаштириш соҳасидаги ислохотлар изчил олиб борилаётгани натижасида республикамизнинг барча тармоқлари ва давлат бошқаруви органлари олдига қуйилган вазифалардан келиб чиқиб, замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари ва телекоммуникация тизимларини ривожлантириш ва уларни ҳаётга кенг жорий қилинишига эришилмоқда.

Мамлакатимизда кўп тармоқли ахборот индустриясини ташкил этиш, АКТни иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг жорий қилиш орқали жамиятимизнинг ички мустақамлиги ва ижтимоий бирлигини ташкил етиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бир қанча фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, улар амалда татбиқ қилинмоқда.

Республикамизда ахборот коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш мақсадида бир қатор муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги (2005 й.), [1] “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги (2003 й.), “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги (2004 й.), [2] “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги (2015) “Электрон тижорат тўғрисида”ги (2004 й.), “Электрон тўловлар тўғрисида”ги (2005 й.), «Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (2006 й.) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган. [3]

Электрон ҳужжат алмашиш тизимларининг асосий норматив ҳужжати бу 2004 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонунидир. Ушбу қонун 19 моддадан иборат бўлиб, у электрон ҳужжат айланиши, уларнинг иштирокчилари, электрон ҳужжат қабул қилиш ёки узатиш, муҳофаза қилиш каби саволларига жавобан ёритилган ва ушбу соҳа савол-жавобларини тартибга солувчи норматив базасидир.

Мамлакатимиз раҳбари томондан парламентга қилинган Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётни барча соҳаларда кенг жорий этиш, рақамлаштиришни барча йўналишлар бўйича барқарор ривожланиши бўйича бир қатор вазифалар белгиланган эди. Жумладан, тегишли идораларга “Электрон тижорат тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”, “Электрон ҳукумат тўғрисида” ҳамда “Почта алоқаси тўғрисида”ги қонунларни янги таҳрирда ишлаб чиқиш, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги”ги ва соҳага

тегишли бошқа қонунлар негизида “Рақамли иқтисодиёт тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва “Алоқа тўғрисида”ги қонун эскиргани ва аксарият моддалари тегишлилигича бошқа қонунларда акс этирилгани инобатга олиниб, ушбу қонунни бекор қилишни вазифалари топширилган эди. Таъкидлаш лозим, бу борада қисқа вақт ичида самарали ишлар амалга оширилди. [4, 6]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2007 йилнинг 23 августида «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш тўғрисида» 181-қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан АКТдан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари тўғрисида Низом ва базавий интерактив давлат хизматлари реестри тасдиқланган. 2011 йил 4 май «Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи аппаратида, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ягона химояланган электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида» ги 126 – сон қарор қабул қилинди. Қарорга асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳамда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ўртасидаги электрон ахборот алмашиши фақат «Е-ХАТ» химояланган электрон почтаси ва «Е-ҳужжат» электрон ҳужжат айланиш тизими орқали амалга оширилиши кўзда тутилган.

Мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар негизида АКТнинг жадал суръатлар билан ривожланиши туфайли Ўзбекистон Республикасининг глобал ахборот ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда кунлик иш фаолиятимизга ахборот технологиялари яшин тезлигида кириб келиб ҳужжатларни сақлаш, уларнинг махфийлигини таъминлаш ҳар бир ташкилотнинг асосий муаммосидир. Ҳозирги рақобатлашув шароити ташкилот олдида янада янги вазифаларни олдига кўяди.

Республикамиз барча секторларга АКТга жалб этилган инвестициялар ҳажми охириги йиллар мобайнида таҳлил қилинган давлат бошқаруви органлари ва корхоналари бўйича соф фойда миқдори ортганлиги фикримизнинг исботи бўла олади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, давлат бошқарувида АКТни қўллаш унинг натижавий самарадорлигини хусусан ахборотнинг ўзаро таъсири, қайта ишланиши ва изланишини амалга ошириш учун ватқ қисқариши ҳисобига унумдорликни ўртача 20 фоизга кўпайтириш имконини яратади. Давлат ислохотларини амалга оширилишида хўжалик бошқаруви ҳамда ҳокимият органларида ахборот технологияларини фаол ўзлаштириш ва кенг жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Электрон ҳужжат ҳақиқийлигини тасдиқлаш - электрон ҳужжат реквизитлари текширилгач, келинган ижобий натижадир. Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади. Электрон ҳужжат электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг мазкур ҳужжатни идрок этиш имкониятини инобатга олган ҳолда яратилиши керак. Электрон савдо соҳасида келишувларни содир этиш муносабати билан электрон воситалар ёрдамида шаклландиган, жўнатиладиган, қабул қилинадиган ёки сақландиган ахборотдир. Электрон ҳужжат айланиши электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнларини умумлаштиради. Электрон ҳужжат айланишидан битимлар тузиш, ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни ўтказишда фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Турли компанияларнинг автоматлаштирилган тизимлари орасида стандартлаштирилган шаклдаги ишчан ҳужжатларини электрон алмашинуви, электрон ҳужжат айланишини жорий қилиниши бизга нима фойда беради деган савол пайдо бўлади? Республикаимизда собиқ иттифоқ замонидан бери авж олиб келаётган қоғозбозликни кескин камайтиради.

Электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги давлат сиёсати электрон ҳужжат айланиши кенг қўлланилишини таъминлашга, электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилишга, электрон ҳужжатдан фойдаланиш стандартлари, нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқишга қаратилган. Энг аввало, ахборот технологиялари ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, уларда бир неча йиллардан бери шаклланиб улгурган бу тизимнинг фойда бериши кўриб чиқилиши керак. Барча фаолият юритаётган ташкилотларни замонавий компьютер ва бошқа технологиялар билан жиҳозлаш, уларни

ишлатиш учун махсус шарт-шароитлар яратиш, малакали мутахассислар таклиф этилиши ишнинг сифатини белгилаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Ташкилотларни бир тизимни жамлаган локал тармоққа улаш ва улар ўртасидаги хат-хабарлар алмашинувини қоғоз орқали эмас, балки электрон усулда бўлишини таъминлаш жорий қилинса, ҳам ватқ кам сарфланади, ҳам маблағ тежаллади. Электрон ҳужжат ва электрон технологияларни замонавий иш юритишда ягона муаммо ёки масала деб қараш мумкин. Электрон ҳужжатлар муаммоси – бу биринчи навбатда электрон ҳужжатларни ҳуқуқий кучга эга эканлигини тушуниб, ишончли ёки ҳақиқийлигини бошқарув фаолиятида ҳужжатлар тарқатиш жараёнида қоғозбозликдан воз кечиш имкониятини идрок этишдир. Иш юритишда электрон ҳужжатлар муаммоси – бу ҳужжатлаштиришдан архивда сақлангунича замонавий янгидан-янги технологиялардан фойдаланиш, иш юритишнинг барча босқичларидаги жараёнларни тезлаштириш муаммоси ҳисобланади. Электрон ҳужжат юритиш мамлакатимизда янада кенгроқ жорий қилиниши зарур. Бунга сабаблар жуда ҳам кўп. Ҳозирда ахборот оқимлари материлларга нисбатан кўп бўлса кўпки кам аҳамият касб этмаяпти. Иккинчидан маълумотнинг йўқолиб қолиши ёки ўзгалар кўлига тушиб қолиши жуда ҳам қимматга тушиши мумкин.

АКТдан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган интерактив хизматлар куйидаги шаклларга эга:

- умумий фойдаланиладиган ахборотни эълон қилиш – тарқатиш;
- ахборот тизимлари, жумладан, интернет орқали давлат ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича хизматларни амалга ошириш;
- бир томонлама ўзаро ҳамкорлик – электрон шаклдаги ҳужжатларнинг хар хил формулярларидан фойдаланиш имкониятини бериш;
- икки томонлама ахборотни айирбошлаш – сўров бўйича қабул қилиш, таҳлил (кўриб чиқиш) ва жавоб юборишни ўз ичига оладиган идора хизматлари (буюртманомалар, мурожаатларни тақдим этиш, уларни қайта ишлаш натижаларини тақдим этиш);
- электрон шаклдаги маълумотлар тўлиқ айирбошланишини амалга ошириш, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ва уларга ҳақ тўлаш шаклида кўрсатиши мумкин.

Ҳужжат ва унинг турлари. Ҳужжат - матн, товуш ёки тасвир шаклида ахборот ёзилган, замон ва маконда узатиш ҳамда сақлаш ва жамоат томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган моддий объект.

Ҳужжат турлари – ҳужжатлар ўз шаклига кўра куйидаги турларга ажратиш мумкин:

- Матнли ҳужжатлар.
- Товушли ҳужжатлар.
- Тасвирли ҳужжатлар

Ахборот коммуникация воситалари қўллаб қувватлайдиган технология ёрдамида инсон учун қулай шаклда сақланадиган, узатиладиган ва тақдим этиладиган ва уни таниб олишга имкон берадиган реквизитларга эга электрон воситалардаги ахборот - бу электрон ҳужжатдир.

Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот коммуникация тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда ҳосил қилинади, ишлов берилади ва сақланади. Электрон ҳужжат электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг мазкур ҳужжатни идрок этиш имкониятини инобатга олган ҳолда яратилиши керак. Электрон ҳужжат айланиши электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлади. Электрон ҳужжат айланишидан битимлар тузиш (шу жумладан шартномалар тузиш), ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни узатишда фойдаланиш мумкин.

Электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари:

- Электрон ҳужжатни жўнатувчи;
- Электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи;
- Ахборот воситачилари.

Электрон ҳужжат реквизитларида номи кўрсатилган ҳамда электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчига электрон ҳужжатни жўнатаётган юридик ёки жисмоний шахс электрон ҳужжатни жўнатувчидир.

Электрон ҳужжатни жўнатувчи томонидан электрон ҳужжат қайси юридик ёки жисмоний шахсга йўлланган бўлса, шу шахс электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчидир.

Электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс ахборот воситачисидир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги давлат сиёсати электрон ҳужжат айланиши кенг қўлланилишини таъминлашга, электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, электрон ҳужжатдан фойдаланиш стандартлари, нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқишга қаратилган. Электрон ҳужжат айланиши электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлади. Электрон ҳужжат айланишидан битимлар тузиш (шу жумладан шартномалар тузиш), ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни узатишда фойдаланиш мумкин. Қонун ҳужжатларида ёки электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг келишуви билан электрон ҳужжатнинг бошқа реквизитлари ҳам белгиланиши мумкин. Электрон ҳужжатнинг юридик кучи. Электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади. Электрон ҳужжатнинг асл нусхаси электрон ҳужжатнинг бир хил ҳар қайси айнан нусхаси, башарти у белгиланган тартибда ҳақиқий деб тасдиқланган бўлса, асл нусхадир. Электрон ҳужжатнинг қоғоз нусхаси бўлиши мумкин. Электрон ҳужжатнинг қоғоз нусхаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва сақланади. Электрон ҳужжатни жўнатиш электрон ҳужжат, агар у бевосита электрон ҳужжатни жўнатувчи ёки унинг ахборот воситачиси томонидан жўнатилган бўлса, жўнатилган деб ҳисобланади. Агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон ҳужжатни жўнатувчи томонидан унинг бекор қилиниши мумкин бўлмаган жўнатилиш вақти электрон ҳужжатни жўнатиш вақти деб ҳисобланади.

Электрон ҳужжатни қабул қилиб олиш агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи томонидан кўрсатилган ахборот тизими орқали электрон манзил бўйича электрон ҳужжат келиб тушган вақт электрон ҳужжат қабул қилиб олинган вақт деб ҳисобланади. Электрон ҳужжат, агар электрон ҳужжатнинг қабул қилиб олинишини таъминлаган ахборот тизими ҳатто бошқа ерда жойлашган бўлса ҳам, электрон ҳужжатни қабул қилиб олувчи турган жойда қабул қилиб олинган деб ҳисобланади.

Электрон ҳужжатларни сақлаш, электрон ҳужжатлар электрон ҳужжат айланиши иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланиши керак. Электрон ҳужжатларни сақлаш чоғида улардан эркин фойдаланиш ва уларнинг қоғоз нусхаларини тақдим этиш имконияти таъминланиши лозим. Электрон ҳужжатни сақлаш муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунга ўхшаш мақсадга мўлжалланган қоғоз ҳужжат учун белгиланган муддатдан кам бўлмаслиги керак. Электрон ҳужжат айланишида электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш электрон ҳужжат айланишининг иштирокчиларига ёки бошқа юридик ва жисмоний шахсларга зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади. Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Электрон ҳужжат айланиш тизимининг ташкилотлар, давлат идоралари ва корхоналарда жорий қилиниши иш юритиш ишларини такомиллаштириб, ходимларнинг вазифаларини ўз вақтида бажариш назоратини кучайтирганлиги туфайли, уларнинг ишга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартиради, меҳнат унумдорлиги ошади, ахборот хавфсизлиги кучаяди. Лекин шу билан бир қаторда тизимнинг жорий этилиши ўрнатилган иш ўринлари сонига ўз таъсирини ўтказди.

Ҳозирги кунда республикада ишлаб турган тизимларнинг ўнга яқин тури мавжуд. Енг кенг ўлланилаётган тизимлар миллий корхоналар томонидан ишлаб чиқилган «Гермес», «Е-ҳужжат», «FIDO-DOCFLOW» тизимлари ҳамда чет эл компаниялари томонидан ишлаб чиқилган Ефрат, Лотус Домино ва бошқалар.

Қўлланилаётган тизимларнинг асосий камчилиги электрон ҳужжатга юридик мақом бериш имконининг йўқлиги ва кўпгина тизимларни фойдаланувчиларнинг ишлатиш жараёни мураккаблиги ҳисобланади. Ҳозирги кунда фақатгина «Е-ҳужжат» тизимида юридик мақом бериш имкони мавжуд. «Гермес» тизимида эса бу иш амалга ошириляпти.

Бундан ташари, тизимларнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 29-мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, консернлари, уюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари аппаратларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича йўриқнома»си асосида ишлаб чиқилмаган.

Республикада электрон ҳужжат айланиш тизими ва уни жорий этишда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мутахассислари томонидан яратилаётган ихтиро ҳамда рационализаторлик таклифларининг ўрни бекиёс. Ана шундай истиқболли янгиликлардан бири - фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан яратилган «Криптографик коммуникатсия, аутентификация ва махфий калитлар генерациясининг диаэкспотенциал тизимини яратиш усули» ихтиросидир.

Ўзбекистон Республикасининг миллий криптографик алгоритмларини яратиш, уларни такомиллаштириш ва ахборотни криптографик муҳофазалашнинг миллий дастурий ва аппарат-дастурий воситаларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-йил 3-апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида ахборотнинг криптографик муҳофазасини ташкил этишга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги» 614-сонли қарорида биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилганлигини ҳисобга олсак, мазкур ихтиро бу қарорнинг бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Хориж тажрибасини таҳлил этиш ва ўрганиш ривожланишнинг янги йўналишларини очиб беради. Россия электрон ҳужжат айланиш тизими дунё бўйича 6% улушга эга бўлиб, бу жуда катта кўрсаткич ҳисобланади. Тизимнинг Республикада татбиқ этилаётган ҳимояланган электрон ҳужжат айланиш «Е-ҳужжат» тизимларини яратишда мазкур хорижий ташкилотларнинг тажрибасига таянган ҳолда олиб борилишига асосланган.

Электрон ҳужжат айланиш тизимининг асосий элементи бўлиб, бир неча турга (кирувчи, чиқувчи ва ички) бўлинувчи ва маълум реквизитларга эга электрон ҳужжат ҳисобланади. Электрон ҳужжат ҳисоб-варақасини юритиш ҳар бир фойдаланувчига руҳсат этилади. Электрон ҳужжат раҳбарият томонидан электрон рақамли имзо қўйилгандан сўнг уни ўзгартириш имкони бўлмади.

«Е-ҳужжат» давлат ва тижорат корхоналарида электрон ҳужжат алмашиш тизимини юритиш учун мўлжалланган. «Е-ҳужжат» мамлакатимизда ишлаб чиқилган алгоритмлар асосида яратилган илк дастурий таъминот бўлиб, қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

давлат ва тижорат корхоналарининг локал ва корпоратив тармоқлари орқали ҳимояланган электрон ҳужжат алмашувини бошқариш;

Республикада ишлаб чиқилган «Электрон рақамли имзо» тўғрисидаги, «Электрон ҳужжат айланиши» тўғрисидаги қонунлар, ахборот ва коммуникатсия йўналишидаги дастурларни ҳаётга татбиқ этиш;

марказлашган электрон ҳужжат алмашиш тизимини яратиш. «Е-ҳужжат» қуйидаги имкониятларни яратади:

Электрон ҳужжатларни электрон рақамли имзо, шифрлаш, калит алмашиш тизимлари орқали махфийлигини ва бутунлигини таъминлаш;

Электрон ҳужжатларни марказлашган ҳолда сақлаш, алмашиш ва фойдаланувчиларнинг ишларини енгиллаштириш;

фойдаланувчиларнинг шахсий ҳужжатларини шифрланган ҳолда сақлаш.

Электрон ҳужжатнинг мажбурий реквизитларидан бири электрон рақамли имзо ҳисобланади. «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатларини белгилайди. Бунга глобал компьютер тармоқларининг ташкил этилиши натижасида дунёда ахборот узатиш ва тарқатиш соҳасида рўй берган кескин ўзгаришлар сабаб бўлди. Халқаро таҳлилчиларнинг маълумотларига кўра, жами корпоратив ахборотнинг қарийб 30 фоизи маълумотлар базасида йўналишларга бўлинган ва бўлинмаган ҳолда электрон шаклда алмашилмоқда ҳамда сақланмоқда. Электрон матнли ахборот ҳажми ҳар уч йилда икки бараварга кўпаяди. Электрон ахборот ҳажмининг кўпайишига қараб, қоғоздаги ҳужжатлар сони ва ҳужжат айланиши ҳажми ҳам ортади.

Дунёда ҳар йили 6 миллиардга яқин янги ҳужжат пайдо бўлмоқда. Шубҳасиз, бундай шароитда электрон ҳужжат айланиши янада тез ривожланади. Бу эса ахборот алмашиш тезлигини анча ошириб, уни сақлаш жойларига бўлган эҳтиёжни жиддий равишда камайтириш имконини беради. Электрон ҳужжат айланишини ривожлантириш зарурати учта омилга

боғлиқ. Бу расмий ҳужжатлар билан ишлашда технологик ўзгаришларни амалга ошириш. Бунинг натижасида қоғозда иш юритиш ўрнини электрон ҳужжат айланиши эгаллайди. Компаниялар катта ҳажмдаги ахборот оқимини тўплаш ва қайта ишлаш, бизнес-жараёнлар, молиявий, моддий, номоддий, меҳнат ҳамда бошқа ресурсларни қисобга олиш ва назорат қилишни таъминлаш жараёнларини автоматлаштиришга эҳтиёж сезмоқда.

Жадал ривожланиб бораётган электрон тижоратда томонлар ўртасидаги битимлар Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда амалга оширилади. Дунёда дастлабки электрон ҳужжат айланиши тизими банк соҳасида пайдо бўлди. Шундай тизимлардан бири – SWIFT – ўтган асрнинг 70-йилларидан буён ишлатилмоқда. Кейинчалик ички ва банклараро ахборот тизимлари ҳам ривожлана бошлади. Тизимлар такомиллашиб, ривожланди ва бизнес-жараёнлар, ахборот, тасвирлар ва катта ҳажмдаги ишларни бошқаришга йўналтирилди.

Ҳозир дунёда электрон ҳужжат айланиши тизимларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган ўн минглаб компаниялар мавжуд. ИБМ, Microsoft, Oracle, Documentum каби компаниялар ушбу соҳада етакчилик қилмоқда. Шунингдек, электрон ҳужжат айланиши тизимларини ривожлантиришда айрим компаниялар ўз савб-ҳаракатларини бирлаштираётгани ҳам кузатилмоқда [7]. Бугунги кунда электрон ҳужжат айланиши ахборот тақдим этишнинг асосий усулига айланди. Турли ҳужжатлар билан фаол ишлашда эртами, кечми катта ҳажмдаги ахборотни тизимлаштириш, қайта ишлаш ҳамда хавфсиз сақлаш муаммоси юзага келади.

Электрон ҳужжат айланиши тизимидан фойдаланиш орқали қоғоз ҳужжатлар билан ишлаш жараёнида юзага келадиган кўплаб ташкилий ва технологик чекловларни бартараф этиш мумкин. Бу эса ҳужжатлар билан ишлаш самарадорлиги, бошқариш сифатини ошириш, ахборотни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш имконини беради. Электрон ҳужжат айланиши тизимлари нафақат битта корхона миқёсида, балки мамлакат иқтисодиётининг барча жабҳаларида қўлланиши лозим. Масалан, солиқ соҳасида ушбу тизим ёрдамида солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини бажариши бўйича ҳисобот ахборотини тўплаш, уларни ҳисобга олиш, ахборот-таҳлилий солиқ текширувларини олиш ҳамда таҳлил қилиш мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолият ва божхона соҳасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини қайд этиш, божхона тўловлари, импорт, экспорт ва транзит юк ташишлар тўғрисидаги ҳисоботларни олиш, иқтисодиёт ва саноат соҳасида макроиқтисодий маълумотларни тўплаш, саноатнинг ривожланишига оид асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва ҳоказоларга эга бўлишга ёрдам беради. Бу борада бизнес-шериклар ва мижозлар билан ўзаро муносабатни ташкил этишга мўлжалланган электрон ҳужжат айланиши тизими жадал ривожланмоқда. Ушбу тизимларда битимларни тасдиқлаш учун электрон ҳужжат алмашинуви амалга оширилади. Бу тарзда ҳужжат алмашинуви электрон ҳужжат айланиши тизимини электрон почта билан интеграциялаштириш ёки порталлардан фойдаланиш ҳисобидан таъминланади. Бундай ўзаро муносабатлар электрон ҳукумат, электрон тижоратни ривожлантириш учун зарур.

“Е-ҳужжат” тизимининг янги таҳрири саноат стандартлари ва технологияларини ҳисобга олган замонавий платформа асосига қурилган бўлиб, қонуний ҳужжат алмашинувини ташкил қилиш [8], ягона ҳисобга олиш тизимини яратиш, ҳужжатлар ижросини тизимлаштириш ва назорат қилишни ташкил этиш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёни ва мавжуд иш юритиш тизимини такомиллаштириш ва автоматлаштиришга мўлжалланган. Унинг платформаси бошқа электрон ҳужжат айланиш тизимларига мос бўлиб, турли вазирлик ва идоралар, ташкилотларнинг мавжуд ва янги дастурий иловалари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ишлатилиши мумкин.

Электрон ҳужжатни қалбакилаштиришни олдини олиш, ҳамда унга юридик мақом бериш учун давлатимизда қабул қилинган стандартлар асосида электрон рақамли имзо қўйилиши керак. Электрон ҳужжатни махфийлигини таъминлаш, уни ўқишга рухсати бўлмаган шахслардан ҳимоя қилиш учун ахборотни шифрланган кўринишда жўнатиш ва сақлаш лозим [9-10]. Ҳар бир корхона ва ташкилот электрон ҳужжат айланиш тизимини танлаб олиши зарур.

Электрон ҳужжат айланиш тизимини қуйидагича туркумлаш мумкин.

- иш юритиш ва ҳужжат айланиш тизимини автоматлаштириш.
- иш оқимини (бизнес-жараёнларини) бошқариш тизими.
- ташкилот ва бошқарув архив документлари тизими.

ҳужжатлар бошқарувини электрон тизими.

Электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш 2 турдаги афзаллик келтиради: тактик

ва стратегик.

1. Тактик афзаллик - бу асосан ҳаражатларнинг қисқариши билан боғлиқ ҳисобланади. Буни аниқлаш унчалик мураккаб эмас. Яъни электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш анча қоғоз ҳужжат сақланадиган шкафлардан, уларни қўйишга кетадиган жойдан, анча ватқдан ва ҳужжатларни принтердан чиқариш ва уларни бир неча маротаба кўчириш ҳаражатларидан озод қилиши ҳисобланади.

Демак, тактик афзаллик ташкилот ёки муассасага қуйидагиларда ижобий самара келтиради:

- катта майдондаги жойни бўшатиш;
- ҳужжатлардан нусха кўчиришдаги ҳаражатларни қисқартириш;
- ҳужжатларни қоғоз кўринишда ташишга бўлган ҳаражатларни қисқартириш;
- ресурсларга бўлган ҳаражатларни қисқартириш: ходимлар ва жиҳозлар;
- қоғозларга кетадиган ҳаражатларни қисқартириш;
- иш унумдорлигини ошириш: ишни бажарилишини тезлаштириш, умумий бажарилган

иш ҳажмини ошиши, юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар билан ишлашни яхшиланиши, кўшимча турдаги ишлар бажариш имконияти пайдо бўлиши ва бошалар.

2. Электрон ҳужжат айланиш тизимини стратегик афзаллиги бу бизнес фаолиятни яхшилаш билан боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида агар тижорат корхоналари бўлса корхона оборотини ёки фойдасини ўсиши билан агар давлат ҳокимият органлари бўлса у ҳолда қарорлар қабул қилиш, хизматлар кўрсатишни яхшиланиши билан боғлиқ. Умуман олганда бу афзалликни аниқ ифодалаш анча мураккаб бўлиб исобланади.

Демак электрон ҳужжат айланиш тизимини стратегик афзаллиги қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- ҳужжатлар устида умумий иш қилиш имконияти пайдо бўлади.;
- ҳужжатларни танлаш ва излашда жуда катта тезликка эга бўлиш;
- ахборот хавфсизлигини юқори даражада таъминланганлиги, яъни электрон ҳужжат

айланиш тизими билан ишлаганда қайд қилинмаган фойдаланувчига ҳеч қандай тизимдан фойдаланишга имкон берилмаслиги;

- ҳужжатларни сақлаш худди Электрон ҳужжатни серверда сақлагандай қулай эканлиги;
- ҳужжатлар ҳаракатини бошқаришни яхшиланиши.
- ҳужжат айланиш тизимини автоматлаштиришнинг асосий натижасини биринчи

навбатда ҳужжатлар билан ишлашдаги чалкашликлар бўлмаслиги, бизнес фаолиятни оптималлаштириши, бошқарув қарорларини қабул қилиш вақтини қисқариши ва ташкилотнинг бутун иш фаолияти самарадорлигини ўсишида кўришимиз мумкин.

2020–2025 йилларда Ўзбекистонда электрон ҳужжат айланиш тизими ҳамда электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилгани бу борадаги ишларни тизимли олиб боришда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу концепциядан кўзланган стратегик мақсад – электрон ҳужжат айланиш ҳамда электрон ҳукумат тизимининг кейинги босқичига ўтиш, интеграциялашган ҳукуматни ривожлантиришга кўмаклашишдир.

Юқорида таъкидланганидек электрон ҳужжат айланишининг ҳажми ортиб борган сари сифатини йўқотиб бормаслиги ҳамда унинг хавфсизлик тамойилларига катта эътибор қаратилиши муҳим аҳамиятли масала ҳисобланади. Бу борадаги ишлар ва ўтказилган амалий текширувлар, шунингдек кузатишларга асосланиб бу борадаги камчиликларимиз талайгина эканлигини тан олишимиз лозим. Камчилик ва ноқулайликларни бартараф этиш учун бир қатор таклиф ва тавсиялар мавжуд.

– электрон ҳужжат айланиш тизими оддий (қоғоз) ҳужжат айланиш ёки бўлмаса корхоналардаги иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича ўрнатилган тартиб асосида ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

– Нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш, масофадан фойдаланиш тизимларини ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шаклларини ривожлантириш;

– давлат органларининг ортиқча маъмурий тартиб-таомилларини бартараф этиш ва (ёки) бирлаштириш ҳамда келишиб олинадиган вазифалари сонини камайтириш;

- идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни мақбуллаштириш;
- электрон давлат хизматлари кўрсатиш муддатларини қисқартириш.
- тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, интернет жаҳон ахборот тармоғи

орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланишини,

шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш;

– Ҳужжат алмашинуви асосан бир томонлама олиб борилмоқда ҳужжатлар электрон ҳужжат орқали юбориш талаб этилиши;

– Ҳужжат алмашинувини назорат қилувчи марказни йўлга қўйиш ва ҳар бир ҳужжатни электрон ҳолда таъминлаш;

– Электрон калитлар билан таъминлашни (электрон рақамли имзо) кенгроқ йўлга қўйиш ва ривожлантириш ;

– Электрон ҳужжатдан фойдаланиш камчиликларини (техник носозликлар) бартараф этиш ва олдини олдиш;

– Кичик корхона ва ташкилотлар учун самарали ҳужжат айланишини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш;

Хулоса қиладиган бўлсақ бутун давлат ва жамият муносабатлари электронлашиб бораётган даврда айнан шу тизимга мослашиб иш юритиш ва яшаш талаб этилади. Ҳар бир босган қадам ва айтилган сўзлар электрон ҳужжатнинг қайсидир бир бўлагига айланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг қолаверса бутун оламнинг барча эҳтиёжлари айнан манашу масалага келиб тақалмоқда. Бу масала давлат миқёсида олиб борилаётган муҳим стратегик ислохотлар негизида ҳам кўзга ташланиб турибди. Демак моҳиятан олиб қарайдиган бўлсақ, ортиқча вақт кетказиш ва қоғозбозлик ишларидан вос кечиб янгича иш юритиш тизимига ўтиш вақти келди. Давлат ва жамиятимиз муносабатларида бир қанча қулайликларни юзага келтирувчи электрон ҳужжат айланиш тизимининг мукамал даражада ўзлаштириш ва мукамалликка етказиш мақсадини долзарблигини англаш мазкур масалада муҳим аҳамият касб этади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент шаҳри, 2004 йил 29 апрель, ЎРҚ № 611-II сон. (Law of the Republic of Uzbekistan “On electronic document management”. Tashkent, april 29, 2004. O’RQ № 611-II)

2. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент шаҳри, 2003 йил 11 декабрь, ЎРҚ № 562-II сон. (Law of the Republic of Uzbekistan «On electronic digital signature». Tashkent, December 11, 2003. № 562-II.)

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент шаҳри, 2003 йил 11 декабрь, ЎРҚ № 563-11 сон. (Law of the Republic of Uzbekistan «On Informatization». Tashkent, , December 11, 2003. O’RQ № 563-11.)

4. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни Тошкент шаҳри, 2002 йил 12 декабрь, ЎРҚ № 439-II сон. (Law of the Republic of Uzbekistan «On the principles and guarantees of freedom of information» Tashkent, December 12, 2002. O’RQ № 439-II)

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Тошкент шаҳри, 2002 йил 6 июнь № 200-сон. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures to further develop computerization and introduction of information and communication technologies.” Tashkent, June 6, 2002. № 200.)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://www.uza.uz> (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev to the OliyMajlis of January 24, 2020).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2020 йил, 03/20/602/0052-сон (Civil Code of the Republic of Uzbekistan // National Database of Legislation, dated January 15, 2020, № 03/20/602/0052)

6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. –Тошкент: Vektor-Press, 2010. 47 б. (Профессионал (малакали) шарҳлар). (Commentary to the Civil Code of the Republic of Uzbekistan. Volume 1 (Part One) Ministry of Justice. –Tashkent: Vector-Press, 2010. – 47 p. (Professional (qualified) reviews).

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., илова, 1-сон. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1996., app, Issue 1.)

8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 551-модда. (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2009, № 52, article 551)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.03-ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО.
СЕМЕЙНОЕ ПРАВО. МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО

Aminov Mirobos Askar o'g'li,
Toshkent davlat yuridik universiteti doktoranti
E-mail: mr4689959@mail.ru

DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIK MUNOSABATLARINING XALQARO TAJRIBASI: QIYOSIY-HUQUQIY TAHLIL

For citation: Aminov Mirobos Askar ugli. INTERNATIONAL EXPERIENCE OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP: COMPARATIVE-LEGAL ANALYSIS. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 1, (35-29) pp.

 DOI 10.26739/2181-9130-2021-6-4

ANNOTATSIYA:

Hozirgi kunda rivojlangan mamlakatlar tajribasidan shuni kuzatishimiz mumkinki, davlat-xususiy sheriklik munosabatlari mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirish, yirik infrastruktura loyihalarini samarali amalga oshirish mamlakatda ijtimoiy infratuzilmani yaxshilanishida katta rol o'ynamoqda. Bu borada rivojlanayotgan davlatlar tajribasini o'rganish va ulardagi amaliyotlarni mamlakatimizga joriy etish muhim vazifalardan sanaladi. Ushbu maqolada davlat-xususiy sheriklik munosabatlarini tartibga soluvchi xalqaro tashkilotlar ormativ-huquqiy hujjatlari hamda rivojlangan xorijiy davlatlar sohaga oid qonunlari qiyosiy tahlil qilindi.

Kalit so'zlar: davlat, xususiy sherik, qonun, O'zbekiston Respublikasi, UNCITRAL, konsessiya.

Аминов Миробос Аскар угли,
Докторант Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: mr4689959@mail.ru

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

АННОТАЦИЯ:

Сегодня мы видим на опыте развитых стран, что государственно-частное партнерство играет важную роль в развитии экономики страны, эффективной реализации крупных инфраструктурных проектов и улучшении социальной инфраструктуры в стране. Одна из важных задач - изучить опыт развивающихся стран и внедрить их практики в нашей стране.

В данной статье проводится сравнительный анализ правовых документов международных организаций, регулирующих государственно-частное партнерство, а также законодательства развитых стран.

Ключевые слова: государство, частный партнер, право, Республика Узбекистан, ЮНСИТРАЛ, концессия.

Aminov Mirobos Askar ugli,
Doctoral student of Tashkent State University of Law
E-mail: mr4689959@mail.ru

**INTERNATIONAL EXPERIENCE OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP:
COMPARATIVE-LEGAL ANALYSIS**

ANNOTATION:

Today, we can see from the experience of developed countries that public-private partnerships play an important role in the development of the country's economy, the effective implementation of major infrastructure projects and the improvement of social infrastructure in the country. One of the important tasks is to study the experience of developing countries and introduce their practices in our country.

This article provides a comparative analysis of the legal documents of international organizations governing public-private partnerships, as well as the laws of developed countries.

Keywords: public, private partner, law, Republic of Uzbekistan, UNCITRAL, consession.

Zamonaviy dunyoda davlat o'z vazifalarini bajarishda yordam beradigan turli usullar tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Byudjet taqchilligi sharoitida davlat idoralari infratuzilma loyihalarini amalga oshirish uchun byudjetdan tashqari mablag' jalb qilish uchun yangi manbalarni izlamoqda. Shu munosabat bilan davlat davlat-xususiy sheriklik tamoyillariga asoslangan loyihalarga alohida qiziqish bildiradi.

Buning uchun davlat xizmatchilari printsiplial jihatdan yangi vakolatlarga ega bo'lishlari kerak, ular doirasida o'zaro manfaatli maqsadlarga erishish uchun nafaqat biznes faoliyatining o'ziga xos xususiyatlarini tushunishlari, balki u bilan tomonlarning tengligi tamoyillari asosida o'zaro aloqada bo'lishlari kerak bo'ladi. Aynan shunday hamkorlik orqali davlat mamlakatni rivojlantirishda ijobiy natijalarga erishishi mumkin.

Bu holda, birinchi navbatda, xorijiy tajribani ko'rib chiqish, bular uchun DXShdan foydalanish ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qilishning eng maqbul usullaridan biri hisoblanadi.

Xorijiy doktrinada DXSh uchun qulay huquqiy asoslarning mavjudligi davlat va biznesning o'zaro ta'sirining ushbu shaklini qo'llash va rivojlantirish muvaffaqiyatining asosiy omillaridan biri hisoblanadi. Osei-Kyei Chan va Wibowo Alfenlarning fikrlariga ko'ra bu yutuqni ta'minlash uchun zarur huquqiy mexanizmlarni qonunchilikda birlashtirish bilan DXSH orqali davlat maqsadlari, xususiy sektorni DXSH loyihalarida ishtirok etishni rag'batlantirish, shuningdek, DXSH loyihalarining barcha ishtirokchilarining huquqlari va manfaatlarini to'g'ri himoya qilish, DXSH loyihalarini amalga oshirishning kutilayotgan samarasi bilan bog'liq [1]. O'zbekiston Respublikasida DXSHning huquqiy asoslari qonunlar va 10 dan ortiq qonunosti hujjatlardan iborat. O'zbekiston Respublikasi DXSH qonunchiligining bunday ta'sirchan hajmi uning sifat xususiyatlarini ta'minlashi kerak edi. Qonunchilikni takomillashtirish yo'llari DXShni huquqiy tartibga solishning xalqaro va xorijiy amaliyotida izlanmoqda. Shubhasiz, davom etayotgan va kelajakda ham DXSH uchun O'zbekiston qonunchilik bazasini takomillashtirish jarayoni ushbu sohadagi huquqiy tartibga solishning zamonaviy xorijiy tendentsiyalarini ko'rib chiqish va hisobga olishdan xoli bo'lmasligi kerak. Hozirgi kunda DXSh sohasidagi munosabatlarni tartibga soluvchi xalqaro shartnoma mavjud emas. DXShning zamonaviy xalqaro doirasi DXShni huquqiy tartibga solish modellari va namunalari to'plami bilan bir qatorda davlatlarning va boshqa sub'ektlarning DXShni ishlab chiqish va amalga oshirish sohasidagi davlatlarning hatti-harakatlarining standart qoidalari bilan ifodalanadi. Ular xalqaro tashkilotlar va mintaqaviy birlashgan sub'ektlarining qarorlarida va boshqa aktlarida o'z aksini topgan. Ular orasida asosiylari MDHning "Davlat-xususiy sheriklik to'g'risida"gi Namunaviy Qonuni[2]; Xalqaro savdo huquqi bo'yicha Birlashgan Millatlar Tashkilotining Komissiyasi (United Nations Commission On International Trade Law - UNCITRAL)ning Xususiy moliyalashtirilgan infratuzilma loyihalari bo'yicha qonun chiqaruvchilar uchun ko'rsatma va Nam'unaviy qonunchilik qoidalari[3]; Davlat-xususiy sheriklik va jamoat

qonunchiligi to'g'risida davlat shartnomalari va konsessiyalari to'g'risida Yashil hujjat [4]; Yevropa parlamenti va Kengashining 2014 yil 23 fevraldagi konsessiya shartnomalarini tuzish to'g'risidagi 2014/23/EU Yo'riqnomasi [5]; Osiyo va Tinch okeani uchun iqtisodiy va ijtimoiy komissiya (The Economic and Social Commission for Asia and the Pacific - ESCAP)ning DXSH qo'llanmasi 2017 [6]; Birlashgan Millatlar Tashkilotining Yevropa Iqtisodiy Komissiyasi (United Nations Economic Commission for Europe – UNECE) DXSH standartlari[7] va boshqalar.

DXSH-ni huquqiy tartibga solishda boshqa xalqaro va xorijiy tendentsiyalarni ko'rib chiqishda Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki (keyingi o'rinlarda - YTTB) va Jahon banki tomonidan amalga oshiriladigan milliy xususiy sheriklik harakatlarining xalqaro hujjatlarga muvofiqligi darajasini baholash natijalariga murojaat qilish maqsadga muvofiq, chunki ularning pozitsiyalariga ko'ra - xalqaro tashkilotlar DXSH qonunchiligini takomillashtirishda foydali vosita bo'lib xizmat qilishi mumkin. YTTB tomonidan 32 mamlakatning milliy qonunchiligi to'rt daraja bo'yicha baholandi: juda yuqori, yuqori, o'rtacha va past. Shunday qilib, DXSH to'g'risidagi qonunlarga muvofiqlik darajasi juda yuqori Serbiya va Mo'g'uliston, DXSH to'g'risidagi qonunchilikka yuqori davlatlar - Gretsiya, Kosovo, Latviya, Bolgariya, Misr, Litva, Albaniya, Ruminiya, Chernogoriya, Sloveniya, Xorvatiya, Marokash, Iordaniya, Tunis, Qozog'iston, Makedoniya, Moldova, O'zbekiston Respublikasi, Ukraina, Belorusiya davlatlaridir. O'zbekiston Respublikasi qonunchiligi uchun muammoli bo'lgan DXSH shartnomalari shartlarini huquqiy tartibga solishning eng yaxshi modellari Gretsiya, Mo'g'uliston, Serbiyaning huquqiy tartibida mustahkamlanganligini va xususiy sheriklik munosabatlarini ta'minlash va qo'llab-quvvatlash bo'yicha chora-tadbirlar namunalari Belorussiya, Mo'g'uliston va Serbiya qonunchiligida mavjudligini ta'kidlaymiz. Jahon bankining baholash natijalariga kelsak, Buyuk Britaniya, Filippin, Litva, Janubiy Afrika, Avstraliya, Janubiy Koreya, Meksika, Chili, Kolumbiya, Italiya, Braziliya, AQSh kabi davlatlarda DXShning milliy qonunchilik bazasi xalqaro DXSH aktlariga yuqori darajada mos keladi. Albaniya, Kosta-Rika, Xitoy, Urugvay, Tanzaniya, Vetnam, Bolgariya, Kanada, Yamayka, Shri-Lanka, Gonduras, Nigeriya, Indoneziya, Mavrikiy, Marokash, Rossiya, Ukraina, Peru, Bosniya va Gertsegovina, Mo'g'uliston, Tojikiston, Hindiston, Fransiya, Qirg'iziston, Mozambik, Bangladesh, Kot-d'Ivuar, Dominikan Respublikasi, Uganda, Iordaniya, Qozog'iston, Zambiya, Portugaliya, Tunis, Argentina, Misr qonunchiligi o'rtacha darajadagi muvofiqlik darajasiga yetgan. Jahon banki ma'lumotlariga ko'ra, DXSH shartnomalarini boshqarish va boshqarish shartlarini huquqiy tartibga solishning eng samarali modellari Braziliya, Meksika, Filippin milliy qonunchiligida mustahkamlangan [8].

Milliy huquqiy tizimlarning rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlari, huquqiy oilalarga mansubligi, iqtisodiy omillar, DXShni milliy iqtisodiyotga joriy etish usullari sabab bo'lishi mumkin degan fikrga keishimiz mumkin. DXShni milliy darajada huquqiy tartibga solish mexanizmini belgilovchi - davlatning huquqiy tizimining turi, xalqaro va mintaqaviy tashkilotga a'zoligi, uning iqtisodiy rivojlanish darajasi va iqtisodiyot va huquqiy munosabatlarni tartibga solishda ishtirok etish darajasi omillari sanaladi.

Shunday qilib, O'zbekiston qonunchiligida DXSH va konsessiya shartnomalarining ob'ektiv tarkibi juda keng belgilangan va infratuzilma va iqtisodiyotning barcha asosiy tarmoqlarini qamrab olgan bo'lsa-da, u bu tegishli ro'yxatlarga kiritilmagan ob'ektlarga nisbatan DXSH shartnomalari va konsessiya shartnomalarini tuzishga imkon bermaydi. DXShni tartibga solishning xalqaro tendentsiyalari tamomila boshqacha yondashuvdan iborat bo'lib, DXShning ob'ektlari va sohalarini to'liqsiz shaklda tashkil etishni tavsiya qiladi (MDH «Davlat-xususiy sheriklik to'g'risida» 18-sonli Na'munaviy Qonunining 18-moddasi va Yevropa Ittifoqining DXSh shartnomalar va konsessiyalar to'g'risidagi Yashil hujjatning 4-bandi).

Shunga qaramay, DXSh ob'ektlari va tarmoqlarining to'liq ro'yxatini tuzishga intilayotgan davlatlarga ushbu ro'yxatlarni kerak bo'lganda qayta ko'rib chiqishga yoki ushbu ro'yxatlarni tezda o'zgartirilishi mumkin bo'lgan qonun hujjatlariga kiritishga imkon beradigan mexanizmlarni yaratish tavsiya etiladi (UNCITRALning Na'munaviy Nizomi 4-bandi). Ushbu munosabatlarni huquqiy tartibga solishning xalqaro tendentsiyalari ko'plab mamlakatlarning DXSh to'g'risidagi qonun hujjatlarida o'z aksini topgan (Serbiyaning DXSh va konsessiyalar to'g'risidagi qonunining 11-moddasi [9]; Mo'g'ulistonning konsessiyalar to'g'risidagi qonunining 10-moddasi [10]; Belorusiyaning DXSH to'g'risidagi qonunining 5-moddasi[11]). Va bir qator holatlarda, davlatlar, odatda, DXShning mumkin bo'lgan ob'ektlari yoki sohalarini strategik ahamiyatga ega bo'lganligi sababli tuzmaydilar. Masalan, Qozog'iston Respublikasida DXSH iqtisodiyotning barcha sohalarida amalga oshiriladi va shu bilan birga ro'yxati prezident tomonidan belgilanadigan

ob'ektlarni DXSHni amalga oshirish uchun o'tkazish mumkin emas (Qozog'iston Respublikasining DXSH to'g'risidagi qonunining 6-moddasi[12]). Xuddi shunday mexanizm Gretsiya qonunchiligida ham ko'zda tutilgan bo'lib, davlatning bevosita va mutlaqo konsessiyai bo'lgan sohalarida yoki tadbirlarda DXSH loyihalarini Gretsiya Respublikasi Konstitutsiyasining milliy mudofaa, politsiya, adolat va sud sanksiyalarini ijro etish va boshqa qoidalariga muvofiq amalga oshirishga yo'l qo'ymaydi. (Gretsiya DXSH to'g'risidagi qonunining 2-moddasi [13]).

DXSh shartnomalarining shartlari DXSh loyihalarini amalga oshirish uchun asosiy huquqiy vositadir.

O'zbekiston Respublikasi qonunchiligida belgilangan DXSH va konsessiya shartnomalarining muhim va boshqa shartlari ro'yxati juda batafsil va umuman MDHning PE to'g'risidagi namunaviy qonuni qoidalariga mos keladi, ammo boshqa xalqaro tavsiyalarga mos kelmaydi. Ayni paytda, xalqaro darajadagi bunday shartlarga shartnoma predmeti, xususiy sherik tomonidan ko'rsatiladigan xizmatlarning xususiyati va hajmi kiradi; xizmatlar ko'rsatish tartibi va shartlari va agar mavjud bo'lsa, xususiy sherikning huquqlari eksklyuzivligi darajasi; tomonlarning huquqlari va majburiyatlari; loyihani amalga oshirish uchun zarur bo'lgan hajmda litsenziyalar va ruxsatnomalarni olish bilan bog'liq holda davlat sherigi xususiy sherikga ko'rsatishi mumkin bo'lgan yordam; loyiha kompaniyasining ta'limi va minimal kapitali bilan bog'liq har qanday talablar; shartnomaning amal qilish muddati; DXSH ob'ekti va boshqa mulkka egalik huquqining paydo bo'lishi va tugatilishi uchun asoslar va shartlar; shartnoma bo'yicha to'lovlarni aniqlash shakli, hajmi yoki uslubiyati, ularni olish tartibi; sug'urta; xususiy sherik tomonidan majburiyatlarning bajarilishini ta'minlash usullari; infratuzilmani boshqarish va boshqarishda xususiy sherik tomonidan bajarilishi kerak bo'lgan xizmat darajasi va sifat standartlari; kafolat; shartnomani o'zgartirish, bekor qilish va bekor qilish tartibi va oqibatlari; amaldagi qonunlar va nizolarni hal qilish mexanizmlari (UNCITRALning Na'munaviy Nizomi). Hech qanday sezilarli farqlarsiz, DXSH shartnomalarining ushbu shartlari Serbiyaning DXSH to'g'risidagi qonunida keltirilgan. Unda DXShning o'ziga xos xususiyatlarini ta'kidlaydigan va davlat va xususiy sheriklar o'rtasida xatarlarni taqsimlanishiga, xususiy sherikning eksklyuziv huquqlari ko'lamiga, shuningdek, majburiyatni bajarmagan taqdirda mavjud bo'lgan himoya vositalariga oid bir qator qo'shimcha shartnoma shartlari nazarda tutilgan (Serbiya DXSH to'g'risidagi qonunining 46-moddasi). Jahon bankining yuqori baholariga sazovor bo'lgan ushbu munosabatlarni milliy huquqiy tartibga solishning ilg'or tendentsiyalari sifatida, shuningdek, Gretsiyaning DXSH to'g'risidagi qonunining korrupsiyaga qarshi choralar va protseduralar hamda atrof-muhit va madaniy meros ob'ektlarini muhofaza qilishga oid shartlarini eslatib o'tish lozim;

Xususiy sektorning DXSH loyihalarida ishtirok etishi uchun bir xil darajada muhim va rag'batlantiruvchi vosita - bu DXSh uchun kafolatlarni va davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanishni huquqiy tartibga solishdir. Ularning ro'yhati xalqaro darajada taqdim etilgan quyidagi davlat ko'magi va kafolatlari choralari bilan to'ldirilishi mumkin: eng kam daromad kafolati, valyuta xavfini qoplash, soliq konsessiyalari, eksklyuziv huquqlar va kredit kafolatlari, o'z kapitalida ishtirok etish, DXSH shartnomasini bajarish uchun kafolatlar berish [14]. Bundan tashqari, ular xorijiy qonunchilikda mustahkamlangan quyidagi choralar va kafolatlar bilan to'ldirilishi mumkin: infratuzilma majburiyatlari bo'yicha davlat kafolati; loyihalarni moliyalashtirish uchun jalb qilingan kreditlar uchun davlat kafolatlari; natura turli grantlar berish; konsessiya loyihasini amalga oshirish jarayonida ishlab chiqarilgan tovarlarning (ishlarning, xizmatlarning) ma'lum miqdorini davlat tomonidan iste'mol qilish kafolati (Qozog'iston Respublikasi Konsessiyalar to'g'risidagi qonunining 14-moddasi); kredit kafolati berish; soliq konsessiyalari va soliq konsessiyalarini taqdim etish; to'lov sug'urta; konsessionerning minimal foydasi kafolatlari; boshqa kompensatsiyalarni taqdim etish (Mo'g'ulistonning "Konsessiyalar to'g'risida" gi qonunining 30-moddasi).

Va nihoyat, eng dolzarb masalalardan biri DXSh loyihalari ishtirokchilarining manfaatlarini himoya qilishni huquqiy tartibga solish, shu jumladan DXSh loyihalaridan kelib chiqadigan nizolarni hal qilish mexanizmlari bilan bog'liq.

Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti tomonidan ishlab chiqilgan DXSh sohasidagi davlat boshqaruvining printsiplaridan biri, DXSh loyihasi taraflari o'rtasidagi kelishmovchiliklarni bartaraf etish uchun, DXSh to'g'risidagi milliy qonunchilikda nizolarni hal qilish uchun aniq, bashorat qilinadigan va shaffof qoidalar belgilanishi kerak[15]. Ushbu tamoyil boshqa xalqaro tashkilotlarning hujjatlarida konkretlashtirilgan. MDHning "Davlat-xususiy sheriklik to'g'risida"gi Na'munaviy Qonunining 24-moddasida, DXSH shartnomasidan kelib chiqadigan nizolar davlat sudi yoki jamoat sherigi joylashgan mamlakatning nodavlat arbitraj sudi tomonidan, shuningdek

nizolarni hal qilishning boshqa muqobil usullaridan foydalangan holda, davlat qonunlarida nazarda tutilgan cheklovlarni hisobga olgan holda hal qilinishi mumkin

Chet ellik shaxslar ishtirokidagi DXSH shartnomasidan kelib chiqadigan nizolar, shuningdek davlat qonunchiligiga muvofiq boshqa nizolar, davlat sherikining joylashgan joyidan qat'i nazar, har qanday xalqaro tijorat arbitrajiga hal qilinishi mumkin. UNCITRALning Na'munaviy Nizomi 49 va 51-moddalariga muvofiq, davlat hokimiyati organi va konsessiyachi o'rtasidagi har qanday nizolar, tomonlar konsessiya shartnomasida kelishgan nizolarni hal qilish mexanizmlari orqali hal etiladi. Shu bilan birga, konsessiyachi va uning aksiyadorlari o'zaro nizolarni hal qilishning tegishli mexanizmlarini erkin tanlash huquqiga egalar va konsessiyachi o'zlari va ularning kreditorlari, pudratchilari, etkazib beruvchilari va boshqa tijorat sheriklari o'rtasidagi nizolarni hal qilishning tegishli mexanizmlari to'g'risida erkin kelishish huquqiga ega. Ushbu xalqaro yondashuvni milliy qonunchilikda qo'llashning ko'plab misollaridan biri - Serbiyaning DXSH to'g'risidagi qonunining 60-moddasida ta'kidlanishicha, tomonlar o'rtasida jamoat shartnomasi bo'yicha kelib chiqadigan nizolar yuzaga kelganda, tomonlar sudgacha ichki va xorijiy hakamlik sudlari oldida nizolarni hal qilish mexanizmlaridan foydalanishlari mumkin. Shu bilan birga, agar xususiy sherik yoki uning to'g'ridan-to'g'ri yoki bilvosita egalaridan bo'lgan shaxs (yoki - konsortsium bo'lsa - kamida bitta konsortsium a'zosi) chet el yuridik yoki jismoniy shaxs bo'lsa, chet elda bo'lish bilan arbitrajga yo'l qo'yiladi.

Ko'rinib turibdiki, ushbu munosabatlarni tartibga solishning eng ilg'or modeli Belorusiyaning DXSH to'g'risidagi qonunchiligida mustahkamlangan bo'lib, agar davlat sherigi va xorijiy xususiy sherik o'rtasida kelib chiqqan milliy sudlarning mutlaq vakolatlariga kirmaydigan nizolar sud tartibida hal etilmasa, demak ular chet ellik xususiy sherikni tanlash, shuningdek, har bir aniq nizoni UNCITRAL arbitraj qoidalariga muvofiq hal qilish uchun tashkil etilgan hakamlik sudida va ushbu xorijiy xususiy sherik davlatlar va boshqa davlatlarning jismoniy shaxslari va yuridik shaxslari o'rtasidagi investitsiya nizolarini hal qilish to'g'risidagi konvensiyaning ishtirokchisi bo'lgan davlatning fuqarosi yoki yuridik shaxsi bo'lgan taqdirda, investitsiya nizolarini hal qilish xalqaro markazida hal qilinishi mumkin.

DXSH shartnomalari bo'yicha nizolarni hal qilishni huquqiy tartibga solishning ushbu modeli YTTB tomonidan yuqori baholandi.

Yuqoridagi tahlillarimizdan quyidagicha xulosalar chiqarishimiz mumkin. Milliy DXSH qonunchiligining YTTB va Jahon banki tomonidan belgilangan xalqaro DXSH standartlariga muvofiqligi darajasidan kelib chiqib, Serbiya, Mo'g'uliston, Braziliya, Buyuk Britaniya, Litva, Meksika kabi davlatlarning DXSH qonunchiligi DXShlarni huquqiy tartibga solishning eng yaxshi namunalari qatoriga kirishi mumkin. Filippinlar, Janubiy Afrika, Janubiy Koreya, Chili, Kolumbiya, AQSh va boshqalar. DXSH sohasidagi tartibga solinadigan munosabatlarning ayrim turlari uchun ular Belorusiya, Gretsiya, Qozog'iston, Polsha va boshqalar to'g'risidagi qonunlarni ham o'z ichiga olishi mumkin. Biroq, ularning asosida DXSH to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi qonunchiligini takomillashtirish uchun ustunlik mezonlarni belgilashda, ular o'rtasida huquqiy tizim turi, xalqaro tashkilotlarga a'zolik va mintaqaviy integratsiya tuzilmalari, iqtisodiy rivojlanish darajasi va xususiy sektorning ushbu sohaga jalb etilishi jihatidan o'xshashlik va farqlarni hisobga olish kerak.

Yuqoridagi yondashuvlar asosida, "Davlat-xususiy sheriklik to'g'risida"gi va "Konsessiya shartnomalari to'g'risida"gi qonunlarga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish imkoniyatini ko'rib chiqish maqsadga muvofiqdir.

birinchi navbatda, DXSH shartnomalari va konsessiya shartnomalari ob'ektlarining ochiq ro'yxatini yaratish;

ikkinchidan, xususiy sherikning o'z mablag'lari, xususiy sherikga ajratilgan qarz mablag'lari, byudjet mablag'lari, DXSh ob'ekti faoliyatidan olinadigan mablag'lar va boshqa fondlar kabi DXSh loyihalarini moliyalashtirish manbalarini tartibga solish;

uchinchidan, sheriklar o'rtasida xavflarni taqsimlash va ularning resurslarini birlashtirishdan, shuningdek, xususiy sheriklik kompaniyalarining innovatsion, ijtimoiy va ekologik ta'siridan iborat bo'lgan xususiy sheriklik munosabatlarining o'ziga xos xususiyatlariga e'tibor qaratish maqsadida, xususiy sheriklik shartnomalari va konsessiya shartnomalari shartlarini optimallashtirish;

to'rtinchidan, xususiy sherikning xizmatlari uchun minimal daromad va (yoki) talab, soliq va boshqa imtiyozlar va preferensiyalar bilan bog'liq bo'lgan kafolatlarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash choralari ro'yxatini kengaytirish;

beshinchidan, xususiy sherik bilan nizolarni (u yoki uning egasi chet ellik shaxs bo'lgan taqdirda) xorijiy hakamlik sudlarida, UNCITRAL qoidalariga muvofiq tashkil etilgan hakamlik sudlarida

yoki Investitsiya bilan bog'liq nizolarni hal qilish bo'yicha xalqaro markazda hal qilish tartiblarini joriy etish.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. Osei-Kyei R., Chan A.P.C. Davlat-xususiy sheriklik (PPP) loyihalari uchun muhim muvaffaqiyat omillarini o'rganish bo'yicha tadqiqotlar. - Xalqaro loyihalarni boshqarish jurnali. 2015. 33-jild. 6-son. 1335-1346 betlar. (Osei-Kyei R., Chan A.P.C. Review of Studies on the Critical Success Factors for Public-Private Partnership (PPP) projects. – International Journal of Project Management. 2015. Vol. 33. Issue 6. P. 1335–1346.) <https://doi.org/10.1016/j.ijproman.2015.02.008>; Wibowo A., Alfen H.W. DXSH infratuzilmasini rivojlantirishda hukumat boshchiligidagi muhim muvaffaqiyat omillari. - Atrof-muhit loyihasi qurish va aktivlarni boshqarish. 2015. jild 5. 1-son. 121-134 betlar. (Wibowo A., Alfen H.W. Government-led Critical Success Factors in PPP Infrastructure Development. – Built Environment Project and Asset Management. 2015. Vol. 5 Issue 1. P. 121–134.) <https://doi.org/10.1108/BEPAM-03-2014-0016>
2. MDHning “Davlat-xususiy sheriklik to'g'risida” gi qonuni. Sankt-Peterburgda 2014 yil 28 noyabrda qabul qilingan. MDHga a'zo davlatlar parlamentlararo assambleyasining 41-yalpi majlisidagi 41-9-sonli qaror. -MDH yangiliklari. 2015. № 62 (CIS Law on Public-Private Partnership. Adopted November 28, 2014 in St. Petersburg. Resolution No. 41-9 of the 41st Plenary Session of the Interparliamentary Assembly of the CIS Member States. -CIS news. 2015. № 62)
3. UNCITRAL: xususiy moliyalashtirilgan infratuzilma loyihalarida qonunchilik qo'llanmasi. (UNCITRAL: Legislative Guide in Privately-Financed Infrastructure Projects. 2001. URL:<https://www.uncitral.org/pdf/english/texts/procurem/pfip/guide/pfip-e.pdf>) UNCITRAL: Xususiy moliyalashtirilgan infratuzilma loyihalari bo'yicha namunaviy qonunchilik qoidalari. 2004.URL: https://www.uncitral.org/pdf/english/texts/procurem/pfip/model/03-90621_Ebook.pdf(UNCITRAL: Model Legislative Provisions on Privately Financed Infrastructure Projects.2004.URL:https://www.uncitral.org/pdf/english/texts/procurem/pfip/model/03-90621_Ebook.pdf)
4. Davlat-xususiy sheriklik va jamoat qonunchiligi to'g'risida davlat shartnomalari va imtiyozlari to'g'risida yashil hujjat. 2004. (Green Paper on Public-Private Partnerships and Community Law on Public Contracts and Concessions. 2004.) URL:<http://eurlex.europa.eu/LexUriServ/LexUriServ.do?uri=COM:2004:0327:FIN:EN:PDF>
5. Evropa Parlamenti va Konsessiya shartnomalarini berish bo'yicha Kengashning 2014/23 / EU yo'riqnomasi. URL: <https://eur-lex.europa.eu/legalcontent/EN/TXT/PDF/?uri=CELEX:32014L0023&from=EN> (Directive 2014/23/EU of the European Parliament and of the Council on the Award of Concession Contracts. URL: <https://eur-lex.europa.eu/legalcontent/EN/TXT/PDF/?uri=CELEX:32014L0023&from=EN>)
6. ESCAP Mamlakat bo'yicha ko'rsatma: Osiyo va Tinch okeanida barqaror rivojlanish uchun davlat va xususiy sheriklik. URL: <https://www.unescap.org/resources/country-guidance-public-private-partners-barqaror-development-asia-and-pacific> (ESCAP Country Guidance: Public-Private Partnerships for Sustainable Development in Asia and the Pacific. URL:<https://www.unescap.org/resources/country-guidance-public-private-partnerships-sustainable-development-asia-and-pacific>)
7. 1) temir yo'llarda davlat-xususiy sheriklik bo'yicha UNECE standarti. 2018 yil. UNECE Standard on Public-Private Partnerships in Railways. 2018.URL:https://www.unece.org/fileadmin/DAM/ceci/documents/2018/PPP/WP/ECE_CECI_WP_PPP_2018_06-en.pdf); qayta tiklanadigan energetikada davlat-xususiy sheriklik bo'yicha UNECE standarti. 2018 yil.; UNECE Standard on Public-Private Partnerships in Renewable Energy. 2018. URL:https://www.unece.org/fileadmin/DAM/ceci/documents/2018/PPP/Forum/Documents/UNECE_PPP_Renewable_Energy_Draft_v2.1.pdf); Yo'llardagi davlat-xususiy sherikliklari bo'yicha UNECE standarti. 2018 yil.; UNECE Standard on Public-Private Partnerships in Roads. 2018.URL:https://www.unece.org/fileadmin/DAM/ceci/documents/2018/PPP/WP/ECE_CECI_WP_PPP_2018_08-en.pdf)
8. <https://databank.worldbank.org/databases/ppp>
9. “Xususiy sheriklik va konsessiyalar to'g'risida” gi Serbiya qonun. (Serbian Law on Private Partnerships and Concessions. Закон «О јавно-приватном партнерству и концесијама».) URL:https://www.paragraf.rs/propisi/zakon_o_javno_privatnom_partnerstvu_i_koncesijama.html
10. Mo'g'ulistonning 2010 yil 28 yanvardagi “Konsessiyalar to'g'risida” gi qonuni. (Law of Mongolia dated January 28, 2010 “On Concessions”. URL: <http://www.crc.gov.mn/en/k/2lu/1q>)
11. Belorussiya Respublikasining 2015 yil 30 dekabrda 345-3-sonli “Davlat-xususiy sheriklik to'g'risida” gi qonuni. - Belorussiya Respublikasining milliy huquqiy Internet-portali. (Law of

the Republic of Belarus dated December 30, 2015 No. 345-3 “On Public-Private Partnership”. - National Legal Internet Portal of the Republic of Belarus. http://www.pravo.by/upload/docs/op/H11500345_1451595600.pdf)

12. Qozog’iston Respublikasining 2015 yil 31 oktyabrdagi 379-V-sonli “Davlat-xususiy sheriklik to’g’risida” Qonuni. Казахстанская правда. 2015. № 217 (28093). (Law of the Republic of Kazakhstan dated October 31, 2015 No. 379-V “On Public-Private Partnership”. Kazaxstanskaya pravda. 2015. № 217 (28093).)

13. Yunoniston Respublikasining 3389/2005-sonli “Davlat va xususiy sektor o’rtasidagi sheriklik” qonuni. (Law No. 3389/2005 of the Hellenic Republic “Partnerships between the public and private sectors”. URL: http://www.sdit.mnec.gr/sites/default/files/legislation/Law_-_PPP_3389-_English_final.pdf)

14. ESCAP: Osiyo va Tinch okeanida DXSH siyosati, huquqiy va institutsional asoslari. 2017 yil. (ESCAP: PPP Policy, Legal and Institutional Frameworks in Asia and the Pacific. 2017. URL:<https://www.unescap.org/sites/default/files/PPP%20Policy%2C%20Legal%20and%20Institutional%20Frameworks%20in%20Asia%20and%20the%20Pacific.pdf>)

15. OECDning davlat-xususiy sherikliklarini davlat boshqaruvi tamoyillari bo’yicha tavsiyasi. (OECD Recommendation on Principles for Public Governance of Public-Private Partnerships. URL:<http://www.oecd.org/governance/budgeting/PPP-Recommendation.pdf>)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

Хатамов Азизжон Нурмахаматович,
Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини
химоя қилиш жамиятлари федерацияси мутахассиси
E-mail: azizxatamov89@gmail.com

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИ (МУАССИС)ЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

For citation: Khatamov Azizjon Nurmakhamatovich. CIVIL STATUS OF FOUNDERS (PARTICIPANTS) OF LIMITED LIABILITY COMPANIES. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 1, (36-43) pp.

 DOI 10.26739/2181-9130-2021-6-5

АННОТАЦИЯ:

Мақолада масъулияти чекланган жамият иштирокчи (муассис)ларнинг ҳуқуқий ҳолати таҳлил этилган. Мақолада таклиф этилган тадқиқот масъулияти чекланган жамият иштирокчи (муассис)ларнинг ҳуқуқий ҳолати маълумот олишга имкон беради. Шунингдек, унда олимларнинг илмий нуқтаи назарлари, мавжуд доктриналар, масъулияти чекланган жамиятини ташкил этувчи иштирокчи (муассис)ларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги доираси атрофлича ўрганилган. Хулосада муаллиф қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни илгари сурди.

Калит сўзлар: масъулияти чекланган жамият, жамият иштирокчиси, жамият муассиси, жамият иштирокчиси (муассиси)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жамият иштирокчиси (муассиси)нинг жавобгарлиги, қонунчиликни такомиллаштириш.

Хатамов Азизжон Нурмахаматович,
Специалист Федерации обществ защиты
прав потребителей Узбекистана
E-mail: azizxatamov89@gmail.com

Гражданско-правовой статус участников (учредителей) обществ с ограниченной ответственностью

Аннотация:

В данной статье анализируется гражданско-правовой статус участников (учредителей) обществ с ограниченной ответственностью. Предложенное в статье исследование направлено на изучение правового статуса участников (учредителей) обществ с ограниченной ответственностью. Также, рассмотрены научные взгляды ученых, существующие доктрина, права и обязанности, ответственность участников (учредителей) обществ с ограниченной ответственностью. В заключении автор дает предложения по совершенствованию законодательства.

Ключевые слова: общество с ограниченной ответственностью, участник общества, учредитель общества, права и обязанности участников (учредителей), ответственность участников (учредителей), совершенствование законодательства.

Khatamov Azizjon Nurmakhamatovich,
Specialist of the Federation of Consumer Rights
Protection Societies of Uzbekistan
E-mail: azizxatamov89@gmail.com

CIVIL STATUS OF FOUNDERS (PARTICIPANTS) OF LIMITED LIABILITY COMPANIES

ANNOTATION:

This article analyzes the civil status of participants (founders) of limited liability companies. The research proposed in the article is aimed at studying the legal status of participants (founders) of limited liability companies. Also, the scientific views of scientists, the existing doctrine, rights and obligations, the responsibility of participants (founders) of limited liability companies are considered. In conclusion, the author gives suggestions for improving the legislation.

Keywords: limited liability company, company participant, company founder, rights and obligations of participants (founders), responsibility of participants (founders), improvement of legislation.

Мамлакатимиз ўз давлат мустақиллигини кўлга киритганидан сўнг бозор муносабатларига асосланувчи янги жамият барпо этишни бутун жаҳонга эълон қилди. Республикамизда иқтисодиётни, ижтимоий ҳаётни бозор тамойилларига томон ривожлантиришга асосланган ислохотлар стратегияси ишлаб чиқилди ва тараққиёт йўлининг бош мақсади – фуқаролар учун фаровон, муносиб турмуш шароитларидан иборат деб белгиланди. Шу билан бирга фуқаролик жамиятига асосланган демократик-ҳуқуқий давлат қуриш асосий мақсад сифатида танланди. Бу борадаги энг муҳим ва устивор йўналиш сифатида фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш эътироф этилди. Айнан шу мақсадларга эришиш йўлида мамлакатимизда бир қатор ислохотлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар натижасида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида янги муносабатлар вужудга келди. Шу жумладан ҳуқуқий соҳада олиб борилган ислохотлар натижасида янги миллий ҳуқуқий тизим таркиб топди ва шакллантирилди. Айниқса ҳуқуқ субъектларининг мақомини белгилаш, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчиликни ривожлантириш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим стратегик вазифалардан бир ҳисобланиши белгилаб олинди.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқий субъектлари тизимида юридик шахслар алоҳида ўрин тутди. Бинобарин, юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, улар иштирокидаги муносабатларни тартибга солишда юридик шахсларнинг вужудга келиш ва бекор бўлиш масалалари муҳимдир. Айтиш мумкинки, бозор муносабатлари шароитида юридик шахсларнинг вужудга келиш усуллари билан бирга, уларнинг бекор бўлиш усуллари ҳам тубдан ўзгарди. Бу ҳолат биринчи навбатда иқтисодиётда давлатга тегишли юридик шахслар билан бирга нодавлат юридик шахсларининг фаолият юрита бошлаганлари билан белгиласа, иккинчи навбатда талаб ва таклиф, рақобат, шартномалар эркинлиги ҳамда субъектларга эркинлик ва ташаббускорликнинг берилиши билан изоҳланади.

Фуқаролик ҳуқуқи субъектлари орасида ташкил этилиш ҳолати фақат юридик шахсларга тегишли масала ҳисобланади. Шу сабабли ҳам юридик адабиётларда юридик шахсларни “сунъий субъект” [1, Б. 59] сифатида эътироф этиш ҳақида фикрлар мавжуд. Шу боис ҳар қандай юридик шахс ўз-ўзидан вужудга келмасдан шахсларнинг хоҳиш иродаси натижасида ташкил этилади. Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) ҳам амалдаги қонунчиликка кўра бир ёки бир неча шахслар томонидан ташкил этиладиган ташкилот ҳисобланади. МЧЖни таъсис этган шахс ёки шахслар айни пайтда унинг иштирокчиларига айланадилар.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “иштирокчи”, “муассис” терминлари мавжуд.

Тадбиркорлик субъектлари тизимида МЧЖ иштирокчиларининг ўрнини аниқлаш мақсадида “иштирокчи” ва “муассис” тушунчаларига таъриф бериб, уларнинг мезонларини аниқлаш

лозим бўлади.

Табиий равишда савол туғилади, “иштирокчи”, “муассис” сўзларини бир маъноли синоним сўзлар сифатида тушуниш мумкинми?

Қонун ҳужжатларида “таъсисчи”, “муассис” атамаларининг изоҳи ҳамда улар ўртасидаги фаркли жиҳатлар берилмайди. Кўп ҳолларда “таъсисчи” атамаси ҳуқуқ нормаларида қўлланилмаяпти. Юридик шахсни ташкил этаётган шахс ҳуқуқ нормаларида “муассис” атамаси билан қўлланилмоқда. Бу ҳолат эса ўз-ўзидан кундалик ҳаётда ишлатилаётган “таъсисчи” ва “муассис” атамаларининг бир хил маънога эгаллигини англатади [2, Б. 106].

Жамият иштирокчиларини унинг таъсисчиларидан фарқлаш керак. Иштирокчилар деганда, жамият устав фондини ташкил этишда ўзининг воситалари (кўп ҳолларда маблағлари) билан иштирок этадиган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Бунда улар юридик шахс сифатида жамиятнинг келгусида мавжуд бўлишининг моддий асоси бўладиган алоҳида мулкни шакллантирадilar. Бундан келиб чиқадики, таъсисчилар бу жамиятни таъсис этиш ташаббуси билан чиқадиган шахслар бўлса, иштирокчилар унинг моддий базасини шакллантириш учун ўз мулкларини киритган шахслар ҳисобланади. Шундай қилиб, бир шахс бир вақтнинг ўзида жамиятнинг таъсисчиси ва иштирокчиси бўлиши мумкин [3, Б. 121].

“Муассис” ва “иштирокчи” тушунчалари МЧЖни таъсис этишда ва фаолиятида, жамиятнинг вужудга келиши ва ривожланишининг турли босқичларида иштирок этган шахснинг ҳуқуқий мақомини ифодалайди. Иштирокчи бўлиб, жамиятни давлат рўйхатидан ўтганидан кейин унда қатнашаётган шахс эътироф этилади. “Муассис” тушунчаси ҳали жамият мавжуд бўлмаган даврларучун қўлланилганда ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Муассис таъсис этилаётган жамият устав капиталига киритилаётган мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларга эга бўлади ёки жамият устав фондига киритилаётган талаб қилиш ҳуқуқларининг эгаси ҳисобланади, шунингдек жамиятни таъсис этиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар юзасидан бошқа таъсисчилар ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади. Жамият давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб, устав капиталига ҳисса қўшган муассислар иштирокчи мақомига эга бўладилар.

М.М.Серебренниковнинг қайд этишича, ўз навбатида “иштирокчи” атамаси жамият рўйхатдан ўтганидан кейин устав капиталида улушга эга бўлган барча шахсларни тавсифлайди. Жамият давлат рўйхатидан ўтгунига қадар унда иштирокчилар мавжуд бўлмайди, чунки бу пайтда ҳали жамиятнинг ўзи ҳам мавжуд бўлмайди. Жамият рўйхатдан ўтганидан кейин муассиснинг ҳуқуқий ҳолати ўзгаради ва у иштирокчига айланади. Агар муассис у ёки бу сабабга кўра иштирокчига айланмаса, унинг жамиятдаги муайян фуқаролик-ҳуқуқий ҳолати хусусида сўз бўлиши мумкин эмас [4, Б. 12].

О.С.Рыбинанинг фикрича, қитъа ҳуқуқида масъулияти чекланган жамият иштирокчиси ва унинг муассисининг мақомини фарқлаш лозим. Муассиснинг ҳуқуқий мақоми таъсис шартномасига асосланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг бошқа иштирокчиларидан фаркли равишда муассис кўшимча ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, шунингдек жамиятни давлат рўйхатидан ўтгунига қадар юзага келган ва уни таъсис этиш иблан боғлиқ мажбуриятлар бўйича жавобгарликни зиммасига олади [5, Б. 9].

Фикримизча, МЧЖнинг муассиси ва иштирокчиси ўртасидаги чегара жамият ташкил этилиб рўйхатдан ўтказилган пайт ҳисобланади. Айнан мазкур пайтгача жамият учун манфаатдорлик, ҳуқуқ ва мажбуриятга эгаллик муассисларда бўлади. Жамият давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг эса “муассислар” субъект сифатида барҳам топади ва иштирокчига айланади. Зеро, жамият рўйхатдан ўтиши билан янги ҳуқуқ субъекти – МЧЖ шаклидаги юридик шахс вужудга келади ва муассислар томонидан шакллантирилган устав фондининг ва унга киритилган мол-мулкларнинг мулкдори ва амалга ошириладиган фаолиятдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг эгасига айланади. Шу сабабли МЧЖнинг давлат рўйхатидан ўтгандан кейинги фаолиятида муассислар иштирокчи сифатида қатнашади ва унинг фаолиятини олиб боради. Бинобарин, юридик шахснинг МЧЖ шаклини тузишдан асосий мақсад ҳам муайян улуш қўшиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиш ва фойда олишдир.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва 2001 йил 6 декабрдаги “Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги [6] 310-II-сон қонунида “муассис” ёки “иштирокчи” тушунчасининг алоҳида таърифи назарда тутилмаган. Бироқ қонунда “жамият иштирокчилари” ҳамда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган махсус моддалар (қонунинг 7-9 моддалари) назарда тутилган. Шунингдек,

муассисларнинг фаолиятига ҳамда уларнинг жамиятни тузишдаги иштирокига бағишланган “жамиятни таъсис этиш тартиби” (қонуннинг 10 моддаси) алоҳида норма ҳам мавжуд. Мазкур нормаларда иштирокчилар ва муассисларнинг МЧЖни ташкил этиш ва фаолият олиб бориши билан боғлиқ муносабатлардаги иштироки муайян даражада белгиланган.

Қонуннинг 10, 12 моддалари қоидаларидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, муассис жамиятни таъсис этиш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

- таъсис шартномасини тузадилар;
- жамият уставини тасдиқлайдилар;
- жамиятнинг ижро этувчи органларини сайлайдилар (тайинлайдилар);
- жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) пулсиз ҳиссалар кўшилган тақдирда, уларнинг пул баҳосини тасдиқлайдилар.

Мазкур ҳаракатлар тегишли тартибда тасдиқланиши лозим. Хусусан, жамият уставини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, шунингдек жамият муассислари киритадиган ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор муассислар томонидан бир овоздан қабул қилинади. Бошқа қарорлар жамиятнинг муассислари томонидан ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

Жамиятнинг муассислари жамиятни таъсис этиш билан боғлиқ ва уни давлат рўйхатидан ўтказишга қадар юзага келган мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар бўладилар. Жамият муассисларнинг уни таъсис этиш билан боғлиқ мажбуриятлари юзасидан, уларнинг ҳаракатлари кейинчалик жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан маъқулланган тақдирдагина жавобгар бўлади.

Қайд этиш лозимки, “Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунда “муассис” атамасининг тушунчаси назарда тутилмаганлиги ҳамда ушбу қонундаги тушунчаларни янада аниқлаштириш мақсадида унинг 10 моддаси 1 қисми сифатида қуйидаги нормани назарда тутиш мақсадга мувофиқдир: муассис деганда жамиятни ташкил этишга қаратилган битимлар ва бошқа юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамда амалий тусдаги ҳаракатларни амалга оширадиган ва шу сабабли унга нисбатан кўшимча ҳуқуқ ва мажбуриятлар сифатида ифодаланадиган алоҳида ҳуқуқий оқибатларни келиб чиқадиган ҳуқуқ субъекти тушунилади.

МЧЖда уч поғонали ёки тўрт поғонали бошқарув тузилиши қўлланади. Жамиятнинг бошқарув тузилиши уларнинг иштирокчилари томонидан амалга оширилади, бунда қонунчилик талаблари ҳисобга олинishi керак [7, Б. 24].

Жамият иштирокчиларининг жамиятни бошқариш ишларидаги иштироки бўйича ҳуқуқлари қуйидаги ваколатларни ўз ичига олади:

- жамият умумий йиғилишининг навбатдаги ва навбатдан ташқари йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқи;
- жамият бошқаруви органларида, тафтиш комиссияси ва ижро органларида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи;
- жамият иштирокчилари умумий йиғилиши кун тартибига ўзининг таклифларини киритиш ҳуқуқи.

Бунда шунини назарда тутиш керакки, жамият иштирокчиларининг юқорида кўрсатилган ҳуқуқларини чегараловчи жамиятнинг таъсис ҳужжатлари ёки жамият органларининг қарори ҳақиқий эмас.

П.А.Писемсий фикрича, жамият бошқарувида қатнашиш ҳуқуқи умумий йиғилиш чақиришни талаб қилиш, “умумий йиғилишга саволлар киритиш” ва унда овоз бериш ҳуқуқидан ташкил топади [8, Б. 162-173].

И.Т.Тарасов бу учала ваколатларга яна “бошқарув таркибида сайланиш ҳуқуқи”ни киритди [9, Б. 483] Ушбу нуқтаи назарлар замонавий муаллифлар томонидан кенгайтирилди. Масалан, Д.В.Ломакин иштирокчилар умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқидан ташқари умумий йиғилишда қатнашиш ва умумий йиғилишда қатнашишга тайёрланиш ҳуқуқларини киритди [10, Б. 121 – 126].

Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш, бошқарувни ташкил этиш ҳамда уни назорат қилиши учун ўзининг ички органларига эга бўлиши керак. Жамият иштирокчилари жамиятни бошқариш ишларида шахсан ёки вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин.

Умумий йиғилишда овоз беришда иштирокчилар овозлари сони, қоида бўйича, уларнинг устав капиталидаги улуши миқдорига боғлиқ; баъзи қарорларни қабул қилишда бир овоздан

ёки малакали кўпчилик овози талаб қилинади. Масалан, герман қонунчилиги бўйича устав капиталини ўзгартириш учун – иштирокчиларнинг 75% овози талаб қилинади [11, Б. 114; 12, Б.251].

Корпоратив ҳуқуқ нормаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, иштирокчиларнинг бошқарувда қатнашиш билан боғлиқ ҳуқуқларнинг турлари қуйидагича:

- иштирокчилар умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;
- йиғилиш кун тартибига ўз таклифларини киритиш;
- умумий йиғилишда иштирок этиш, умумий йиғилишга тайёрланиш ва кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасида қатнашиш;
- умумий йиғилиш санаси, ўтказилиш манзили ва кун тартибидаги масалалар юзасидан ахборот олиш, шунингдек умумий йиғилиш муҳокамасига киритилган материаллар билан танишиш;
- умумий йиғилишда қатнашиш учун ўз вакилини юбориш;
- умумий йиғилишда овоз бериш;
- овоз бериш натижалари билан, овоз бериш натижалари акс этган мажлис баённомаси ва (ёки) умумий йиғилиш мажлис баённомаси билан танишиш;
- жамият кузатув кенгаши аъзолигига, тафтиш комиссияси аъзолигига сайланиш.

Ҳар бир иштирокчи умумий йиғилишда устав капиталига киритган улушига мувофиқ равишда овоз бериш ҳуқуқига эга. Жамият устави уни тузиш ва уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш иштирокчиларининг умумий йиғилишининг бир овоздан қабул қилинган қарорига асосан амалга оширилади.

Қонун чақириладиган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қайси ҳолларда навбатдаги ёки навбатдан ташқари деб ҳисобланишини аниқ чегараламаган.

Қонун иштирокчиларнинг навбатдаги умумий йиғилишини чақириш ваколатини бевосита ижро органига берганлиги сабабли бундай йиғилишни навбатдан ташқари умумий йиғилиши каби бошқа органларнинг ёки иштирокчиларнинг ташаббуси билан чақиришга йўл қўйилмайди ва бу ҳолда ижро органи фақат жамият уставида белгиланган тартибда ва муддатда навбатдаги умумий йиғилишни ўз ташаббуси билан чақиради.

Амалиётда иштирокчиларнинг навбатдаги умумий йиғилишини кузатув кенгаши томонидан чақирилиш ҳоллари учраб туради, бу қонун талабларини қўпол равишда бузиш ҳисобланиб, йиғилиш бунга ваколати бўлмаган орган томонидан чақирилганлиги учун йиғилиш баённомаси ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Жамият уставида қайси ҳолларда иштирокчиларнинг навбатдаги ва навбатдан ташқари умумий йиғилишлари ўтказилиши белгиланиши лозим. Иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият уставида белгиланган ҳолларда ҳамда агар бундай умумий йиғилишни ўтказишни жамиятнинг ва унинг иштирокчиларининг манфаатлари тақозо этса, бошқа ҳолларда ҳам ўтказилади.

Қонуннинг 32 моддасига асосан, жамиятнинг ижро этувчи органи иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ҳам зарур ҳолларда ўз ташаббуси билан, қуйидаги шахслар ва органлар томонидан чақирилиши мумкин:

- жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг жами камида ўндан бирига эга бўлган жамият иштирокчиларининг;
- жамият кузатув кенгашининг (агар жамиятда кузатув кенгаши тузилган бўлса);
- жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) талабига биноан.

Қонун зарур ҳолларда деганда қандай ҳоллар тушунилишини аниқлаштирмаганлиги сабабли, жамият уставида жамиятнинг ижро этувчи органи қандай ҳолларда жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўз ташаббуси билан чақиришга ҳақли эканлиги белгиланиши лозим.

Қонуннинг 33 моддасига мувофиқ, жамиятнинг барча иштирокчилари ҳуқуқ ва мажбуриятларда тенгдирлар, шу сабабли жамиятнинг исталган иштирокчиси умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хабарномани олгандан сўнг шу йиғилиш ўтказилишидан камида 15 кун олдин жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига қўшимча масалаларни киритиш тўғрисида таклифлар киритишга ҳақлидир. Қўшимча масалалар жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига киритилади. Мазкур норма императив шаклда баён этилган бўлиб, унинг талабларини бажариш мажбурийдир ва агарда умумий йиғилиш кун тартибига таклиф этилаётган масала қонуний ва асосли бўлгани ҳолда йиғилиш

кун тартибига киритилмаса, манфаатдор шахснинг даъвоси бўйича мазкур умумий йиғилиш ва унда қабул қилинган қарорлар суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

С.Д.Могилевский ёзишича, “...жамиятдан чиқаётган иштирокчининг жамиятдан эркин чиқиш ҳуқуқини амалга ошириш унга улушнинг ҳақиқий қийматини олиш масъулияти чекланган жамиятнинг юридик шахсларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари ичида энг таваккалчилик жиҳати ҳисобланади. Асосий таваккалчилик, ҳақиқатда, жамият молиявий маблағларини ўрнини тўлдириб бўлмайдиган даражада ёки мол-мулкни аҳамиятга эга бўлган қисмига талафот олиб келиши мумкин. Бунда нафақат жамият ва унинг иштирокчилари, балки унинг кредиторлари ҳам жабрланишлари мумкин” [13, Б. 31].

Қонуннинг 22 моддасига кўра, жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган жамият иштирокчисининг улуши жамиятга ўтади. Аммо ҳар доим ҳам жамиятдан чиқиб кетаётган иштирокчига тўланадиган сумма иштирокчи томонидан жамият таъсис этилаётганда тўлаган суммага мувофиқ келмайди. Сабаби, қонун бўйича жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улуш чиқарилиши ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қиймати тўланиши ёки жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулк асли ҳолида (натура шаклида) берилиши шарт.

Жамиятдан чиқиб кетган иштирокчи у жамиятдан чиқиб кетган пайдан эътиборан бир йил ўтмасдан (агар жамиятнинг уставига камроқ муддат кўрсатилган бўлмаса) устав фондига киритилган улушнинг қийматини ундириш тўғрисида талаб билан мурожаат қилганда, бундай талабни иштирокчининг бундай ҳуқуқи вужудга келмаганлиги сабабли қаноатлантириш рад этилади [14, Б. 110 - 111].

Жамиятдан чиқиб кетаётган иштирокчининг улуши учун тўланадиган сумма жамият соф активларининг тегишли қисмининг иштирокчи улуши миқдорига мутаносиб бўлади. Иштирокчи улушининг ҳақиқий қиймати жамиятнинг устав капитали миқдори ва соф активлар қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобидан тўланади. Қоида бўйича, тўлов манбаи бўлиб тақсимланмаган фойда, захира ва қўшилган капитал ҳисобланади ва улар етарли бўлмаган тақдирда жамият ўзининг устав капиталини етишмаётган суммага камайтириши шарт.

Улуш ёки улушнинг бир қисми жамиятга ўтган пайдан эътиборан бир йил ичида жамият иштирокчига улушнинг (улуш бир қисмининг) ҳақиқий қийматини тўлаши ёки худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт. Жамиятнинг уставига иштирокчи улушининг ҳақиқий қийматини тўлаш ёки шундай қийматдаги мол-мулкни беришнинг Қонунда белгилангандан камроқ муддати ҳам белгиланиши мумкин ва бунда жамият уставига белгиланган муддат амал қилади.

Қонуннинг 7 моддаси биринчи қисмига кўра, юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг иштирокчилари бўладилар.

Албатта, мазкур норма мутлақ тус касб этмайди ва унга нисбатан истиснолар мазкур модданнинг иккинчи қисмида келтирилган бўлиб, унга мувофиқ, қонунда айрим тоифадаги жисмоний шахсларнинг жамиятда иштирок этиши тақиқланиши ёки чекланиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунини 66 моддаси бешинчи қисмига биноан, судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Қонуннинг 7 моддаси иккинчи қисмидаги нормада фақат “айрим тоифадаги жисмоний шахслар”га нисбатан жамиятда иштирок этиш тақиқланиши мумкинлиги назарда тутилган. Бироқ юридик шахсларнинг жамиятда иштирок этишларини чеклаш ёки тақиқлаш масаласи очик қолдирилган. Бундан эса ҳар қандай юридик шахслар МЧЖни иштирокчиси бўлиши мумкинлиги англашилади.

Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, жамиятнинг иштирокчилари бўлишга ҳақли эмаслар (қонуннинг 7 моддаси учинчи қисми).

МЧЖ нафақат кўпчилик шахслар томонидан балки ягона шахс томонидан ҳам ташкил этилиши мумкин ва бунда ана шу шахс жамиятнинг иштирокчисига айланади ҳамда жамият бир иштирокчиси бўлган жамият ҳисобланади. Бунда МЧЖ ягона иштирокчиси бўлган бошқа, яна битта жамиятга эга бўлиши йўл қўйилмайди. Содда тарзда тушунтирганда ягона

иштирокчидан иборат бўлган “Қуёш” МЧЖ томонидан “Юлдуз” номли ягона иштирокчидан иборат яна бир МЧЖ тузишга йўл қўйилмайди. Бу ҳолатдан истисно сифатида МЧЖ бир акциядордан иборат АЖ тузишига йўл қўйилиши қонуннинг 7 моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган.

Қонунда жамият иштирокчиларининг сони эллик кишидан ошмаслиги назарда тутилган (7 модданинг олтинчи қисми). Бунда “эллик киши” ибораси анча ғализдир. Чунки, “киши” атамаси ўзбек тилида асосан жисмоний шахсга (вояга етган шахс, катта ёшли одам) га нисбатан қўлланилади. Қонунга биноан эса, МЧЖ иштирокчилари бўлиб юридик шахслар ҳам ҳисобланади. Шу сабабли мазкур нормани жамият иштирокчиларининг сони элликдан ошмаслиги лозим, тарзида ифодаланиши мақсадга мувофиқ.

Агар жамият иштирокчиларининг элликдан белгиланган меъёрдан ошиб кетса, жамият бир йил ичида акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативи этиб қайта тузилиши керак. Агар кўрсатилган муддат давомида жамият қайта тузилмаса ва жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрга қадар камаймаса, у юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг талабига биноан суд тартибда тугатилиши керак.

Қонуннинг 8-9 моддаларида жамият иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари назарда тутилган. Унга мувофиқ, жамият иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

қонун ҳужжатларида ва жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

фойдани тақсимлашда иштирок этиш;

жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини ушбу Қонунда ва жамиятнинг уставида назарда тутилган тартибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;

жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқиш;

жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.

Жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибда чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Жамият иштирокчилари қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Жамият иштирокчиларининг мажбуриятлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари;

жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Жамият иштирокчиларининг қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

4. Овчинников А. Цифровые права как объекты гражданских прав // Философия права, 2019. №3 (90). С.110. (Ovchinnikov A. Digital rights as objects of civil rights // Philosophy of law, 2019. No. 3 (90). P.110.)

5. Карцхия А.А. Цифровые права и правоприменение // Мониторинг правоприменения №2 (31) – 2019, DOI: 10.21681/2226-0692-2019-2. С.44. (Kartskhia A.A. Digital Rights and Law Enforcement // Monitoring of Law Enforcement No. 2 (31) - 2019, DOI: 10.21681 / 2226-0692-2019-2. P.44.)

6. Ситдикова Р.И., Ситдилов Р.Б. Цифровые права как новый вид имущественных прав // Имущественные отношения в Российской Федерации. 2018. №9 (204). С.79. (Sitdikova R.I., Sitdikov R. B. Digital rights as a new type of property rights // Property relations in the Russian Federation. 2018. No. 9 (204). P.79.)

7. Агибалова Е.Н. Цифровые права в системе объектов гражданских прав // Юридический вестник Дагестанского государственного университета. 2020. Т. 33. № 1. 93-с. (Agibalova E.N. Digital rights in the system of objects of civil rights // Legal Bulletin of the Dagestan State University. 2020. Vol. 33. No. 1. 93-p.)

8. Зорькин В. Д. Право в цифровом мире. Размышление на полях Петербургского международного юридического форума // Российская газета. 2018. 29 мая. (Zorkin V.D. Law in the digital world. Reflection on the sidelines of the St. Petersburg International Legal Forum // Rossiyskaya Gazeta. 2018.29 May.)

9. Ситдилов А. Цифровое право – правовая основа цифровой экономики. // Odillik mezoni. 2020. №11, С.50. (Sitdikov A. Digital law - the legal basis of the digital economy. // Odillik mezoni. 2020. No. 11, p. 50.)

10. Родионов Л.А. К вопросу о правовой характеристике цифровых технологий в гражданском праве // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. 2019. № 4–3. С. 188–190. DOI: 10.24411/2500-1000-2019-10835. (Rodionov L.A. On the question of the legal characteristics of digital technologies in civil law // International Journal of Humanities and Natural Sciences. 2019. No. 4–3. S. 188-190. DOI: 10.24411 / 2500-1000-2019-10835.)

11. Рожкова М.А. Цифровые деньги: мобильная фиатная валюта, валюта виртуальных миров, валюта корпоративного значения, криптовалюта и национальная криптовалюта [Электронный ресурс]. Закон.ру. 2019. 7 октября. URL: https://zakon.ru/blog/2019/10/7/cifrovye_dengi_mobilnaya_fiatnaya_valyuta_valyuta_virtualnyh_mirov_valyuta_korporativnogo_znacheniya?fbclid=IwAR1nk3VGnS6lUN4alvkvQk9-xH0thJ06GruFRCcGk45ML0fGJcqj8Bqlko (дата обращения: 07.10.2019). (Rozhkova M.A. Digital money: mobile fiat currency, currency of

virtual worlds, currency of corporate value, cryptocurrency and national cryptocurrency [Electronic resource]. Zakon.ru. 2019.7 October.

12. О привлечении инвестиций с использованием инвестиционных платформ и о внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации: федер. закон Рос. Федерации от 2 авг. 2019 г. № 259-ФЗ // Собр. законодательства Рос. Федерации. 2019. № 31, ст. 4418. (On attracting investments using investment platforms and on amendments to certain legislative acts of the Russian Federation: Feder. the law Ros. Federation from 2 aug. 2019 No. 259-FZ // Collected. legislation Ros. Federation. 2019. No. 31, Art. 4418.)

13. Санникова Л.В., Харитонов Ю.С. Правовая сущность новых цифровых активов // Закон. 2018. № 9. С. 86–95. (Sannikova L.V., Kharitonova Yu.S. Legal essence of new digital assets // Law. 2018. No. 9. P. 86–95.)

14. Цифровые права как новый объект гражданского права / Л. Новоселова, А. Габов, А. Савельев, А. Генкин, С. Сарбаш, А. Асосков, А. Семенов, Р. Янковский, А. Журавлев, А. Толкачев, А. Камелькова, М. Успенский, Р. Крупенин, В. Кислый, М. Жужжалов, В. Попов, М. Аграновская // Закон. 2019. № 5. С. 31–54. (Digital rights as a new object of civil law / L. Novoselova, A. Gabov, A. Saveliev, A. Genkin, S. Sarbash, A. Asoskov, A. Semenov, R. Yankovsky, A. Zhuravlev, A. Tolkachev, A. Kamelkova, M. Uspensky, R. Krupenin, V. Kisly, M. Zhuzhzhhalov, V. Popov, M. Agranovskaya // Zakon. 2019. No. 5. P. 31–54.)

15. Истомин М.А. К вопросу о сущности цифровых прав. // Ural journal of legal research, 2019. №5. 626-с. (Istomin M.A. On the question of the essence of digital rights. // Ural journal of legal research, 2019. №5. 626-p.)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.06-ПРИРОДОРЕСУРСНОЕ ПРАВО. АГРАРНОЕ ПРАВО.
ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПРАВО

Узакова Гўзал Шариповна,
Тошкент давлат юридик университети
Экология ҳуқуқи кафедраси мудири,
юридик фанлари номзоди, доцент
E-mail: g.uzakova@tsul.uz

**АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА АТРОФ МУҲИТНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ
МАСАЛАЛАРИ**

For citation: Uzakova Guzal Sharipovna. LEGAL ISSUES OF ENVIRONMENTAL PROTECTION OF LOCALITIES. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 1, (58-66) pp.

 DOI 10.26739/2181-9130-2021-6-8

АННОТАЦИЯ:

Мақолада аҳоли пунктларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари, шаҳарлар мисолида антропоген ўзгарган ҳудудларда экологик меъёрларга риоя қилиш масалалари, аҳоли пунктларида фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш вазифалари, шаҳарсозлик меъёрларининг ҳуқуқ нормалари ёрдамида бажарилиши каби ҳолатлар тадқиқ этилган. Шунингдек, шаҳарлар ва шаҳар агломерациялари атроф муҳитини муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусиятлари амалдаги қонун ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган бўлиб, бунда яшил зоналарнинг барпо этилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: аҳоли пункти, атроф муҳит, шаҳар агломерациялари, яшил ҳудудлар, антропоген ўзгарган ҳудудлар.

Узакова Гузал Шариповна,
Заведующая кафедры Экологическое право
Ташкентского государственного
юридического университета,
кандидат юридических наук, доцент
E-mail: g.uzakova@tsul.uz

**ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ НАСЕЛЕННЫХ
ПУНКТОВ**

АННОТАЦИЯ:

В статье исследуются правовые основы защиты населенных пунктов, вопросы соблюдения экологических норм на антропогенно измененных территориях, задачи обеспечения прав граждан на благоприятную окружающую среду, а также положения по выполнению градостроительных нормативов посредством норм права. В том числе на основе действующего законодательства анализируются особенности охраны окружающей среды городов и городских

агломераций, и здесь уделяется особое внимание на отдельные вопросы создания зеленых зон.

Ключевые слова: населенные пункты, окружающая среда, городские агломерации, зеленые зоны, антропогенно измененные территории.

Uzakova Guzal Sharipovna,

Head of the Environmental Law Department
of Tashkent State University of Law,
PhD, Associate Professor
E-mail: g.uzakova@tsul.uz

LEGAL ISSUES OF ENVIRONMENTAL PROTECTION OF LOCALITIES

ANNOTATION:

The article examines the legal framework for the protection of settlements, compliance with environmental standards in anthropogenically changed areas, the role of cities in ensuring the right of citizens to a favorable environment, the implementation of urban planning norms through the rule of law. Also, the specifics of environmental protection of cities and urban agglomerations were analyzed on the basis of current legislation, with special emphasis on the establishment of green zones.

Keywords: settlements, environment, urban agglomerations, green areas, anthropogenically modified territories.

Дунёда аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, урбанизация шароитида экологик инқирозларнинг олдини олиш ҳамда барқарор ривожланишга ўтишнинг аҳамияти изчил ошаётган ҳозирги шароитда аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масаласи муҳим роль ўйнайди. Ушбу соҳага етарлича эътибор қаратилмаслиги натижасида сўнгги йилларда урбанизация даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилиб, шаҳар аҳоли пунктлари сони атиги 1065 дан 1071 гача кўпайган.

Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти таҳлили аҳоли пунктларида қурилиш фаолиятини экологизациялаш, аҳоли пункти ҳудудларини зоналаштириш, аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилишини талаб этади.

Жаҳонда аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари иштирокини фаоллаштириш, саноатни “яшил иқтисодиёт” талаблари асосида ривожлантириш орқали шаҳар аҳоли пунктлари экологиясининг барқарорлигини таъминлаш зарурати бу борада чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо этмоқда. Аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ институтларни ҳуқуқий таъминлаш, йирик стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан бир каторда шаҳарлар аҳолиси фаровонлигининг ўсиши ва барқарор ривожланишига етакловчи омил сифатида урбанизация жараёнига алоҳида эътибор қаратиш каби масалаларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда одамларнинг экологик хавфсиз ва қулай муҳитда яшашини таъминлаш мақсадида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш; қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш[1]; муқобил энергия манбаларини жорий қилувчи, ишлаб чиқаришнинг экологик тоза услубларини йўлга қўядиган субъектларни рағбатлантириш; “яшил ҳудудлар”ни ташкил этиш; энергия тежовчи технологиялар ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш; ҳудудларни ободонлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, Шаҳарсозлик кодексини

тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳужжат сифатида янги таҳрирда ишлаб чиқиш, урбанизацияни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, қурилиш қоидалари ва меъёрларини халқаро стандартларга мослаштириш, шаҳар ва қишлоқларида аҳолининг ҳаёт шароитини яхшилаш[2]; табиий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга энг йирик шаҳарларни белгилаш, “йўлдош шаҳарлар” тизимини жорий этиш, аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш, қурилишда замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиш чораларини кўриш[3] бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса, аҳоли пунктларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан, шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасини экологизация қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

О.О.Макаров таъкидлаганидек, ҳозирги пайтда шаҳарларда экологияга босим тобора кучайиб бораётганлиги ҳамда урбанизациялашув шароитида аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш алоҳида муҳим роль ўйнайди.

Аҳоли пунктларининг атроф-муҳити – бу сифат жиҳатидан янги табиий-ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг барқарор ишлаши табиатнинг табиий қонунлари билан бир қаторда, аҳоли пунктларида экологик мувозанатни сақлаш учун инсоннинг мақсадли фаолияти билан ҳам таъминланади.

Ривожланишнинг ҳозирги шароитида шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларини аҳоли учун қулай яшаш муҳитини яратиш, атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсирларнинг олдини олиш учун ташкил этиш долзарб вазифадир. Халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган аҳоли пунктларининг барқарор ривожланиши концепцияси аҳоли пунктлари, шаҳар атрофи ҳудудлари ерларини экологик реконструкция қилиш, рекреация зоналаридан тартибга солинадиган фойдаланиш учун федерал, минтақавий ва муниципал тизимлар тармоғини кенгайтириш, ишлаб чиқариш махсус мақсадли зоналар ва бошқа ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали аҳоли учун қулай яшаш шароитларини таъминлашга қаратилган[4].

Аҳоли пунктларининг атроф-муҳитини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг чегаралари ва мазмуни уларнинг ҳуқуқий ҳолати ва функциялари билан белгиланади. Ушбу мақом асосан маъмурий хусусиятлар билан тавсифланади ва мамлакат маъмурий-худудий тузилиши тизимидаги аҳоли пунктларининг аҳволига боғлиқ[5].

Шу билан бирга, аҳоли пунктлари шаҳар аҳоли пунктлари ва қишлоқ аҳоли пунктларига бўлинадиган, турар-жойларни турли тоифаларга ажратишнинг ҳуқуқий мезонлари (аҳоли сони, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий инфратузилманинг ривожланиш даражаси ва ихтисослашуви ва бошқалар), уларнинг шаҳарсозлик аҳамияти ва экологик ҳолатини тўлиқ акс эттирмайди.

Аҳоли пунктларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш барқарор ривожланиш тамойилига асосланган бўлиб, у аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатдан мувозанатли ривожлантиришни ўз ичига олади. Экологик нуқтаи назардан бундай тузилмалар ҳуқуқий тартибга солишнинг ажралмас объекти сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Аҳоли пунктларини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ–5863-сон Фармони билан тасдиқланган 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида мустаҳкамланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар тасдиқланган[6].

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги 11-мақсад сифатида **“Шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг очиклиги, хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш”** назарда тутилган ҳамда уни амалга ошириш билан боғлиқ 7 та вазифа белгилаб берилган. Хусусан, бу борадаги вазифалар сифатида 2030 йилгача хавфсиз, арзон, қулай ва экологик барқарор транспорт воситаларидан фойдаланиш

имкониятини таъминлаш, барчага очиқ бўлган ва экологик барқарор урбанизация кўламини ҳамда аҳоли яшаш пунктларини комплекс ва барқарор режалаштириш ҳамда уларни бошқариш имкониятларини кенгайтириш, маданий ва табиий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда сақлаш бўйича хатти-ҳаракатларни жонлаштириш, шаҳарлар экологиясининг аҳолига салбий таъсирини камайтириш, бунда ҳавонинг сифатига ҳамда шаҳар чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларнинг чиқариб ташланишига алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларида яшил ҳудудлар, истироҳат боғлари майдонини кенгайтириш кабилар назарда тутилган.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларни бу борадаги энг умумий ва муҳим масалалар тартибга солинган, уларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари эса, назарда тутилмаган. Шуларни инобатга олиб, фикримизча, мазкур концепция ҳамда Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш мақсадида **ҳар бир ҳудуд учун алоҳида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича стратегия (“йўл харитаси”) ишлаб чиқилиши лозим.**

Бунда аҳоли пунктларини барқарор ривожлантиришда ҳудудий инфратузилмани локал экологик тизимни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш, маҳаллий шароитларга мослашган илғор, тежамкор ва экологик хавфсиз, атроф муҳит муҳофазасини таъминловчи технологияларни қўллаган ҳолда тармоқ ва фаолият турларини ривожлантириш, аҳоли ва кишлоқ пунктларид аҳоли яшаши учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Аҳоли пунктларида атроф-муҳитини муҳофаза қилишни аҳоли пунктлари атроф-муҳитининг қулай ҳолатини таъминлашга ва аҳоли пунктларининг жойлашиши ва ривожланиши жараёнида экологик барқарорлик ва мувозанатни сақлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Аҳоли пунктларини жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилишда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун қулай муҳитни таъминлайдиган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиниши керак.

Қонунчиликда аҳоли пунктларидаги яшил ҳудудларнинг миқдор мезонларини аниқ белгилаб бериш зарур. Зеро, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитни сақлаб қолиш учун аҳоли пунктларидаги яшил ҳудудлар сони ва майдонига, аҳоли пунктининг майдони, саноат ишлаб чиқаришининг миқдори ва турларини (ҳам аҳоли пунктининг ҳудудида, ҳам унинг ҳудудидан ташқарида, лекин унга яқин жойда) аэропортларнинг мавжудлиги ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда мазкур талабларни қонуний равишда ўрнатиш мақсадга мувофиқ [7].

Бу борада А.О.Воронин таъкидлаганидек, бинолар, қурилишлар, иншоотлар ва хўжалик ҳамда бошқа мақсадлардаги объектларни барпо этиш ва улардан фойдаланиш инсон ва жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, кўчмас мулк объектларини яратиш фаолияти атроф-муҳит ҳолатига зарарли таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас. Хўжалик ва бошқа объектларни барпо этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳамда улар учун экологик талабларни белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар, ягона ҳуқуқий институтни ташкил этади. Ушбу институт кенг камровли хусусиятга эга, чунки ушбу нормалар турли қонунчилик соҳаларида мавжуд: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳарсозлик, ер, сув, ўрмон хўжалиги, санитария-эпидемиология қонунчилиги ва унинг бошқа соҳаларида мавжуд. Кўриб чиқиладиган ҳуқуқий институтнинг моҳияти, тегишли ер майдонларида кўчмас мулк объектини ташкил этиш имкониятини, ушбу объектни қуриш шартлари ва унинг ишлашини белгиловчи талабларнинг ҳуқуқий меъёрларда мустаҳкамланишидадир, уларнинг бажарилиши табиат атроф-муҳитга салбий таъсирнинг олдини олади ёки уни минималлаштиради [8].

Ушбу муаммо инсон фаолиятининг ҳар хил турлари учун экологик талабларни ўрнатиш орқали ҳал қилинади, бунда аҳоли пунктларининг атроф-муҳитига таъсир кўрсатилади ва экологик хавфсизлик таъминланади.

Қишлоқ аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи авваламбор, ер участкаларини ифлосланишдан ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқлиги билан тавсифланади. Аҳоли пунктларида ерларни муҳофаза қилиш – бу атроф-муҳитнинг таркибий қисми сифатида аҳоли пунктларидаги ерлардан оқилона фойдаланиш ва тиклашга, аҳоли пунктларидаги ерларни мулк ҳуқуқи объекти сифатида муҳофаза қилишга, шунингдек, тегишли аҳоли пунктида ер тузишни ташкил этишга қаратилган ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг норма ижодкорлиги, назорат, руҳсат

бериш, юрисдикцион фаолиятидир[9].

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай табиий ресурсни, шу жумладан, ерларни ҳам муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг икки шаклини акс эттиради: табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Бунда аҳоли пунктнинг турига қараб қўйиладиган экологик талаблар ҳар хил бўлади. Масалан, шаҳар аҳоли пунктларида ерларни муҳофаза қилиш ер участкаларидан фойдаланиш жараёнида экологик, шаҳарсозлик ва бошқа талабларга мувофиқликни таъминлашни назарда тутлади. Бундай ҳолда, А.А.Пронин таъкидлаганидек, ерларни муҳофаза қилишнинг махсус чораларини қўллашнинг ҳожати йўқ, чунки ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш талаблари ўзаро мужассамлашади. Аммо, ердан фойдаланиш жараёнида қонунда кўзда тутилган талаблар бажарилмаса, ернинг сифати ва шунга мос равишда атроф-муҳит ҳолати ёмонлашади[10].

Умуман олганда, аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий талабларига қуйидагича таснифлашимиз мумкин:

а) аҳоли пунктларини жойлаштириши марказлари сифатида жойлаштириши ва ривожлантириши учун экологик талаблар. Ушбу йўналиш, аҳоли пунктлари аҳолининг ҳудудий жойлашиши марказлари эканлиги билан белгиланади ва мамлакатнинг ҳудудий ташкил этилиши жараёнида, архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган аҳоли пунктларини режалаштириш ва қурилиш қилиш жараёнида аҳоли пунктларининг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий чораларни таъминлайди;

б) ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириши марказлари сифатида аҳоли пунктларидаги хўжалик фаолиятига экологик талаблар. Аҳоли пунктларидаги хўжалик ва бошқа фаолият объектлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талаблари, шунингдек, санитария, ёнғинга қарши, қурилиш ва бошқа талабларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши керак. Саноат корхоналари ва бошқа иқтисодий объектларнинг жойлашиши ва фаолияти, ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, ҳам иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган экологик шароитларга мувофиқ бўлиши керак;

в) санитария қонунчилигида белгиланган санитария-эпидемиологик осойишталикка эришишига қаратилган экологик талаблар. Санитария-эпидемиологик осойишталикни ҳуқуқий тартибга солиш атроф-муҳитнинг қулай сифати аҳолининг ижтимоий ҳаёт шароитларининг ажралмас қисми эканлигидан келиб чиқади. Қонунчиликда атроф-муҳит омилларининг инсон организмга зарарли таъсирини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган, бу аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиклашга ёрдам берадиган экологик шароитларини яратишни таъминлайди;

г) аҳоли пунктларида табиий таркибий қисмлардан оқилона фойдаланиши ва уларни муҳофаза қилиши учун экологик талаблар. Ушбу талаблар атроф-муҳитнинг алоҳида таркибий қисмларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни тартибга солувчи табиий ресурслар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган ва аҳоли пунктларида, шу жумладан антропоген ўзгаришларга дучор бўлган жойларда табиий экотизимларнинг сақланиши ва ишлашини таъминлашга қаратилган.

Аҳолининг ҳудудий жойлашишини таъминлайдиган турар-жойларнинг жойлашиши ва ривожланиши шаҳарсозлик жараёнида амалга оширилади, бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексида бир қатор экологик талаблар белгилаб берилган. Ушбу экологик талабларни умумлаштирган ҳолда шаҳарсозлик фаолияти ҳудудларнинг тарихий, маданий, табиий, экологик ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак, деган хулосага келиш мумкин.

Қонунчиликда жисмоний шахсларнинг меъморий, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолиятини амалга оширишда қулай муҳитга эга бўлиш, атроф-муҳитнинг ҳолати ва унинг эҳтимолий ўзгаришлари тўғрисида ишончли, тўлиқ ва ўз вақтида маълумот олиш ҳуқуқи белгиланган, бу эса уларнинг аҳоли пунктларини ривожлантириш учун шаҳарсозлик режалаштирилишида, архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш ишларини амалга оширишда ҳамда архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолияти соҳаларида ва бошқа тадбирларда жамоат назоратини ўтказишда иштирок этишини кўзда тутлади.

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш талабларига риоя қилиш, ҳудудларнинг хавфсизлигини ва

аҳоли пунктларини қуриш ва ривожлантириш учун шаҳарсозлик ва лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқишда табиий ва техноген хусусиятдаги фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилишни таъминлаш меъёрларини ўз ичига олади. Шунингдек, архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолияти амалга оширишда моддий тарихий ва маданий қадриятларни сақлаш ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ҳимоя қилиш соҳасидаги талабларга риоя қилиниши таъминланиши керак.

Аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришда экологик талаблар тасдиқланган архитектура ва шаҳарсозлик лойиҳаларига мувофиқ аҳоли пунктлари ҳудудини оқилона ташкил қилишни кўзда тутлади. Ушбу ҳужжатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлигини текшириш давлат экологик экспертизасини ўтказишда амалга оширилади, бунда объектлар бўлиб шаҳарсозлик ҳужжатлари (аҳоли пунктларининг бош режалари, аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тарҳлари, батафсил режалаштириш лойиҳалари), шунингдек лойиҳалаш ҳужжатлари (архитектура, қурилиш лойиҳалари ва бошқалар) хизмат қилади.

Шаҳарсозлик соҳасидаги ер ҳуқуқ-тартиботига риоя этилишини таъминлашнинг муҳим воситаси бу ушбу соҳада давлат назоратини амалга ошириш ҳисобланади. Шаҳарсозлик соҳасидаги ҳуқуқ-тартибот асосларини бузганлик учун юридик жавобгарлик шаҳарсозлик талабларини бузганлик учун табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш шаклидаги экологик-ҳуқуқий жавобгарликни ҳам ўз ичига олиши керак.

Фуқароларнинг қулай яшаш муҳити ва табиий ресурслардан, шу жумладан аҳоли пунктларидаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг моҳиятига тўхталар эканмиз, шаҳарсозлик фаолиятининг мақсади – аҳоли пунктлари ҳудудларининг қулай ҳолатини таъминлаш (яшаш муҳитини) аҳоли пунктлари ва улар ичидаги табиий ресурсларнинг муҳофазаси ва улардан оқилона фойдаланиш таъминлангандагина эришилишини таъкидлаш лозим.

Аҳоли пунктларида табиий ресурсларни муҳофаза қилишда экология ва шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шаҳарсозлик соҳасидаги барқарор қонун-қонидани шакллантириш учун шаҳарсозлик ва экология қонунчилиги талабларига риоя этилишини назорат қилиш турларининг самарали ишлаши зарур. Бунга ушбу назорат субъектлари томонидан уни амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларни бажариш шарти билан эришиш мумкин [11].

Аҳоли пунктлари табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг мақсади – атроф-муҳитга ортиқча зарар меъёрини юкламайдиган ва шунинг учун атроф-муҳит ва одамлар саломатлигига таъсири атроф-муҳит тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган зарарли таъсирнинг меъёрларидан ошмайдиган, хўжалик, ижтимоий-ишбилармонлик ва бошқа объектларни экологик жиҳатдан мақбул қилиб жойлаштиришдир.

Умумий ва махсус экологик-ҳуқуқий режимнинг аҳоли пунктлари доирасида табиий ресурсларни муҳофаза қилишнинг шаҳарсозлик йўналишида тартибга солиш билан ўзаро алоқаси шаҳарсозлик назарияси ва амалиётига “қулай яшаш муҳити” категориясининг кириб келишига сабаб келди. Шу маънода фуқароларнинг қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқи инсоннинг қулай муҳитга бўлган ҳуқуқининг ажралмас қисми эканлигини таъкидлаш мумкин.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ҳар қандай босқичида аҳоли пунктларида ишлаб чиқаришда, шунингдек атроф-муҳитга зарарли бўлган бошқа фаолиятни амалга оширишда саноатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини уч гуруҳга – умумий, қўшимча ва махсусга бўлиш мумкин. Умумий талаблар умумий-мажбурий деб тушунилиши керак, бу шаҳар тадбиркорлик субъектларининг барча тоифаларига ва уларнинг амалга оширадиган фаолиятига тегишлидир. Улар орасида – атроф-муҳит сифати меъёрларини, санитария қоидаларини, техник регламентларга риоя қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳудудни ободонлаштириш, объектни фойдаланишдан чиқаришда табиий муҳитни тиклаш бўйича зарур чора-тадбирлар ва бошқаларга риоя қилиш.

Қўшимча талаблар табиий объектларнинг айрим турларини муҳофаза қилиш зарурати билан белгиланади. Масалан, сув тўғрисидаги қонунчиликда хўжалик ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга топшириш, шунингдек янги технологик жараёнларни жорий этишда уларнинг сув объектлари ва атроф-муҳит ҳолатига таъсирини ҳисобга олиш зарурлиги талаби белгиланган.

Махсус талаблар фақат саноат корхоналари ва бошқа хўжалик объектлари ёки фаолиятнинг

айрим тоифаларига нисбатан, улар учун экологик талабларни кучайтириш йўналишини аниқлаштирган ҳолда қўлланилади. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, ишга тушириш ва улардан фойдаланишда, бундай хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига қўшимча равишда бир қатор қоидалар, мажбуриятлар ва чекловлар қўлланилади. Улар орасида давлат рўйхатидан ўтиш; лицензиялаш; тегишли хавфларнинг мажбурий экологик суғуртаси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги юқоридаги талабларни бузиш (ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мажбурий чораларни бажармаганлик), атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи ижро этувчи ҳокимият органларининг кўрсатмаларига мувофиқ, бинолар, қурилишлар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга топшириш, фойдаланиш, консервация қилиш ва тугатишнинг тўхтатилишига олиб келади; экологик талабларга жавоб бермаган тақдирда ушбу турдаги фаолиятни тўлиқ тўхтатиш эса, иқтисодий судларнинг қарори билан амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда аҳоли пунктлари яшил фондининг таърифи фанда ҳам, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам мавжуд эмас. Фикримизча, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг яшил фонди деганда, антропоген фаолиятнинг аҳоли пункти атроф-муҳитига зарарли таъсирини қисқартириш ва экологик мувозанатни сақлаш учун экологик, соғломлаштириш, рекреация, эстетик ва бошқа функцияларни бажарадиган аҳоли пункти чегарасидаги яшил майдонларнинг мажмуаси тушунилиши керак.

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг яшил фондини муҳофаза қилиш экологик вазиятни барқарорлаштириш ва қулай муҳит яратиш учун зарур бўлган яшил фондни сақлаш ва ривожлантиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тизимини назарда тутати. Бундай тадбирлар фуқаролар ва юридик шахслар зиммасига юклатилган мажбуриятларни ўз ичига олиши, шунингдек, давлат органлари томонидан аҳоли пунктларининг яшил фондини муҳофаза қилиш чораларини амалга оширишдан иборат бўлиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, аҳоли пунктларида қулай яшаш муҳитини яратиш муаммоси ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг сабаби аҳоли пунктлари урбанизация жараёни салбий таъсирининг ажралмас қисми бўлиб, аҳолининг кўп қисми учун доимий яшайдиган асосий жойдир.

Экологик муаммолар йирик шаҳарларда, айниқса мегаполисларда яққол тарзда намоён бўлади. Шу билан бирга, кичик аҳоли пунктларидаги баъзи экологик муаммолар, масалан, тегишли ҳокимият органларининг маълум бир ҳудудда қулай яшаш муҳитини яратишга етарли даражада эътибор бермаслиги ёки бюджетда зарур маблағларнинг етишмаслиги туфайли табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини етарлича молиялаштирмаслик натижасида юзага келиши мумкин.

Аҳоли пунктларида аҳолининг қулай яшаш муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи сабаблар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

стационар ёки кўчма манбаларнинг салбий таъсири туфайли санитария-гигиена меъёрлари талабларига жавоб бермайдиган атмосфера ҳавоси ифлосланиши даражасининг кўпайиши; ичимлик ва хўжалик-маиший эҳтиёжлар учун ишлатиладиган сувнинг паст сифати; аҳоли пунктларини яшил майдонлар ва ўрмонзор боғлар зоналари билан етарли даражада таъминланмаганлиги;

ҳудудларда кўп миқдорда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларининг ҳосил бўлиши.

Ушбу салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳудудларни режалаштириш, зоналаштириш, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини қуриш ва реконструкция қилиш жараёнида экологик талабларни ҳисобга олиш талаб қилинади.

Шу маънода, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг экологик муаммолари билан боғлиқ ҳолда, шаҳарсозликни ривожлантиришнинг турли босқичларида масъул субъектлар томонидан қатъий бажарилиши салбий омилларнинг аҳолига кейинги салбий таъсирини камайтириши мумкин бўлган воситалар мавжуд. Кўплаб шаҳарларнинг замонавий экологик муаммолари, шаҳарни ташкил этувчи корхоналар ва аҳоли пунктларининг ушбу корхоналарда ишлайдиган одамларнинг яшаш жойи сифатида жойлашган жойини лойиҳалаштиришда етарли даражада пухта ўйланмаганлигидан келиб чиқади.

Бунинг натижасида шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида яшаш шароити сифатига таъсир этувчи энг муҳим табиий ресурс атмосфера ҳавоси бўлиб, у доимий равишда турғун

ва кўчма манбаларнинг салбий таъсирига учрайди. Шу билан бирга, йирик шаҳарларда, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, атмосфера ҳавосининг ифлосланишида транспорт воситаларининг улуши устун бўлиб, 70-80% га етади.

Шу билан бирга аҳоли пунктларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишда атроф-муҳитни санитария-эпидемиологик муҳофаза қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Атроф-муҳитни санитария-эпидемиологик муҳофаза қилиш – бу фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича санитария-эпидемиология назорати органларининг фаолиятидир. Санитария-эпидемиологик муҳофазанинг асосий мақсади – аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, яъни жамоат соғлиғи ва инсонлар ҳаёт муҳитининг унинг хавфли ва зарарли омилларининг инсон организмига таъсири мавжуд бўлмаган ва унинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар мавжуд бўлган ҳолати таъминланиши керак.

Атроф-муҳитни санитария жиҳатдан тартибга солиш ифлослантирувчи моддаларнинг, радиоактив нурланишнинг, шовқиннинг, тебранишнинг, магнит майдонлари зарарли таъсирининг ва бошқа физик, кимёвий, биологик таъсирларнинг максимал мумкин бўлган миқдорини белгилашдан иборат.

Урбанизация босимини бошдан кечираётган шаҳар ва қишлоқларда муҳим масалалардан бири – бу, бир томондан, карбонат ангидридни ютадиган, иккинчи томондан, аҳоли шаҳар муҳити таъсиридан дам олиши мумкин бўлган, яшил майдонлар эгаллаган майдонни сақлаб қолиш ва иложи борича кўпайтириш заруратидир. Шу муносабат билан шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида яшил фондни сақлашга ёрдам берадиган бир қатор қарорлар қабул қилинган.

Хусусан, Шаҳарсозлик кодексининг 52-моддасига мувофиқ, шаҳар атрофи зоналарида санитария ва рекреацион вазифаларни бажарадиган кўкаламзор зоналар ажратилади ҳамда кўкаламзор зоналарда атроф-муҳитга зарарли таъсир этадиган хўжалик ва бошқа хил фаолият олиб бориш тақиқланади. Шу билан бирга фикримизча, ҳозирги урбанизация шароитини инобатга олиб, Шаҳарсозлик кодексини кўкаламзор зоналарга оид алоҳида модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

“52¹-модда. Аҳоли пунктларининг кўкаламзор зоналари

Аҳоли пунктларининг кўкаламзор зоналари санитария-гигиена, рекреация-соғломлаштириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш функцияларини бажаради ҳамда шаҳар атрофи зоналарида ажратилади.

Аҳоли пунктларининг кўкаламзор зоналари ўлчами аҳоли пункти аҳолиси сони, аҳоли пунктида ўрмон ва ўсимлик дунёси объектлари эгаллаган ҳудудларнинг миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

Аҳоли пунктларининг кўкаламзор зоналари аҳоли дам олиши, туризм, сайл, ўсимлик дунёси объектларини териш мақсадлари учун мўлжалланган бўлади.

Аҳоли пунктларининг кўкаламзор зоналарида атроф-муҳитга зарарли таъсир этадиган хўжалик ва бошқа хил фаолият олиб бориш, шунингдек, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштириш тақиқланади.

Аҳоли пунктларининг кўкаламзор зоналари маҳаллий аҳамиятдаги объект ҳисобланади.

Аҳоли пунктларининг кўкаламзор зоналари экология соҳасидаги ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ташкил этилади”.

Таъкидлаш лозимки, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини ҳар томонлама ободонлаштириш ва атроф-муҳит омилларининг одамларга зарарли таъсири олдини олиш ва йўқ қилиш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш орқали аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун қулай шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилиши керак.

Антропоген таъсир юқорилигининг кўрсаткичларидан бири аҳоли жон бошига ифлослантирувчи чиқиндиларнинг зичлиги ва шаҳарнинг ҳар бир майдонига тўғри келадиган зичлик билан боғлиқдир.

Ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларининг атроф-муҳити – бу шаҳарларнинг маъмурий-ҳудудий чегараларида, шаҳар атрофи ва яшил зоналарида, шунингдек агломератив чегараларда жойлашган табиий муҳит, моддий бойликлар ва аҳолининг яшаш шароити элементларини ўз ичига оладиган мураккаб тизимни ташкил

этади.

Бунда шаҳарларнинг атроф-муҳити ҳуқуқий муҳофазаси функционал хусусиятларига кўра ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

биринчидан, одамларнинг жойлашув марказлари сифатида шаҳарларнинг жойлашиши ва ривожланиши учун экологик талаблар,

иккинчидан, ишлаб чиқариш кучларининг жойлашув маркази сифатида шаҳарлардаги хўжалик фаолияти учун экологик талаблар,

учинчидан, шаҳар аҳолисининг ижтимоий-экологик фаровонлигини таъминлайдиган экологик талаблар.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари атроф-муҳитини муҳофаза қилиш бир неча соҳаларда амалга оширилади, уларнинг устуворлиги ва мазмуни унинг ҳудудидаги атроф-муҳитнинг ҳолати, иқтисодий вазият, шунингдек, муайян аҳоли пунктидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-son “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni // www.lex.uz.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 22 yanvardagi PF-5308-son “2017–2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Faol tadbirkorlik, innovatsion g‘oyalar va texnologiyalarni qo‘llab-quvvatlash yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturi to‘g‘risida”gi Farmoni // www.lex.uz.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 17 yanvardagi PF-5635-son “2017–2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturi to‘g‘risida”gi Farmoni // www.lex.uz.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 2 martdagi PF-5953-son “2017–2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Ilm, ma‘rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturi to‘g‘risida”gi Farmoni // www.lex.uz.

5. Lisina N.L. Pravovoy rejim zemel poseleniy: Avtoref. diss. ... kand. jurid. nauk. – M., 2003. – S.6.

6. Ekologicheskoe pravo: ucheb. posobie / S.A. Balashenko [i dr.]; pod red. T.I. Makarovoy, V.Ye. Lizgaro. – Minsk: BGU, 2008. – S.337-338.

7. Vazirlar Mahkamasining “2030 yilgacha bo‘lgan davrda barqaror rivojlanish sohasidagi milliy maqsad va vazifalarni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2018 yil 20 oktabrdagi 841-son qarori // Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 23.10.2018 y., 09/18/841/2081-son.

8. Listopad O.F. Osnovnye napravleniya razvitiya ekologicheskogo zakonodatelstva Rossiyskoy Federatsii v sfere obespecheniya blagopriyatnoy okrujayushchey sredy v naselennyykh punktax // Rossiyskoe pravo: obrazovanie, praktika, nauka. – 2018. – №1. – S.68-69.

9. Voronin A.O. Predostavlenie zemel naselennyykh punktov dlya stroitelstva hozyaystvennykh i inyykh ob‘ektov: Avtoref. diss. ... kand. jurid. nauk. – Tver., 2009. – S. 7-8.

10. Makarov O.O. Osobennosti regulirovaniya ispolzovaniya i ohrany zemel naselennyykh punktov // Teoriya i praktika obshchestvennogo razvitiya. – 2014. – №6. – S. 22-23.

11. Pronin A.A. Prava cheloveka: aspekty problemy. Monografiya. – Yekaterinburg, 2006. – 212 p.

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.08-УГОЛОВНОЕ ПРАВО. КРИМИНОЛОГИЯ.
УГОЛОВНОИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО

Ҳакимов Комил Бахтиярович,
Тошкент давлат юридик университети
доценти вазифасини бажарувчиси
E-mail: hkb22@mail.ru

ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

For citation: Khakimov Komil Baxtiyarovich. THE CONCEPT AND FEATURES OF THE CIRCUMSTANCES EXCLUDING THE CRIMINALITY OF THE ACT. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 1, (67-72) pp.

 DOI 10.26739/2181-9130-2021-6-9

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тушунчаси ва ўзига хос жиҳатлари ўрганилган бўлиб, бу борада олимларнинг фикрлари таҳлил этилган. Мақолада қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар билан боғлиқ амалиёт ҳам назарий қоидалар асосида атрофлича таҳлил қилинган ҳамда бу билан боғлиқ ҳулосалар чиқарилган. Шунингдек, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар билан боғлиқ жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш борасида тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Қилмиш, жиноят, истисно қилувчи ҳолатлар, жазо, зарар, моддий зарар, жисмоний зарар, қонунчилик, кам аҳамиятлилик, жавобгарлик.

Ҳакимов Комил Бахтиярович,
Исполняющий обязанности доцента
Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: hkb22@mail.ru

ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ ОБСТОЯТЕЛЬСТВ, ИСКЛЮЧАЮЩИХ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуются понятие и особенности обстоятельств, исключающих преступность деяния, а также анализируются мнения ученых. В статье также анализируется практика дел, исключающих преступность деяния на основе теоретических правил, и делаются соответствующие выводы. Также даны соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию норм уголовного закона связанных с обстоятельствами, исключающими преступность деяния.

Ключевые слова: Деяние, преступление, исключающие обстоятельства, наказание, вред, материальный вред, физический вред, законодательство, малозначительность, ответственность.

Khakimov Komil Baxtiyarovich,
Acting Associate Professor
of Tashkent State University of Law
E-mail: hkb22@mail.ru

THE CONCEPT AND FEATURES OF THE CIRCUMSTANCES EXCLUDING THE CRIMINALITY OF THE ACT

ANNOTATION

This article examines the concept and features of the circumstances excluding the criminality of the act, analyzes the opinions of scientists. The article also analyzes the practice of cases that exclude the criminality of the act on the basis of theoretical rules and draws relevant conclusions.

The relevant proposals and recommendations for improving the norms of the criminal law related to the circumstances excluding the criminality of the act are also given.

Keywords: Act, crime, excluding circumstances, punishment, harm, material harm, physical harm, legislation, insignificance, responsibility.

Республикамізда содир қилинаётган жиноятларнинг олдини олишга доир ўзига хос миллий тизим ва норматив-ҳуқуқий асослар яратилиб, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга аҳамият берилётганлиги натижасида давлат ва жамиятни турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлардан муҳофаза қилиш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, “жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар виқтимлигининг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш” [1] суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ қилиш қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларда содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлашда жабрланувчи, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилаётган шахснинг хулқ-атворини, ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш сабаб ва мақсадларини эътиборга олиш ва ушбу жиноятлар профилактикасини такомиллаштириш ва уни тадқиқ этишнинг муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларни аниқ ажратиш, уларнинг ҳуқуқий аҳамиятини, қўллаш чегарасини аниқлаш ва жиноят ҳамда жазо институтида қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг ҳуқуқий аҳамиятини ўрганиш ва ушбу ҳолатларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда тутган ўрнини аниқлаш қонунчиликдаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ижтимоий муносабатларни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш давлатнинг, жамоат ташкилотларининг ва барча фуқароларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ана шундай тажовузлардан ҳимоя қилиш, бурчига садоқат, ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ тартиботни сақлашнинг, жамиятда осойишталикни таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

Жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган жиноий тажовузлардан, шунингдек, жиноят ҳисобланмаган, аммо жамият учун ижтимоий хавфли ҳисобланган (ақли норасолар, жиноят субъекти ёшига етмаганлар, табиий офатлар) тажовуздан ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ўз хизмат вазифаси юзасидан ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш топширилган шахслар (ички ишлар ходимлари, ҳарбий хизматчилар)нинг мажбурияти ҳисобланади.

Ижтимоий хавфли ҳисобланмаган қилмишларда жиноят таркиби ҳам бўлмайди, ундай қилмишлардан ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш зарурияти ҳам келиб чиқмайди.

Маълумки, содир этилаётган ва содир этилган оғир ва ўртача оғир жиноят ҳақида тегишли давлат идораларига хабар бериш ҳар бир фуқаронинг мажбурияти ҳисобланиб, шахс бу мажбуриятини бажармаса, унга нисбатан қонунда белгиланган тартибда санкция қўлланади.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар хусусида назарий жиҳатдан сўз

юритадиган бўлсак, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар ўз номидан содир қилинганлиги учун жиноят деб топилмасдан, жазо ва жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатларга айтилиб, юридик адабиётларда қандай қилмишлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар туркумига кириши кераклиги ҳақида олимлар турли-туман фикрларни билдирганлар. Кўпгина муаллифлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчасини тавсифлар эканлар, бу инсон ҳулқ-атвори билан боғлиқ ҳаракатлар эканлигини таъкидлайдилар. Бунда мазкур қилмишлар ўз асосларига эга бўлиши шартлиги қайд этилади. Масалан, жиноий тажовуз, қонун билан қўриқланаётган неъматларга зиён етказилиши хавфи, ушлаш вақтида зарар етказишга эса ушланаётган шахснинг қарши ҳаракати асос бўлади. Яъни, айнан қонуний хатти-ҳаракатлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат деб ҳисобланиши лозимлиги таъкидланади. Аммо бу тавсиф бир ёқлама бўлиб, ҳолатнинг мазмунини тўлиқ ёритмайди. Шунинг эътиборига олиб, кўпгина муаллифлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларга тўлақонли тавсиф беришга ҳаракат қилганлар. Хусусан, М.Усмоналиев қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тўғрисида ўз фикрини билдирган бўлиб, унга кўра, ижтимоий муносабатлар хавф остида қолган ва бу ижтимоий муносабатни дарҳол ҳимоя қилиш зарурати келиб чиққан бўлса, ҳар бир фуқарога хавфни бартараф қилиш орқали ижтимоий муносабатни ҳимоя қилиш бурчи юклатилади ва муайян шахс ёки бошқа хавф манбаи томонидан ижтимоий муносабатга моддий ёки жисмоний зарар етказиш хавфи вужудга келтирилганда ушбу хавфни бартараф қилиши жараёнида шахсга ёки бошқа бир ижтимоий муносабатга зарар етказилиши мумкин. Бироқ бу етказилган моддий ёки жисмоний зарар Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг бирор моддасида назарда тутилмаган жиноятга формал жихатдан ўхшасада, аммо ижтимоий хавфли ҳисобланмаганлиги туфайли жиноят ҳисобланмайди[2].

Олимнинг ушбу назарий қараши ўринли бўлиб, ижтимоий муносабатга зарар етказиш хавфи вужудга келганда, бундай хавфни бартараф қилиш жараёнида шахсга ёки ижтимоий муносабатга зарар етказиш нафақат жиноят ҳисобланмайди, балки ижтимоий фойдали, жамият нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ ҳамдир. Чунки бундай зарар давлат, жамоат ёки фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тажовузчига нисбатан хавф манбаини бартараф қилиш мақсадида қўлланилади. Ижтимоий муносабатлар хавф остида қолган ва бу ижтимоий муносабатни дарҳол ҳимоя қилиш зарурати келиб чиққан бўлса, ҳар бир фуқарога хавфни бартараф қилиш орқали ижтимоий муносабатни ҳимоя қилиш бурчи юклатилган. Муайян шахс ёки бошқа хавф манбаи томонидан ижтимоий муносабатга моддий ёки жисмоний зарар етказиш хавфи вужудга келтирилганда ушбу хавфни бартараф қилиши жараёнида шахсга ёки бошқа бир ижтимоий муносабатга зарар етказилиши мумкин. Ана шу етказилган моддий ёки жисмоний зарар ЎзР ЖК Махсус қисмининг бирор моддасида назарда тутилмаган жиноятга формал жихатдан ўхшасада, аммо ижтимоий хавфли ҳисобланмаганлиги туфайли жиноят ҳисобланмайди.

Ижтимоий муносабатга зарар етказиш хавфи вужудга келганда, бундай хавфни бартараф қилиш жараёнида шахсга ёки ижтимоий муносабатга зарар етказиш фақат жиноят ҳисобланмай, балки ижтимоий фойдали, жамият нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ ҳамдир. Чунки бундай зарар давлат, жамоат ёки фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тажовузчига нисбатан хавф манбаини бартараф қилиш мақсадида қўлланилади.

М.Рустамбаевнинг фикрича, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар қонунга зид ҳисобланмайди, чунки айнан шу ҳолатлар давлат ва мулк эгасига ўз мулкни тасарруф этиш ва ўзини ҳамда мулкни турли тажовузлардан ҳимоя қилиш имконини беради[3]. Албатта, фикр ўринли саналиб, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг қонунчилик тизимига киритилишининг моҳияти ҳам айнан шу саналади.

Р.Қабулов ҳам бу хусусда ўз фикрини берган бўлиб “Инсон айрим ҳолларда ташқи томондан у ёки бу жиноятга ўхшаш ҳаракатлар содир этиши мумкин, аммо бу зарарли оқибат келтириб чиқарувчи ҳаракатларни у зарар етказиши аниқ бўлган хавф-хатарни бартараф этиш, ижтимоий хавфли қилмиш содир этишнинг олдини олиш учун, бундай қилмиш содир этган шахсни ушлаш, буйруқни ёки ўз мажбуриятларини бажариш вақтида, шунингдек, касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликка йўл қўйиш орқали йўл қўйиши мумкин. Қонунда белгиланган аниқ шартларга риоя қилиб зарар етказилган бўлса, бу каби ҳаракатлар жиноят сифатида кўриб чиқилмайди[4].

Шунингдек, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тўғрисида бир қанча

чет эл ҳуқуқшунос олимлари ҳам тадқиқот ишларини олиб борган ва бу хусусдаги назарий қарашларини баён қилган. Хусусан, А.В.Никуленко ушбу ҳолатларни кенг таҳлил қилган бўлиб, унинг фикрича, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар муайян вазият оқибатида юз берувчи қилмиш бўлиб, унинг натижасида хавф вужудга келмайди, аксинча хавф бартараф этилади. Айни шунинг учун ҳам бундай қилмишлар учун жазо тайинлаш ноўрин саналади[5]. Албатта, ушбу олимнинг ҳам ҳуқуқий қарашлари асосли бўлиб, бундай қилмишлар бошқа бир қилмиш натижасида юзага келади, яъни бошқа ижтимоий хавфли қилмишнинг олдини олиш, муайян топшириқни бажариш ёки асосли таваккал қилиш заруратидан келиб чиқиб чиқади.

Л.Н.Смирнованинг фикрича, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг мавжудлиги, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминловчи қафолатлардан саналади[6].

Шунингдек, ҳуқуқшунос Р.Р.Шакуров ва Ю.В.Голикларнинг ҳам бу тўғрисида ўз қарашлари бўлиб, унга кўра ўз ҳаракатларини қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларда содир этган шахсларни рағбатлантириш усулини қўллаш ҳақидаги бир қанча таклифлар бериб ўтган[7].

Ю.В.Баулин ҳам бу тўғрисида ўз фикрини берган бўлиб, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар қаторига жабрланувчининг розилиги, спорт билан шуғулланиш, ота-она ҳукмининг ўтказилиши, хизмат бурчини бажариш, тиббий аралашувни ва инсон соғлиғи ёки ҳаётига зарар етказиш билан боғлиқ айрим бошқа ҳолатларни киритиш ҳақидаги таклифларни бериб ўтган[8].

Дарҳақиқат, 1959 йили қабул қилинган Жиноят кодексида кам аҳамиятли қилмишлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тизимида берилмай, ўша Кодекснинг жиноят тушунчаси берилган моддасида (7-моддаси 2-қисмида) кам аҳамиятли қилмишларнинг жиноят ҳисобланмаслиги тўғрисида айтилган эди. Амалдаги Жиноят кодексида кам аҳамиятли қилмишлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тизимида берилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг турлари нафақат аниқ белгилаб қўйилиши ва уларнинг сони ошиши оқибатида, бу ҳолатлар билан боғлиқ тушунмовчилик ва тортишувлар барҳам топди ҳамда ушбу Кодекснинг 35-моддаси биринчи қисмида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси биринчи марта берилди. Унга кўра “Қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади” деб белгиб қўйилди.

Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларнинг бундай таърифи катта аҳамиятга эга бўлиб, уларни “жиноят” тушунчаси билан боғлайди. Бунда қонун жиноят ва ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган, аммо аслида бундай қилмиш мазмунан бўлмаган ҳолатларни ўзаро таққослаш орқали ушбу ҳолатларни изоҳлаб беради. Хусусан шу ўринда жиноят тушунчаси тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 14-моддасига биноан жиноят кодекси билан таъқиқланган, айбли ижтимоий ҳавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб ҳисобланади ва бирор ижтимоий ҳавли қилмишнинг жиноят бўлиши учун маълум белгиларни ўзида намоён қилиши керак бўлади. Башарти ижтимоий хавфли қилмиш таркибида ушбу белгилар мавжуд бўлмаса, бу қилмиш жиноят ҳисобланмайди ва тегишли жазо ва жавобгарликка тортишни истисно қилади. Яъни, шахсга жазо ва жавобгарлик белгилаш учун унинг қилмишида жиноят элеменлари бўлиши бундай ҳолатларнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Бироқ бу норма катъий бўлмасдан, баъзи ҳолатларда шахс содир қилган ижтимоий ҳавфли қилмишида жиноят таркиби бўлсада, унинг жиноят эканлигини ва жазо тайинлашни истисно қилиши мумкин. Яъни айрим ҳолларда бундай қилмишлар ижтимоий хавфли бўлмасдан, балки ижтимоий фойдали бўлиши ҳам мумкин ва бундай қилмишлар жиноят қонунчилигида қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар саналиб, қуйида бу ҳақда батафсилроқ тушунтириб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Ушбу ҳолатларнинг қонунда белгиланиши учун уларнинг муайян белгиларга эга бўлиши лозимлиги шарт деб белгилаб қўйилган бўлиб, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг барчаси учун бу тушунча умумий саналади ва қилмиш:

- ғайриқонуний бўлмаслиги;
- ижтимоий хавфли бўлмаслиги;

- қилмишда шахсинг айби бўлмаслиги керак.

Бунда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат деб топиш учун ана шу белгиларнинг барчаси бир вақтда бўлиши талаб қилинмайди. Яъни ушбу белгилардан бирининг мавжудлиги етарли ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 35-моддасининг 2-қисмида қуйидаги ҳолатлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб кўрсатилган;

1. кам аҳамиятли қилмишлар (ЖК 36-модда);
2. зарурий мудофаа (ЖК 37-модда);
3. охирги зарурат (ЖК 38-модда);
4. ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш (ЖК 39-модда);
5. буйрукни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш (ЖК 40-модда);
6. касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик (ЖК 41-модда);
7. Жисмоний ёки рухий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш^[9] (ЖК 41¹-модда).

Бу ҳолатларни мустақил гуруҳларга ажратиш уларнинг ягона юридик табиати ва вазифалари билан узвий боғлиб бўлиб, ҳуқуқий муносабат субъектларининг ташқи томондан жиноят сифатида кўринган ижтимоий фойдали ҳаракатларини тартибга солиб туради.

Юқорида биз қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар ҳақида тўхталганимизда содир этилган қилмишда жиноят белгилари бўлмасагина бу қилмишлар жиноят ҳисобланмаслигини таъкидлаб ўтган эдик, яъни, қилмиш ижтимоий хавфли бўлиши, ҳуқуққа хилоф бўлиши, қилмишда айб бўлиши керак эди. Лекин кам аҳамиятли қилмиш бошқа жиноятни истисно қилувчи ҳолатлардан фарқ қилади, унинг фарқи шундаки, бу қилмишда жиноят белгиларидан ҳуқуққа хилофлилик ва айб мавжуд бўлади, фақатгина бу қилмиш ижтимоий хавфли бўлмайди, яъни, унинг қилмиши, бирор шахсга, давлат ёки ташкилотга жиддий зарар етказмайди, унинг қилмиши оғир оқибатларга олиб келмайди, шунинг учун жиноят қонуни бу қилмишни кам аҳамиятли деб топади ва унинг жиноийлигини истисно қилади.

Ижтимоий хавфлилик даражаси миқдор кўрсаткичларида намоён бўлади. Демак, етказилган зарарнинг ҳажми, баданга шикаст етказиш тури ўғирланган нарсалар миқдори, айб хусусияти, жиноят содир этиш босқичлари, тажовуз мотивли ва мақсадининг хусусиятлари ҳамда бошқа белгилари ижтимоий хавфлилик даражасини ошириши ёки камайтириши мумкин.

Ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини ҳисобга олиб, ваколатли органларнинг ходимлари (суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд) содир этилган қилмишнинг кам аҳамиятлилигига эга ёки эга эмаслигини аниқлайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам қилмишнинг кам аҳамиятлилиги, унинг жиноийлигини истисно этадиган ҳолат сингари, ушбу гуруҳдаги бошқа ҳолатларга хос бўлган бундай ижтимоий фойдали хоссаларга эга бўлмаслиги ҳисобга олиниши керак

Қилмишнинг кам аҳамиятлилигида ҳам айбдорлик ва қонунга хилофлик сингари жиноят белгилари сақланиб қолади. Буни ҳисобга олиш билан содир этилган муайян тажовузнинг кам аҳамиятлилигини белгилашда айбнинг мотиви, мақсади ва шаклидан, қасд мавжудлигида эса, унинг йўналишидан келиб чиқиш зарур.

Қилмишнинг кам аҳамиятлилигини белгилашда зарар миқдори муҳим аҳамиятга эга бўлади, айнан етказилган зарар бирор шахсинг ҳаётига қай даражада таъсир қилганлиги инobatга олинади, ёки бирор шахсинг мулкига қай даражада зиён етказилганлиги аниқланади, мисол учун бир шахсни бир ёки икки тарсаки уриш, аслида бу жиноят, бу қилмишда жиноят белгилари бор, лекин бу қилмиш уша жабрланувчининг соғлиғига ҳеч қандай жиддий зиён етказмайди [10], шунингдек бу қилмишда ижтимоий хавфлилик йўқ, шунинг учун жиноят қонуни бу қилмишни жиноят деб топмайди.

Давлат ва жамият манфаатларига етказилган зарар ҳам ижтимоий хавфли бўлмаса, жиноят деб топилмайди, шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, қилмишнинг кам аҳамиятлилигини белгилашда зарар етказувчининг шахсий хусусиятлари, яъни унинг илгари судланганлиги, хавфли ёки ўта хавфли рецидивист эканлиги инobatга олинмайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар жиноят қонунчилигида муҳим институтлардан бири саналиб, унинг қонунчилик тизимимизда мавжудлиги ва бу қадар аҳамиятга эга эканлиги инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларининг устунлиги билан белгиланади. Бунда биз, аввало, жиноят

қонунчилиги назариясида мавжуд бўлган қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар тушунчасига янги таъриф бериш зарурати пайдо бўлади.

Шу сабабли қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар мазмунини қуйидагича ўзгартиришни таклиф қиламиз: **қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жихатдан мавжуддек кўринса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади.** Бунда “мавжуд бўлса-да” жумласини ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлиб, ўзгартирилган “мавжуддек кўринса-да” жумласи орқали аслида шундай аломатлар мавжуд эмас деган тушунча пайдо бўлади.

Шу билан бирга, биз қонунчилик тизимига таклиф қилаётган янги ва ўзгартирилган тартибдаги нормаларнинг назарий шарҳини жиноят ҳуқуқининг назарий манбааларига киритиш лозим.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD-4947 of February 7, 2017 “On the Strategy of Actions for the Further Development of the Republic of Uzbekistan” // Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 6, Article 70.)

2. М.Усмоналиев. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2009. – Б. 321. (M.Usmonaliev. Criminal law. General section. Textbook. - Tashkent: “Yangi asr avlodi”, 2009. - P. 321.)

3. Рустамбоев М. Жиноят ҳуқуқи. Дарслик. Умумий қисм. Тошкент: “ILM-ZIYO” – 2005. – Б. 227. (Rustamboev M. Criminal law. Textbook. General section. Tashkent: “ILM-ZIYO” - 2005. - P. 227)

4. Муаллифлар жамоаси. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Ички ишлар вазирлиги Академияси. – Т.: 2012. – Б. 411. (Team of authors. Criminal law. General section. Textbook. Academy of the Ministry of Internal Affairs. - T.: 2012. - P. 411.)

5. Нукеленко А.В. Обстоятельства, исключающие преступность деяния: концептуальные основы уголовно-правовой регламентации. Автореферат диссертации. – Санкт-Петербург:, 2019. – Б. 7. (Nukelenko A.V. Circumstances excluding the criminality of an act: conceptual foundations of criminal legal regulation. Abstract of the thesis. - St. Peterburg :, 2019. -- P. 7.)

6. Смирнова Л.Н. Обстоятельства, исключающие преступность деяния, по законодательству некоторых западно-европейских государств. Статья. УДК 343.2. – М.: “Право”, 17.01.2010. (Smirnova L.N. Circumstances precluding the offense of an act, according to the legislation of some Western European states. Article. UDC 343.2. - M.: “Law”, 17.01.2010.)

7. Голик Ю.В. Воплощение метода поощрения в нормах уголовного права // Актуальные вопросы государства и права на современном этапе: Материалы конференции. – Томск:, 1982. – Б. 143. (Golik Yu.V. The embodiment of the method of encouragement in the norms of criminal law // Topical issues of state and law at the present stage: Conference proceedings. - Tomsk :, 1982. -- P. 143.)

8. Баулин Ю.В. Обстоятельства, исключающие преступность деяния. Автореферат диссертации. М.: 2015. – Б. 42. (Baulin Yu.V. Circumstances precluding the criminality of the act. Abstract of the thesis. M.: 2015. -- P. 42.)

9. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий баъзаси, 10.01.2018., 03/18/459/0536-сон. 2-модда. (Law of the Republic of Uzbekistan No. ZRU-459 of January 9, 2018 // National Database of Legislation, January 10, 2018, No. 03/18/459/0536. Article 2)

10. Khamidov Nurmukhammad Orif ugli. The concept of smuggling and social necessity of criminal liability for smuggling. Journal of Law Research. 2019, 9 vol., issue 1, pp. 94-102

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

Худайкулов Ферузбек Хуррамович,
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят ҳуқуқи ва криминология
кафедраси ўқитувчиси,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори
<https://orcid.org/0000-0002-4940-3762>
E-mail: dr_prof@mail.ru

ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ЗАРУРИЙ ВА ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

For citation: Khudaykulov Feruzbek Khurramovich. CRIMINAL-LEGAL SIGNIFICANCE OF COMPULSORY AND FACULTATIVE SIGNS OF THE OBJECTIVE SIDE OF THE CRIME: ANALYSIS AND SUGGESTION. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 1, (73-81) pp.

 DOI 10.26739/2181-9130-2021-6-10

АННОТАЦИЯ:

Мазкур мақолада тадқиқ этишнинг индукция ва дедукция методларидан кенг фойдаланилган. Жумладан, биринчи навбатда жиноят таркиби объектив томони ва унинг зарурий ҳамда факультатив белгилари тўғрисидаги олимларнинг фикр-мулоҳазалари, ижтимоий хавфли қилишмиш, ижтимоий хавфли оқибат, ижтимоий хавфли қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноят содир этиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситаси кабилар ҳақида атрофлича баён қилинган. Шунингдек жиноят таркиби объектив томони зарурий ва факультатив белгилари тушунчаси, бу тушунчалар ҳақида жиноят ҳуқуқи назариясида олимлар томонидан билдирилган фикрлар, қарашлар ёритилган бўлиб, ундан сўнг эса жиноят таркиби элементлари ва бу элементларни ифодаловчи жиноят таркибининг зарурий ҳамда факультатив белгилари кетма-кет тавсифлаб берилган. Шунингдек, ушбу мақолада асосий эътибор жиноят таркиби объектив томони зарурий ва факультатив белгиларининг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти, хусусан, уларнинг ўзига хос жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида келтирилган айрим жиноят таркиби зарурий ва факультатив белгилари билан боғлиқ назарий ҳамда амалий муаммолар ёритилган. Шу билан бирга, Россия Федерацияси, Молдова ва Қирғизистон жиноят қонунчилиги таҳлил этилиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жиноят объектив томони, зарурий белгилар, факультатив белгилар, ижтимоий хавфли қилмиш, ижтимоий хавфли оқибат, сабабий боғланиш, жиноят содир этиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситаси, квалификация, нормалар рақобати.

Худайкулов Ферузбек Хуррамович,
Преподаватель кафедры Уголовное право и
криминологии Ташкентского государственного
юридического университета
Доктор философии по юридическим наукам
<https://orcid.org/0000-0002-4940-3762>
E-mail: dr_prof@mail.ru

УГОЛОВНО-ПРАВОВОЕ ЗНАЧЕНИЕ ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ И ФАКУЛЬТАТИВНЫХ ПРИЗНАКОВ ОБЪЕКТИВНОЙ СТОРОНЫ СОСТАВА ПРЕСТУПЛЕНИЯ: АНАЛИЗ И ПРЕДЛОЖЕНИЕ.

АННОТАЦИЯ:

В данной статье были широко использованы такие методы исследования как индукция и дедукция. В частности, прежде всего, взгляды ученых на объективную сторону преступления и его необходимые и факультативные признаки, общественно опасные деяния, общественно опасные последствия, причинную связь между общественно опасными деяниями и последствиями, место, время, способ, статус, оружие и орудие преступления. Кроме того, понятие необходимых и дополнительных характеристик объективной стороны преступления, взгляды, выраженные учеными в области теории уголовного права, а затем элементы преступления и необходимые и факультативные признаки преступления, которые представляют эти элементы, являются описано. В статье также акцентируется внимание на уголовно-правовом значении необходимых и факультативных признаков объективной стороны преступления, в частности, их конкретных уголовно-правовых аспектах, а также теоретических и практических вопросах, связанных с необходимыми и факультативными признаками некоторых преступлений в Уголовный кодекс. При этом было проанализировано уголовное законодательство Российской Федерации, Молдовы и Киргизии, а также разработаны конкретные предложения и рекомендации по совершенствованию уголовного законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: объективная сторона преступления, обязательные признаки, необязательные признаки, общественно опасное деяние, общественно опасное последствие, причинная связь, место, время, способ, обстановка, оружие и средства преступления, квалификация, конкуренция норм.

Khudaykulov Feruzbek Khurramovich,
Lecturer of Department of Criminal Law and
Criminology of Tashkent State University of Law,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
<https://orcid.org/0000-0002-4940-3762>
E-mail: dr_prof@mail.ru

CRIMINAL-LEGAL SIGNIFICANCE OF COMPULSORY AND FACULTATIVE SIGNS OF THE OBJECTIVE SIDE OF THE CRIME: ANALYSIS AND SUGGESTION.

ANNOTATION:

In this article, such research methods as induction and deduction were widely used. In particular, first of all, the views of scientists on the objective side of the crime and its necessary and optional features, socially dangerous acts, socially dangerous consequences, the causal relationship between socially dangerous acts and consequences, the place, time, method, status, weapon and instrument of the crime. In addition, the concept of necessary and additional characteristics of the objective side of the crime, the views expressed by scholars in the field of criminal law theory, and then the elements of the crime and the necessary and optional features of the crime that these elements represent, are described. Thus, the article also focuses on the criminal-legal significance of the necessary and facultative signs of the objective side of the crime, in particular, their specific criminal-legal aspects, as well as theoretical and practical issues related to the necessary and facultative signs of certain

crimes in the Criminal Code. At the same time, the criminal legislation of the Russian Federation, Moldova and Kyrgyzstan was analyzed, as well as specific proposals and recommendations for improving the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan were developed.

Keywords: objective side of crime, necessary signs, facultative (optional) signs, socially dangerous act, socially dangerous consequence, causal link, place, time, way, condition, weapon and means of crime, qualification, normal competition.

Жиноят таркиби элементлари унинг объектив ва субъектив томонларини тўртта ҳолатларда ўзига хослигини ажратиш кўрсатади. Жиноят таркиби элементлари жиноятнинг объекти, субъекти, объектив томони, субъектив томони ҳисобланади. Унинг белгилар эса ўз навбатида жиноят таркиби элементларининг тавсифини беради. Улар элементлар билан предмет таркибининг бир қисми каби боғлангандир.

Масалан, фирибгарлик жиноятидаги алдаш ёки ишончли суистеъмол қилиш усули ўз навбатида ушбу жиноят таркиби элементи бўлган объектив томон тавсифини беради. Фирибгарликнинг объектив томонини тавсифловчи асосий усул сифатида кўпинча алдов кўрсатилади [1, Б.151]. Фирибгарлик жиноятидаги усул моддий наф кўришдаги ғаразгўйлик ниятида содир этилиб, ушбу жиноят ўзганинг мулкни зўрлик ишлатмасдан талон-торож қилиш каби таснифланади [2, б. 15-16].

“Белги” сўзи одатда предмет ёки ҳодисанинг ўзига хос сифати, таркиби, хоссаси, хусусиятлари йиғиндисини англатиши билан уни билиш ва бошқаларидан фарқлаш имконини беради. Билиш назариясида белгиларни ўрганишнинг ривожланиши, мантиққа таяниб уларнинг категориялари қаторидан ўзига хос хусусиятларини ажратиш имконини беради.

М.Ҳ.Рустамбоев “ҳар қандай жиноят – инсон хулқ-атворининг ташқи кўриниши, яъни онг ва ирода назорати остида содир қилинадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишидаги қилмишдир” [3, Б.157], деб ўз фикрини баён қилади.

Ҳар қандай жиноятнинг умумий олганда иккита томони бўлади, инсон хулқ-атворининг ташқи ва ички кўриниши. Ташқи томонда онг ва ирода билан бошқариладиган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳисобланади. Инсон хулқ-атворининг ички кўриниши у содир этган қилмишга бўлган руҳий муносабати ҳисобланади (айб шаклларида қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишида).

Айнан шу ҳолатга ҳуқуқшунос олимлар урғу бериб, инсон хулқ-атворида объективлик ва субъективликни ажратиш шартли хусусият қасб этиб, фақат илмий ва ўқув мақсадларда ўрганилаётган ҳодисани янада чуқурроқ англаб етиш учун амалга оширилади” [4, Б.18] дейдилар.

Айбдор томонидан содир этилган қилмишда амалиётда одатда жиноят содир этган субъект, жиноят содир этилганлигини исботловчи ҳолатлардан иборат жиноят объектив томони, жиноят қонуни билан кўриқланадиган объект ва ушбу жиноий қилмишни қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги айб мавжуд бўлади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида олимларнинг кўпчилиги жиноят таркиби объектив томонига ижтимоий хавфли қилмиш, ижтимоий хавфли оқибат, сабабий боғланиш ва жиноят содир қилиш вақти, жойи ва усулини тавсифловчи ҳолатларни киритишади [5, б. 75-82, 393, 114].

Олимлар томонидан ушбу киритилган жиноят таркиби объектив томони белгилари қонун чиқарувчи томонидан жиноят қонунда ифодаланишига кўра зарурий белгилар ва факультатив белгиларга ажратилади. Жиноят таркиби объектив томони зарурий белгиси фақат битта, бу ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳисобланади.

Жиноят таркиби объектив томон белгилари жиноий жавобгарликни белгилашнинг асоси бўлиб, у асосида ЖК Махсус қисми нормалари диспозициялари шакллантирилади. Шунингдек, муайян ҳолатда объектив томон зарурий белгиларининг мавжуд эмаслиги, жиноят таркиби мавжуд эмаслигини англатади;

Бошқа бир гуруҳ олимлар [6, б. 120-121] эса ижтимоий хавфли қилмишни жиноят таркиби объектив томони зарурий белгиси сифатида эътироф этишиб, қолган белгиларни жиноят таркиби тизими (моддий ёки формал таркибли жиноятлар)га қараб зарурий ёки факультатив белгиларга ажратишади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят таркиби объектив томони зарурий белгиси фақат

битта ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Қолган барча белгилари (ижтимоий хавфли қилмиш, сабабий боғланиш, жиноят содир этиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситаси) жиноят объектив томони факультатив белгилари ҳисобланади. Шартли равишда моддий таркибли жиноятларда ижтимоий хавфли қилмиш, ижтимоий хавфли оқибат ва улар ўртасидаги сабабий боғланиш жиноят объектив томони зарурий белгилари ҳисобланади.

Жиноят таркиби объектив томони белгиларига таяниб, жиноят таркибининг бошқа элементлар ва белгилари аниқланади. Шунингдек, бирон жиноят таркибининг объектив томони белгиларини аниқлаш жиноятни квалификация қилишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади (Масалан, ўқдан жароҳатлариган жасадни топиш);

Хусусан, В.Б.Малинин ва А.Ф.Парфеновлар “жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектга зарар етказадиган жиноий тажовузнинг дастлабки ривожланиш босқичида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят объектив томонининг асосий(зарурий) белгиси ҳисобланади. Ижтимоий хавфли оқибат моддий таркибли жиноятларда асосий белгилардан бири сифатида намоён бўлади. Ижтимоий хавфли ҳаракат (ҳаракатсизлик)дан то зарарли оқибат рўй беришга қадар бўлган жиноятнинг ривожланиш жараёни қилмиш ва унинг натижаси ўртасида сабабий боғланишни акс эттиради. Қайсики бу ҳам моддий таркибли жиноятда объектив томон зарурий белгиси ҳисобланади” [7, Б.32], деб ўз фикрларни баён қилишади.

Жиноят объектив томони зарурий ва факультатив каби белгиларига ажратилиши асосан моддий, формал ва кесик таркибли жиноятларда аҳамиятга эга бўлади. Хусусан, моддий таркибли жиноят ҳисобланган қасддан одам ўлдириш жиноятида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), ижтимоий хавфли оқибат ва улар ўртасидаги сабабий боғланиш мавжуд бўлиши шарт ҳисобланди.

В.Д.Филимонов жиноят таркибининг зарурий белгилари сифатида, қилмиш, оқибат ҳамда қилмиш билан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни кўрсатади, объектив томоннинг қолган белгиларини факультатив деб таснифлайди, ҳамда ушбу белгилар фақат ўзига хос моддий таркибли жиноятлар учун зарурий белгилар эканлигини таъкидлайди [8, с. 144].

В.Д.Филимоновнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки, жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят таркиби объектив томон зарурий белгиси деганда фақат ижтимоий хавфли қилмиш тушунилади. Қолган барча белгилар жиноят объектив томон факультатив белгилари ҳисобланади. Хусусан, жиноят объектив томон тузилишига кўра жиноят таркиби моддий, формал ва кесик таркибли жиноятларга бўлиниши романо-герман ҳуқуқ оиласига тегишли бўлиб, англо-саксон ҳуқуқ оиласида мавжуд эмас.

Учинчилар, фақат қилмишни объектив томоннинг зарурий белгиси деб ҳисоблайдилар, чунки фақат у ҳар қандай жиноят таркибининг белгисидир, чунки қонунда жиноий қилмиш қандай белгиларга эгаллигини кўрсатмасдан, уни ифодалаш имконияти йук [9, б. 68-73, 77-82].

Масалан, М.Х.Рустамбоевнинг фикрича, “Объектив томоннинг зарурий белгиси – қилмиш ЖК Махсус қисми барча моддаларида назарда тутилган. Шунинг учун қонун чиқарувчи қилмиш деганда, асосан, жиноятни назарда тутати. Жиноий жавобгарликка фақат жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир қилган шахслар тортилиши мумкин. Қилмишсиз, яъни инсоннинг ташқи дунёдаги муайян хулқ-атворисиз жиноят ҳам, жиноий жавобгарлик учун асос ҳам йўқ. Инсоннинг маълум жиноий хулқ-атворида намоён бўлмаган жиноят содир қилиш ҳақида фикр билдиришнинг ўзи жиноятни ташкил қилмайди” [10, Б.158] дея таъкидлаб ўтади.

М.Усмоналиев фикрича, жиноят таркибининг зарурий белгиси бу ижтимоий хавфли қилмишдир. Бошқа барча белгилар жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгиларидир [11, Б.169], дейди.

В.Тимейко “жиноят ҳуқуқи фанида жиноят объектив томони ифодаладиган барча белгиларни зарурий в факультативга бўлиш қабул қилинган. Зарурийлари шундай белгиларки, қайсики улар ҳар қандай муайян жиноят таркиби учун зарур ҳисобланади. Уларга ҳаракат ва ҳаракатсизлик киради. Агар ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилмаган бўлса жиноят ўринга эга бўлмайди. Факультативлари шундай белгиларки, қайсики улар фақат қонунда белгиланган алоҳида муайян жиноят таркиблари учун зарур ҳисобланади. Уларга қуйидагилар киради: оқибат, сабабий боғланиш, жиноят содир қилиш жойи, вақти ва ҳолати” [12, Б.8].

В.Н.Кудряцев ёзганидек, “Назария ва амалиёт шуни кўрсатадики, муайян жиноятда ҳар қандай сабабий боғланиш жиноят объектив томони зарурий белгиси бўла олмайди. Баъзи

жиноятларда сабабий боғланиш бевосида, баъзиларида эса у билвосита бўлади” [13, Б.146].

Бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган сўнги учинчи ёндашув бирмунча тўғри кўринади. Биринчидан, муаллиф жиноят таркиби объектив томони белгиларининг қайси бири жиноят таркиби объектив томони зарурий ва факультатив белгилар тизимига кириши кераклигини аниқлаштиради. Иккинчидан, жиноят таркиби объектив томони белгиларининг умумийликдан хусусийликка боришига аниқлик киритади

Факультатив белгилар қўшимча равишда барча жиноят таркиби элементларини тавсифлаши мумкин: а) объект учун – қўшимча объект, жиноят предмети; б) объектив томони учун – жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситаси; в) субъектив томон учун – мотив, мақсад, эмоция(руҳий ички кечинма); г) субъект учун – махсус субъект.

Жиноят таркиби элементи сифатида объектив томон ўзида тўққизта белгиларни тавсифлайди. Уларга қуйдагилар киради: ижтимоий хавфли қилмиш(ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), ижтимоий хавфли оқибат, қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситаси.

Факультатив белгиларнинг жиноят объектив томони мустақил белгилари ҳисобланмаслиги тўғрисидаги нуқтаи-назарни ҳам учратиш мумкин. Бу ижтимоий хавфли қилмишни содир этилиш шароитидир. Масалан, Н.Ф.Кузнецова шундай ҳисоблайди: “Улар (факультатив белгилар) объектив томоннинг мустақил элементлари ҳисобланмайди, улар фақат жиноят содир қилган шахснинг қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни тавсифлайди. Объектив томонга жиноят содир қилиш жойи, вақти ва ҳолати тегишли бўлмайди, ҳаракат (ҳаракатсизлик)дан ташқари ёки биргаликда олинади, бироқ, ижтимоий хавфли ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ташқи томони, муайян усулда, ушбу шароитларда жой, вақт ва ҳолатда амалга оширилади” [14, Б.27]. Хулоса қилиб айтганда, жиноят объектив томони белгилари, деганда зарурий ва факультатив белгилар йиғиндисига айтилади. Ижтимоий хавфли қилмиш жиноят объектив томони зарурий белгисидир, жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситаси, ижтимоий хавфли оқибат, сабабий боғланиш жиноят объектив томони факультатив белгилари ҳисобланади.

Жиноят таркиби объектив томонининг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти қуйдагилардан иборат:

1) жиноят объектив томон белгилари жиноий жавобгарликни белгилашнинг асоси бўлиб, улар асосида ЖК Махсус қисми нормаларининг диспозицияларини шакллантирган;

2) муайян ҳолатда жиноят объектив томон зарурий белгиларининг бўлмаслиги умуман жиноят таркибининг мавжуд эмаслигини англатади;

3) ҳар қандай жиноятнинг объектив томони белгиларини аниқлаш жиноятни квалификацияси қилишнинг дастлабки босқичидир. Масалан, ўқотар қурол билан жароҳатланган мурданинг топилиши;

4) жиноят объектив томони белгилари орқали жиноят таркибининг бошқа элементлари ва белгилари аниқланади. Масалан, ўткиз кесувчи жисм билан жароҳат етказганлик жиноятни қасддан содир этилганлигидан далолат берса, мол-мулкни яширин равишда талон тарож қилиниши жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабат бузилганлигини кўрсатади;

5) жиноятнинг объектив томонининг маълум белгиларининг мавжудлиги шахс ижтимоий хавфлилик даражасига таъсир қилиши ва мураккаб таркибли жиноятларни фарқлашда инобатга олиниши мумкин. Мисол учун, ўзганинг мол-мулкни талон-тарож қилиш усули (яширин, очикдан-очик, зўрлик ишлатиш, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли зўрлик ишлатиш) ўғрилиқ, талончилик ёки босқинчилик каби жиноятлар квалификациясига таъсир қилади. Бу жиноятлар қонун чиқарувчи томонидан белгиланган муайян усул орқали бир-бирдан фарқланади. Жиноят объектив томони факультатив белгиси бўлган жиноят содир этиш усули орқали фарқлар ажратилади;

6) жиноят объектив томон белгилари орқали жиноятни тамом бўлиш вақти аниқланади. Бу унинг энг асосий жиноят-ҳуқуқий аҳамияти ҳисобланди. Масалан, ўғрилиқ жинояти ўзганинг мол-мулкни яширин равишда фойдаланиш ва тасарруф этиш имкониятини берувчи эгаллаш бошлангандан кейин тугалланган ҳисобланади. Босқинчилик эса ўзганинг мол-мулкни талон-тарож қилишга қаратилган ҳужум бошлангач тугалланган ҳисобланади;

7) фақат жиноят объектив томони орқали жиноятда иштирокчилик, дастлабки жиноий фаолият, жиноятдан ихтиёрий қайтиш каби кўплаб жиноий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этилади;

8) жиноят объектив томон белгиларининг барчасини аниқламасдан адолатли жазо тайинлаш

мумкин эмас.

Хулоса қилиб қилиб айтадиган бўлсак, қилмишни квалификация қилиш ваколатига эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари жинойт объектив томони зарурий ва факультатив белгиларини тўғри ҳамда батафсил аниқлашлари керак бўлади. Чунки жинойт объектив томони белгиларининг қилмиш квалификация қилишдаги зарурий ёки жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификациявий) белги сифатидаги жинойт-ҳуқуқий аҳамиятининг нотўғри қўлланиши жинойт содир қилган шахс нисбатан адолатсиз жазо тайинланишига олиб келади.

Бундан ташқари, фикримизча, амалиётда ва илмий-назарий доктринада шаклланган нормалар рақобатига доир қоидаларни қонун даражасида мустаҳкамлаш зарур. Бундай самарали тажриба, хусусан Қирғизистон ва Молдова ЖК Умумий қисми нормаларида акс этган. Шу муносабат билан, ЖК Умумий қисмига “Жинойт қонун нормалари рақобатида қилмишларни квалификация қилиш” ҳамда “Икки махсус норма ўртасида рақобат юзага келган тақдирда жинойтларни квалификация қилиш” номли 16¹- ва 16²-моддаларини киритиш таклиф этилади:

16¹-модда. Жинойтларни квалификация қилишда нормалар рақобати

Башарти жинойи тажовуз ЖКнинг Махсус қисми умумий ва махсус нормаларида кўзда тутилган бўлса, айбдор шахс фақат махсус нормада кўзда тутилган модда (қисм, банд) бўйича жавобгарликка тортилади. Умумий нормани кўзда тутадиган модда (қисм, банд), фақат содир қилинган жинойи қилмиш бирорта махсус нормаларда кўзда тутилмаган бўлса, қўлланади.

16²-модда. Икки махсус норма ўртасида рақобат юзага келган тақдирда жинойтларни квалификация қилиш

Ушбу Кодекснинг жинойт учун жавобгарликни енгиллаштирувчи белгилари бўлган қоидаларни назарда тутган махсус нормаларни ўз ичига олган бир нечта моддалари (моддалари қисмлари) ичида энг енгил ҳисобланган модда (модда қисми) устунликка эга.

Ушбу Кодекснинг жинойт учун жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилари бўлган қоидаларни ўз ичига олган бир нечта моддалари (моддалари қисмлари) ичида энг оғирлаштирувчи ҳисобланган модда (модда қисми) биринчи навбатда қўлланилади.

Бошқа барча ҳолатларда, иккита махсус нормалар рақобатида енгилроқ жазони назарда тутувчи қоида қўлланилади.

Амалиётда бир қилмишни квалификация қилишда ЖК Умумий ва Махсус қисм нормалари, Махсус қисмининг икки ва ундан ортиқ нормалари ўртасида рақобат вужудга келганда, хато ва ортиқча мураккабликлар пайдо бўлиши мумкин.

Кўпинча мазкур масала ўзаро рақобатга киришаётган моддаларнинг санкцияларини таққослашдан келиб чиқиб ҳал қилинади. Қонунни қўлловчи шахс ўзгартирилгунга қадар барқарор вақт давомида амал қилаётган қонун билан иш кўради ва қонунни тўғри қўллаш учун зарур бўлган конкрет усуллар билан ишлайди.

Шу билан бирга, мураккаб таркибли жинойтларни бутун ва қисм нормалари рақобатида квалификация қилишда мураккаб таркибли жинойт назарда тутилган модда санкцияси билан унинг таркибига кирувчи, айна пайтда Жинойт кодексида алоҳида моддада назарда тутилган жинойт ҳуқуқий норма санкцияси билан таққослаш амалиётда кўпроқ қўлланилади.

Таъкидлаш лозимки, мазкур нормалар МДХ давлатлари жинойт қонунчилигида ҳозиргача урф бўлмаган. Фақатгина Қирғизистон Республикаси ЖК (21-24 моддалар), Молдова Республикаси ЖК (113-118 моддалар), хорижий давлатларда - Испания ЖК (8-моддаси) таҳлили шундан далолат қиладики, Умумий ва Махсус қисм нормалари, Махсус қисмининг алоҳида нормалари ўртасидаги рақобат, ҳамда оддий ва оғирлаштирувчи нормалар рақобати хусусидаги қоидалар берилган.

Масалан, “...гарчи бундай рақобатда ҳар иккала таркиб ҳам оғирлаштирувчи таркиб бўлса-да, лекин уларнинг биттаси учун қонун чиқарувчи томонидан оғирроқ жазо белгиланган бўлади. Битта жинойт доирасидаги оғирроқ санкция эса, шу санкцияга эга бўлган модда қисмининг устунлигидан далолат беради. Демак, Жинойт кодекси Махсус қисмининг битта моддаси турли қисмларида кўрсатилган нормалар бир-бири билан умумий ва махсус нормалар сифатида узвий боғлиқликда бўлганлиги сабабли, шунингдек, кўп ҳолатларда оғирлаштирувчи ва алоҳида оғирлаштирувчи таркибли нормаларнинг диспозицияси ҳаволаки характерга эга бўлиб, асосий таркибга ҳавола қилинганлиги сабабли ҳам оғирлаштирувчи таркибли жинойт асосий таркибли жинойтга нисбатан, алоҳида оғирлаштирувчи таркиб эса, оғирлаштирувчи таркибга нисбатан устун характерга эга бўлади” [15, Б. 65].

Шу муносабат билан, ЖК Умумий қисмини янги 33¹-33⁴-моддалар билан тўлдириш таклиф

килинади.

Бизнинг фикримизча, қонунга ушбу модданинг киритилиши жиноятларни квалификация қилишда юзага келадиган рақобат ва қарама-қаршиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Алтиев Р. Айрим романо-герман ҳуқуқий тизимида мансуб мамлакатлар жиноят қонунчилигида фирибгарлик учун жавобгарликнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили // Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2018 й. – № 3. – Б. 151
2. (Altiev R. Comparative and legal analysis of liability for fraud in the criminal law of some countries of the Romano-Germanic legal system // Bulletin of Legal Sciences. Scientific-practical legal journal. - Tashkent, 2018 - № 3. - P. 151);
3. Sally Ramage. Serious Fraud and Current Issues // iUniverse. New York. 2005. – P. 15-16.
4. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Жиноят ҳақида таълимот: Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – Б. 157 (Rustambaev M.H. Course of criminal law of the Republic of Uzbekistan. And tom. The Doctrine of Crime: A Textbook. 2nd edition, completed and revised. - Tashkent: Military-Technical Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan, 2018. - P. 157).
5. Объективная сторона состава преступления: учебное пособие / А.Н. Попов, Л.А.Зимирева, П. В. Федышина. Под общ. ред. А. Н. Попова. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский юридический институт (филиал) Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2015. – С.18 (Objective side of the composition of prestupleniya: uchebnoe posobie / A.N. Popov, L.A.Zimireva, P. V. Fedyshina. Under obshch. ed. A. N. Popova. - Saint-Petersburg: Saint-Petersburgskiy yuridicheskiy institut (branch) Akademii Generalnoy prokuratury Rossiyskoy Federatsii, 2015. - P.18).
6. Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. - 6-е изд. – М.: Проспект. 2017. – С. 75-82.; Лопашенко Н.А. Преступления в сфере экономики: Авторский комментарий к уголовному закону (раздел VIII УК РФ). – М.: Волтерс Клувер, 2006. – С. 393.; Уголовное право Российской Федерации. Общая и Особенная части: Учебник (под ред. А.И.Чучаева) – «КОНТРАКТ», «ИНФРА-М», 2016. – С. 114. (Naumov A.V. Russian criminal law. A common part. Lecture course. - 6th ed. - М.: Prospect. 2017.- P. 75-82.; Lopashenko N.A. Crimes in the sphere of economics: Author's commentary on the criminal law (section VIII of the Criminal Code of the Russian Federation). - М.: Walters Kluver, 2006. - P. 393.; Criminal law of the Russian Federation. General and Special parts: Textbook (edited by A.I. Chuchaev) - "CONTRACT", "INFRA-M", 2016. - P. 114.)
7. Голубовский В.Ю., Костюк М.Ф., Кунц. Е.В. Уголовное право России. Общая и Особенная части. Учебник. – М.: Проспект. 2020. – С. 69-72.; Рустамбаев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм): О'ЎЮ учун дарслик. – Т.: «ИЛМ ЗИЁ» нашриёти, 2005. – Б. 120-121 (Golubovsky V.Yu., Kostyuk M.F., Kunz. E.V. Criminal law of Russia. General and Special parts. Textbook. - М.: Prospect. 2020. - P. 69-72.; Rustambaev M.H. Criminal Law (General Part): A Textbook for OO. - Т.: «ILM ZIYO» publishing house, 2005. - Б. 120-121)
8. Малинин В.Б., Парфенов А.Ф. Объективная сторона преступления. – СПб.: Издательство Юридического института (Санкт-Петербург), 2004. – С. 32 (Malinin V.B., Parfenov A.F. The objective side of the crime. - St. Petersburg: Publishing House of the Legal Institute (St. Petersburg), 2004.- P. 32).
9. Уголовное право России. Часть Общая. Учебник / отв. ред. Л.Л.Кругликов. – М., 2012. – С. 144 (автор гл. 7 – В. Д. Филимонов) (Criminal law of Russia. Part General. Textbook / отв. ed. L.L. Kruglikov. - М., 2012. - P. 144 (the author of Chapter 7 - V.D. Filimonov).
10. Рарог А.И. Уголовное право России. Части общая и особенная. Учебник для бакалавров. – М.: Проспект. 2020. – С. 68-73.; Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. - 6-е изд. – М.: Проспект. 2017. – С. 77-82 (Rarog A.I. Criminal law of Russia. The parts are common and special. A textbook for bachelors. - М.: Prospect. 2020. - P. 68-73.; A.V. Naumov Russian criminal law. A common part. Lecture course. - 6th ed. - М.: Prospect. 2017.- P. 77-82.)
11. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Жиноят ҳақида таълимот: Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Тошкент: Ўзбекистон

Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – Б. 158 (Rustambaev M.H. Course of criminal law of the Republic of Uzbekistan. And tom. The Doctrine of Crime: A Textbook. 2nd edition, completed and revised. - Tashkent: Military-Technical Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan, 2018. - P. 158.)

12. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: Насаф, 2010. – Б. 169 (Usmonaliev M., Bakunov P. Criminal law. General part: Textbook. - Tashkent: Nasaf, 2010. - P. 169.)

13. Тимейко Г.В. Общее учение об объективной стороне преступления. - Издательство Ростовского университета, 1977. – С. 8 (Timeyko G.V. General teaching on the objective side of the crime. - Rostov University Publishing House, 1977. -- P. 8.)

14. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. – 2-е изд., перераб. и дополн. – М.: «Юрист», 2004. – С. 146 (Kudryavtsev V.N. General theory of classification of crimes. - 2nd ed., Rev. and add. - M.: «Yurist», 2004. - P. 146.)

15. Кузнецова Н.Ф. Проблемы квалификации преступлений: Лекции по спецкурсу «Основы квалификации преступлений» / Науч. ред. и педисл. академика В.Н.Кудрявцева. – М.: издательский Дом «Городец», 2007. – С. 27 (Kuznetsova N.F. Problems of qualification of crimes: Lectures on the special course «Fundamentals of qualification of crimes» / Scientific. ed. and pedisl. Academician V.N. Kudryavtsev. - M.: publishing house «Gorodets», 2007. - P. 27.)

16. Найимов С. Қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари // ю.ф.н. даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2007. – Б.65 (Nayimov.S. Theoretical and practical issues of qualification of actions in competition with criminal law norms // Candidate of Legal Sciences. dissertation for a degree. Tashkent, 2007. - P.65)

17. Худайкулов Ф.Х. Жиноят таркиби объектив томони факультатив белгиларининг назарий жиҳатлари ва ўзига хос ҳуқуқий аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси Ахборотномаси. – Тошкент, 2018. – № 4. – Б. 75–79 (Khudaykulov F.Kh. Theoretical aspects and specific legal significance of the optional features of the objective aspect of the crime // Bulletin of the Academy of the Prosecutor General of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent, 2018. - № 4. - P. 75–79.)

18. Худайкулов Ф.Х. Жиноят объектив томони факультатив белгиларининг ўзаро муносабати ва жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари // Юридик фанлар ахборотномаси. Илмий-амалий ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2018 й. – № 3. – Б. 130–137 (Khudaykulov F.Kh. Interrelation of optional features of the objective side of the crime and criminal-legal aspects // Bulletin of Legal Sciences. Scientific-practical legal journal. - Tashkent, 2018 - № 3. - P. 130–137;)

19. Худайкулов Ф.Х. Жиноят таркибининг объектив томон факультатив белгилари жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида: назарий-амалий муаммо ва ечимлар // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – Тошкент, 2018 й. – № 3. – Б. 83–86 (Khudaykulov F.Kh. Optional features of the crime as an aggravating (qualifying) feature of responsibility: theoretical and practical problems and solutions // Analysis of the legislation of Uzbekistan. - Tashkent, 2018 - № 3. - P. 83–86.)

20. Худайкулов Ф.Х. Жиноят таркиби объектив томони ва унинг факультатив белгилари: назарий-амалий муаммо ва ечимлар // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – Тошкент, 2019 й. – № 1. – Б. 26–35 (Khudaykulov F.Kh. The objective aspect of the crime structure and its optional features: theoretical and practical problems and solutions // Journal of Legal Research. - Tashkent, 2019 - № 1. - P. 26–35;)

21. Худайкулов Ф.Х. Қилмишни квалификация қилишда жиноят таркиби зарурий ва факультатив белгиларининг ўрни: таҳлил ва таклиф // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – Тошкент, 2020 й. – №1, 5 жилд. – Б. 5–14 (Khudaykulov F.Kh. The role of necessary and optional features of the crime structure in the qualification of the act: analysis and suggestion // Journal of Legal Research. - Tashkent, 2020 - №1, 5 vols. - P. 5–14.)

22. Худайкулов Ф.Х. Уголовно-правовые аспекты факультативных признаков объективной стороны преступления при квалификации деяния // Право и жизнь. Независимый научно-правовой журнал // Российская Федерация. Центр публичного права. ISSN 0868-3900. DOI journal 10.26739/0868-3900. – Москва, 2019. – № 2. – С. 115–122 (Khudaykulov F.Kh. Criminal legal aspects of optional features of the objective side of a crime in the qualification of an act // Law and Life. Independent scientific and legal journal // Russian Federation. Center for Public

Law. ISSN 0868-3900. DOI journal 10.26739 / 0868-3900. - Moscow, 2019. - No. 2. - P. 115–122).

23. Khudaykulov F.Kh. Extreme cruelty is as the way of committing crime of murder: theoretical-practical problems and their solutions. // European Journal of Research. <https://journalofresearch.info/> – Vienna, Austria. 2019. Volume 4, Issue 10. – P.8–11. (Impact factor (SJIF: 6.054, IFS 3,8, UIF 2.7);

24. Khudaykulov F.Kh. Force and threat of violence are as the ways of commission of rape // Хуқуқий тадқиқотлар журнали. – Тошкент, 2019 й. – № 8. – Б. 50–54;

25. Худайкулов Ф.Х. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти объектив томони ва унинг факультатив белгилари: таҳлил ва таклиф // Коррупция ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг ҳуқуқий жиҳатлари (республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами). Т.: ТДЮУ, 2019. – Б. 83-88 (Khudaykulov F.Kh. The objective aspect of the crime of money laundering and its optional features: analysis and proposal // Legal aspects of combating corruption and money laundering (Proceedings of the Republican scientific-practical conference). Т.: TDYuU, 2019. - P. 83-88).

26. Худайкулов Ф.Х. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини паймол бўлишини олдини олишда жиноят объектив томони факультатив белгилари жиноят-ҳуқуқий жиҳатларининг ўзига хос ўрни // Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – миллий тикланишдан миллий тараққиёт сари ривожланишнинг мустақкам ҳуқуқий асоси. Республика илмий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: ТДЮУ, 2019. – Б. 259-266 (Khudaykulov F.Kh. The special role of the criminal-legal aspects of the optional features of the objective aspect of crime in preventing the violation of human interests, rights and freedoms // The Constitution of the Republic of Uzbekistan is a solid legal basis for development from national revival to national development. Proceedings of the Republican Scientific Conference. - Т.: TDYuU, 2019. - P. 259-266).

27. Khudaykulov F.Kh. Objective signs of the intentional killing by a way endangering other people's lives: theoretical-practical problems and their solutions // Materials of the XV International scientific and practical Conference Scientific horizons // Sheffield. Science and education LTD/ – Sheffield, England. 2019. Volume 12. – P.119–123.

28. Khudaykulov F.Kh. The way commission of a criminal offence and its criminal legal aspects // Science, research, development #13. Economy/Management. State and Law. Monografia pokonferencyjna. – Berlin, Germany, 2019. – P. 98-101.

29. Khujayev, S. A. (2018). Judgments under the law of the republic of uzbekistan «on banks and bank activity» in the new edition. International Journal of Legal Studies (IJOLS), 4(2), 295-301;

30. Abzalova Kh.M. Criminal and legal definition of murder // Science, research, development #17. Monografia pokonferencyjna. – Belgrade, Serbia, 2019. – P. 349-352;

31. Фазилов Ф.М. COVID-19 и общее понятие детерминант легализации доходов, полученных от преступной деятельности “Юридик фанлар ахборотномаси – Вестник юридических наук – Review of law sciences” (2020, махсус сони) Б.198-203 (Fazilov F.M. COVID-19 and the general concept of the determinants of legalization of proceeds from criminal activity “Bulletin of legal sciences - Review of law sciences” (2020, special issue) B.198-203;);

32. Kurbanov, M (2018) “General description of crimes related to obstruction, unlawful interference in business activity,” ProAcademy: Vol. 1: Iss. 4 , Article 14. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/14>

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

**12.00.09-УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА,
ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА**

Орипов Собирзода Собир ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
хузуридаги Тергов департаменти
бўлим бошлиғининг ўринбосари
E-mail: sobirzoda_@mail.ru

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ
ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

For citation: Oripov Sobirzoda Sobir ogli. FEATURES OF INVESTIGATION OF CRIMES IN THE FIELD OF INFORMATION TECHNOLOGY. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 1, (82-90) pp.

 DOI 10.26739/2181-9130-2021-6-11

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда эътиборга олиниши лозим ҳолатлар ҳамда процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг тактик ва методик усулларини ёритиш мақсадида тайёрланган. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни квалификация қилиш ҳамда ушбу жиноятларни тергов қилишда муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг ўзига хосликлари ёритилган. Мақолада халқаро ва миллий қонун ҳужжатлари тадқиқ қилинган, шунингдек республикамиздаги мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, уларнинг ечимлари илмий-ҳуқуқий доктринал жиҳатдан кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Ахборот, технология, жиноятлар, тергов, кодекс, кўздан кечириш, сўрок.

Орипов Собирзода Собир угли,
Заместитель начальника отдела Следственного Департамента
при Министерстве внутренних Республики Узбекистан
E-mail: sobirzoda_@mail.ru

**ОСОБЕННОСТИ РАССЛЕДОВАНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ В СФЕРЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

АННОТАЦИЯ

Данная статья призвана осветить обстоятельства, которые необходимо учитывать при расследовании преступлений в сфере информационных технологий, а также тактику и методику проведения процессуальных действий. Описана специфика квалификации преступлений в сфере информационных технологий и осуществления отдельных процессуальных действий при их расследовании. В статье исследуется международное и национальное законодательство, а также анализируются существующие в стране проблемы, по которым предлагаются научные и правовые решения.

Ключевые слова: Информация, технология, преступление, следствие, кодекс, осмотр, допрос.

Oripov Sobirzoda Sobir ogli,

Deputy Head of division of Investigative Department
at the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
E-mail: sobirzoda_@mail.ru

FEATURES OF INVESTIGATION OF CRIMES IN THE FIELD OF INFORMATION TECHNOLOGY

ANNOTATION:

This article is intended to shed light on the circumstances that must be taken into account when investigating crimes in the field of information technology, as well as tactical and methodological methods of procedural actions. The specifics of qualification of crimes in the field of information technology and the implementation of certain procedural actions in the investigation of these crimes are described. The article examines international and national legislation, as well as analyzes the existing problems in the country and offers scientific and legal doctrinal solutions.

Keywords: Information, technology, crime, investigation, code, inspection, interrogation.

Бугунги шароитда ахборот коммуникация технологияларисиз кундалик ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин ва улар жамиятнинг турли соҳаларини ривожлантириш учун хизмат қилмоқда. Ахборот технологиялари жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ва айрим ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Давлат ва жамият бошқаруви соҳасига замонавий ахборот-коммуникация тизимларини жорий этиш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар ва ўзгаришларни самарали амалга оширишнинг муҳим омили шарт ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши курашишда қатор муаммолар мавжуд[1]. Жумладан, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жорий этилаётган аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотларни экспертиза ва сертификациядан ўтказиш тизимидаги камчиликларнинг мавжудлиги, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги назорат тизими [10], муҳим ахборот инфратузилмасининг мукамал эмаслиги, бундан ташқари бузғунчи кучларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фаол фойдаланиши аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг дунёқараши ва онгига салбий таъсир кўрсатаётганлиги, шунингдек, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш ва миллий ахборот маконини ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари жорий қилинмаганлиги қабилар ушбу соҳада жиддий ташвиш туғдирувчи ҳолатлар саналади.

Жамият ҳаётининг муайян соҳаси ривожланиши билан янги технологиялардан яширинча (қонунга ҳилоф тарзда) фойдаланишни истовчилар пайдо бўлади. Статистик маълумотлар ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардан етказилаётган моддий зарар йил сайин кўпайиб бораётганидан далолат бермоқда. Гап шундаки, компьютер техникаси такомиллашиб боргани сайин, у билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиш усули ҳам мураккаблашиб бормоқда.

Телекоммуникация тармоқларининг таркибий қисмлари ишига, улар муҳитида ишловчи компьютер дастурларига ғайриқонуний аралаштириш, компьютер ахборотини қонунга ҳилоф равишда модификациялаштириш ва йўқ қилиб юбориш давлат инфратузилмасининг ниҳоятда муҳим элементлари фаолиятларини бузиши мумкин ҳамда бу кўплаб одамларнинг ҳаётига хавф туғдириши, катта миқдорда мулкӣ зарар етказилиши ёки бошқа оғир оқибатларнинг келтириб чиқариш хавфини туғдиради. Вирусли ва бошқа турдаги компьютер ҳужумлар сони борган сари кўпайиб бораётган, уларни автоматлаштириш механизмлари яратилаётган, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, давлат ҳокимияти органлари ахборотдан фойдаланиш ва уни айирбошлашнинг электрон воситаларига жуда боғлиқ бўлиб қолган шароитда ахборот

тизимларига ҳужумларнинг амалга оширилишидан кўрилатган зарар улкан миқдорни ташкил этмоқда. Ушбу турдаги жиноятчиликка самарали қарши курашда содир этилган ахборот технологиялари соҳасига оид жиноятни аниқлаш, жиноят содир этган шахснинг айбини фош этиш ва уни жавобгарликка тортиш масаласининг ижобий ҳал этилиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай натижаларга эришиш соҳа вакилларида ушбу йўналишда зарур билим ва кўникмаларга эга бўлишларини талаб қилади. Жумладан, ахборот технологиялари соҳасида ёки ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўзлаштириш ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган масъул шахслар ишида самарадорликка эришишнинг гарови ҳисобланади. Ҳар қандай жиноят содир этилганида, уни сифатли тергов қилиш учун ўша жиноятнинг таркибини мукамал билишни талаб этади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар нафақат интеллектуал мулк дахлсизлигини бузиш, балки фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш, бевосита зарар ва олинмаган фойда кўринишида мулкий зарар етказилиши, корхона, муассаса, ташкилот обрўсининг тўкилиши, улар ҳуқуқий фаолиятини бузишнинг ҳар хил турлари ва бошқалардир. Бу турдаги жиноятлар ахборот технологияларидан қонуний, хавфсиз фойдаланиш борасидаги муносабатлар билан тенг равишда, шахснинг шахсий ҳаётига оид ҳуқуқига тажовуз қилади.

Жиноят процессининг телекоммуникация таъминоти деганда, жиноий процесси иштирокчилари фойдаланадиган воситалар ва криминалистик аҳамиятга молик бўлган маълумотларнинг узатилишини таъминловчи, шунингдек шахсий, давлат ёки вакиллик (ҳимоя) ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур ахборот ва ҳуқуқий шароитларни яратувчи усуллар, жараёнлар, дастурий таъминот ва техник воситалар мажмуи тушунилади. [2, Б.11]

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг мазмуни ҳақида олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилган. Жумладан, А.Расулев ахборот соҳасидаги жиноятларга ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги ижтимоий муносабатларга жиддий зиён ёки моддий зарар етказадиган ёхуд уларни етказиш хавфини яратадиган ижтимоий хавфли қилмишлар сифатида таъриф беради [3, Б.16]. Р.Кабулов ва Э.С.Абдурахмановларнинг фикрича, компьютер ахборотларидан ҳуқуқий ва хавфсиз фойдаланишдаги ижтимоий муносабатларга зарар етказиш ёхуд зарар етказиш хавфини келтириб чиқарувчи, айбли, жиноий жазога сазовор ижтимоий хавфли қилмиш ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар дейилади [4, Б.14]. Ушбу фикрларга кўшилган ҳолда, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ахборот технологияларидан фойдаланиш ва ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга тажовуз туғдирувчи ижтимоий хавфли қилмишлар эканлигини қайд этиш жоиз.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг умумий объектини жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатлар, махсус объектини жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига оид, турдош объектини ахборот технологияларидан қонуний ва хавфсиз фойдаланиш борасидаги ижтимоий муносабатлар мажмуи ташкил қилади. Ушбу турдаги жиноятларнинг бевосита объекти эса алоҳида жиноят туридан келиб чиқади.

Ахборот **жиноят объекти** бўлиши мумкин деган қараш тарафдорлари фикрича ахборот, шу жумладан, компьютер ахбороти жамият учун яратилган қулайликдир, шу сабабли улар ноқонуний йўқ қилинганда ёки модификациялаштирилганда зарар кўрилиши айти ҳақиқатдир. Аммо компьютер ахбороти (масалан, сир сақланадиган маълумотлар) қонунга хилоф тарзда нусха кўчирилиши ва улар тўсиб қўйилиши мумкин. Бунда ахборот ўзи асло зарар кўрмайди. Ваҳоланки, жиноят объекти доимо зарар жиноий қилмишдан зарар кўради, акс ҳолда, жиноят таркиби мавжуд бўлмайди. Чунки биринчи ҳолда ахборот қонуний эгасининг ундан монополь фойдаланиш муносабатларига, иккинчи ҳолда эса бевосита қонуний ва хавфсиз фойдаланиш муносабатларига зарар етади. Шунга кўра, компьютер ахбороти ўз-ўзича ҳар доим ҳам зарар кўрмайди, аммо барча ҳолларда ундан фойдаланиш муносабатлари бузилади деган хулосага келиш мумкин [5, Б.10].

Жиноят-ҳуқуқий ёндашувга кўра, компьютер ахбороти ёки рақамли маълумотлар ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг предмети ҳисобланади. Компьютер ахбороти рақамли дастурий аппаратлар ёрдамида ишлов бериладиган ва фойдаланиладиган ҳамда шахслар, нарсалар, фактлар, ҳодисалар, воқеалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотларга, шунингдек ундан фойдаланиш режими (тартиби)ни белгилаган мулкдорнинг идентификациявий

атрибутиларига эга рақамли аппаратлар дастурлари ва маълумотлар базаларидир. Рақамли аппаратлар дастурлари ва маълумотлар базалари ҳам жинойи-ҳуқуқий муҳофаза этилиши керак. Рақамли аппаратлар дастурлари бир томондан ахборотга таъсир кўрсатиш воситаси бўлса, бошқа томондан командалар ва маълумотлар мажмуидан иборат ахборотдир. Яъни уларга муайян икки томонламалик хос. Бу эса рақамли аппаратлар дастурини ахборот турларидан бири сифатида талқин этиш учун асос бўлади.

Компьютер ахбороти ахборот ташувчисиди, рақамли аппаратларда, рақамли локал ёки глобал тармоқда бўлиши мумкин.

Ахборот ташувчиси – компьютер ахборотини доимий сақлаш ва ташиш учун мўлжалланган қурилма ёки мосламалардир.

Рақамли аппаратлар микропроцессор ҳамда аппаратнинг ақилли ишлаши учун алоҳида функцияларни бажарувчи махсус ички ёки ташқи қурилмаларни ўз ичига оладиган воситалар (мисол учун, система блоки, клавиатура ва монитор кабилар)дан иборатдир.

Ахборот жисмлари деганда, ахборотни электрон-ҳисоблаш техникаси воситаларида акс эттириш, сақлаш ва ўқиш имконини берувчи физик хоссаларга (шу жумладан физик майдонларга) эга бўлган нарсалар ва қурилмалар тушинилади [Б.252].

Ахборот технологиялари соҳасидаги **жиноятларнинг объектив томони** аксарият ҳолларда моддий таркиб сифатида ифодаланади. Шу боис нафақат ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилиши, балки ижтимоий хавфли оқибатларнинг юз бериши, шунингдек қилмиш билан юз берган оқибат ўртасидаги сабабий алоқа аниқланиши ҳам назарда тутилади. Жиноятларнинг алоҳида таркиблари (ЖК 278³, 278⁶ ва 378⁷-моддалар) қонунда формал таркиб сифатида ифодаланган. Уларнинг тугаш пайти сифатида, оқибатлари қачон юз беришидан қатъий назар, ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг содир этилиш вақти кўрсатилган. Ижтимоий хавфли қилмишларнинг ўзи асосан ҳаракатлар шаклида намоён бўлади ва баъзан ҳаракатсизлик бўлиши мумкин. Бир ҳолатда жиноят таркиби объектив томонининг бундай белгиси, жиноятни содир этиш усули сифатида, асосий ва оғирлаштирувчи ҳолатларга эга таркибларининг мажбурий белгиси сифатида ифодаланади. Қолган ҳолларда жиноят таркиби, шунингдек содир этилиш жойи, вақти, қуроли, воситалари, вазияти айбни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олинishi мумкин.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар турли рақамли ускуналар, уларнинг воситалари, периферия (атроф) қурилмалари ва алоқа линияларидан ёки бошқа рақамли макондан фойдаланишга имкон берувчи ускуналарни қўллаган ҳолда содир этилади. Бу, ўз навбатида, жиноятнинг содир этилиш жойи ҳақидаги масаланинг қўйилишига сабаб бўлади. Дунёнинг деярли барча мамлакатларидаги вакилларни Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғининг яратилиши қилмишни зарарли оқибатлар келиб чиқадиган жойдан узоқда содир этишга ҳам имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддаси 1-қисмига мувофиқ жиноятнинг содир этилиш вақти қандай (формал ёки моддий таркибли) жиноят содир этилганлигига қараб аниқланади. Формал таркибли жиноятнинг содир этилиш вақти деб ижтимоий хавфли қилмиш амалга оширилган вақтни, моддий таркибли жиноятнинг содир этилиш вақти деб эса жиноят қонунда назарда тутилган жинойи оқибатларнинг юз бериш вақтини тан олиш лозим[5]. Бинобарин, ахборот технологиялари соҳасидаги формал таркибли жиноятларнинг содир этилиш жойи – ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган давлат ҳудуди, моддий таркибли жиноятнинг содир этилиш жойи эса оқибатлар юз берган (ахборот йўқ қилиб юборилган, модификациялаштирилган, тўсиб қўйилган, нусха кўчирилган) мамлакат ҳудуди ҳисобланади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги **жиноятларнинг субъектив томони** айбнинг тўғри ёки эгри кўринишидаги қасд шакли билан тавсифланади. Фақатгина битта жиноят, яъни ахборотлаштириш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи ЖК 278¹-моддасидаги жиноят ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик туфайли содир этилиши мумкин.

Қонун чиқарувчи томонидан иккита жиноят учун, ЖК 278³ ва 278⁶-моддаларида жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида мақсад белгиланган. Бошқа ҳолатларда мотив ва мақсад жиноятларнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатилмаган, лекин уларнинг белгиланиши жазони индивидуаллаштириш учун катта аҳамият касб этади. Ушбу жиноятлар ғаразли ёки бошқа паст ниятларда, бошқа жиноятни содир этишни осонлаштириш мақсадида, шунингдек, сиёсий ва бошқа манфаатлар мотивида содир этилиши мумкин.

Ахборот технологиялари соҳасидаги **жиноятларнинг субъекти** ақли расо, 16 ёшга тўлган, ахборотларни кўриқлаш мажбуриятига эга ёки компьютер ахборотларига қонунга ҳилоф равишда кирган шахслар ҳисобланади.

Сўнгги пайтларда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар йирик ташкилотлар, корхоналар ва компанияларга нисбатан содир этилиши билан бир қаторда жисмоний шахсларга нисбатан ҳам содир этилиши ҳолатлари кўп учрамоқда. Шу жумладан, давлат ташкилотларининг ахборот тизимига кириб бу тоифадаги жиноятларнинг содир этилиши уларнинг сиёсий-иқтисодий манфаатлар билан боғлиқлигини намоён этади. Ушбу турдаги жиноятларни содир этиш мотиви асосан моддий манфаатга эга бўлиш ҳисобланади. Мақсади эса маълум, компьютер тизимини ишдан чиқариш, ахборотга эга бўлиш ёки ахборотни ўзгартириш.

Психофизиологик тавсиф нуқтаи назаридан, улар ижодкор шахс, мутахассис, техник чакирувга таваккал бора олувчилар. Ҳозирги кунда йирик компаниялар тажрибали хаккерларни ахборот ва компьютер тизимларига ҳимоя тизимини яратиш мақсадида ишга олишга ҳаракат қилмоқдалар. Эксперт тадқиқот материалларидан хулоса қилиш мумкинки, жиноят содир этиш вақтида 20 ёшга етмаганлар 33%, 20 – 40 ёшдагилар 54 %, 40 ёшдан ошганлар 13 %ни ташкил этган. Ўтказилган тадқиқот натижалари хаккерларни 13 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил қилади деган тахминларни инкор этади. Компьютер технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги жиноятларни эркаклар беш мартагача кўп содир этишади. Бундай жиноятлар субъектининг кўпчилиги олий ёки тугалланмаган олий техник маълумотлилар (53,7%), қолганлари эса олий маълумотлилар, шунингдек тугалланмаган олий маълумотлилар (19,2%) ҳисобланишади.

Сўнги вақтларда уларнинг сафида аёлларнинг улуши ортиб бормоқда. Бу аксарият ҳолларда аёллар томонидан (котиба, ҳисобчи, иқтисодчи, менежер, газначи, назоратчи кабилар) компьютер асбоб-ускуналари билан боғлиқ кўпгина иш жойлари, мутахассисликлар ва мансабларнинг эгалланиши билан боғлиқдир. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, жиноятчиларнинг 52% ини компьютер ахборотларини ишлаб чиқиш соҳасида махсус тайёргарлик кўрганлар; 97% ини кундалик иш фаолиятида компьютер тизими ва ахборот технологияларидан фойдаланувчи давлат ташкилоти ва муассасаларининг ходимлари; 30%ини компьютер техникаларини эксплуатация қилишга бевосита муносабатда бўлган ҳуқуқбузарлар ташкил этади[5]. Умуман олганда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни содир этувчи шахсларнинг доираси нисбатан кенг. Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, жиноят субъектлари жамиятнинг турли қатлам вакиллари билан, 16 дан 60 ёшгача, тайёргарлик даражаси эса – тажрибасизлардан тортиб, мутахассисларгача ёки компьютер техникаси соҳасида минимал билимга эга бўлган барча ёшдаги шахслар бўлиши мумкин. Содир этиш усули сифатида компьютер техникасидан, тармоқдан, интернет тизимидан фойдаланиб, бир гуруҳ бўлиб содир этилиши учрамоқда. Одатда жиноят содир этишда уни содир этувчи гуруҳ аъзолари турли ҳудудларда, баъзан бир нечта давлатлар ҳудудида ҳаракатланадилар.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хослигини куйидагиларга ажратган ҳолда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:

1. Жиноятлар содир этилганлигини ёки унга суиқасд қилинганлигини аниқлаш;
2. Жиноят белгиларини аниқлаш ва расмийлаштириб олиш, жиноят иши кўзғатиш;
3. Жиноят оқибатида бузилган ижтимоий муносабатлар доирасини, объекти, предметини, кимга ва қандай зарар етказилганлигини аниқлаш;
4. Жиноят содир этган шахсни (шахсларни аниқлаш) ва уларнинг айбини фош этиш;
5. Зарур ҳолларда бу борадги зарур билим ва малакага эга бўлган мутахассисларни жалб этиш

Мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишнинг деярли барча босқичларида ахборот технологиялари ва алоқа тизимлари соҳасида кучли билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассиснинг ёрдами жуда зарур бўлади. Бундай мутахассислар нафақат махсус билимлари билан тергов жараёнига кўмаклашиши, балки махсус воситалардан самарали фойдаланиш, жиноят излари бўлиши мумкин бўлган жойларни ва объектларни аниқлаш ва уларни кўздан кечиришни бевосита бирга амалга ошириб беришлари мумкин.

Ушбу турдаги жиноятлар содир этилганлигини аввало компьютер воситаси, тармоғи тизимидаги носозлик, ишлаш жараёнидаги узилишлар, айрим дастурий командалар нотўғри бажарилиши ёки бажарилмаслиги, ахборотга ишлов беришдаги нуқсонлар, ахборотнинг

йўқолиши, ўзгариши ва шунга ўхшаш ҳолатлар юзага келиши ҳолатларини ўрганиш орқали аниқлаш мумкин. Жиноят содир этилганлигини, шунингдек жиноят иши кўзғатиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва уларни фош этиш учун аввало компьютер техникаси ёки тармоғини кўздан кечириш, тегишли экспертиза ўтказиш керак бўлади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда ҳам бошқа жиноятлар каби аввало нималар исботланиши кераклигини аниқлаштириш ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг мақсад мувофиқ бўлишини таъминлайди. Жумладан, жиноят ходисаси юз берган юз бермаганлигини, юз берган бўлса жиноятми ва айнан қайси жиноятлигини, жиноят иши кўзғатиш керак ёки иш кўзғатишни рад этиш кераклигини, иш кўзғатиладиган бўлса, жиноятни ким содир этганлигини, жиноят содир этган шахснинг айби бор ёки йўқлигини, агар айби бўлса қасд ёки эҳтиётсизликми, мотив ва мақсади, жиноят натижасида келиб чиққан оқибат нималардан иборатлигини, оқибат ва содир этилган ҳаракатлар ўртасидаги сабабий боғланишни, шунингдек жиноят содир этиш вақти, жойи, усули, бошқа хусусиятлари, сабаблари ва жиноят содир этилишига олиб келган шарт-шароитлар исботланиши керак.

Бунинг учун биринчи галда, процессуал ҳаракатларнинг ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона олиб борилишини таъминлашга эътибор қаратиш [6], иш учун аҳамиятга молик бўлган ҳар ҳолат ва ашёларни синчиковлик билан ўрганиш шарт. Зеро, бу турдаги жиноятлар содир этилганлиги ҳамда уларни содир этган шахснинг келгусидаги айбдорлик масаласи бевосита процессуал жараённинг дастлабки вақтларида расмийлаштирилган далиллар базасига таянади.

Ўзбекистон Республикасида ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари оммавий ҳамда хусусий мулк бўлиши мумкин.[7]

Ушбу ҳолатларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга хос кўринишларини ёритадиган бўлсак, судга қадар иш юритишда дастлаб Жиноят кодексининг 278¹-278⁷-моддасидан айнан қай бири содир этилганлигини аниқлаш зарур. Ушбу жиноятлар ўзаро ўхшаш бўлганлиги боис исботланиши талаб этиладиган ҳолатларни умумий тарзда ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Бундай тоифа жиноятларни тергов қилишда ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар жараёнида қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

1) ахборотлаштириш қоидаларини бузилган ёки бузилмаганлиги;

Бунда белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган ёки бўлмаганлигига баҳо берилади.

2) компьютер ахборотидан, яъни рақамли ахборот қурилмалари ва уларнинг таркибий қисмлари, ахборот тизимлари, тармоқларидаги виртуал ёки рақамли маълумотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланилган ёки йўқлиги;

Ўз навбатида, ушбу ҳаракат электрон ахборотнинг йўқ қилиниши, беркитилиши, қайта ишланиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, кибернетик қурилмалари, ахборот тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига олиб келганлиги ёки олиб келмаганлиги ўрганилади.

3) ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситалари (ўтказиш мақсадини кўзлаб) тайёрланганлиги ёхуд ўтказилганлиги ва тарқатилганлиги ҳолати мавжудлиги ёки йўқлигини;

4) кибернетик маълумотларнинг қайта ишланганлиги (компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш) фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлганлиги ёки ушбу ҳаракат ва/ёки унинг оқибатлари йўқлигини;

5) ўзганинг кибернетик ускунаси қасддан ишдан чиқарилганлиги, худди шунингдек компьютер тизими бузилганлиги;

6) компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган электрон ахборот рухсатсиз йўқ қилиб юборилганлиги, тўсиб қўйилганлиги, ўзгартирилганлиги, ундан нусха кўчириш ёки

уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурлари яратилганлиги ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритилганлиги, худди шунингдек махсус вирус дастурлари ишлаб чиқилганлиги, улардан қасддан фойдаланилганлиги ёки улар қасддан тарқатилганлигини;

7) ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланилганлиги, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситалари қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақланганлиги ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратилганлиги.

Бунинг учун ҳодиса содир бўлган жой, шунингдек ашёвий далил тариқасида олинган махсус кибернетик воситаларни ҳамда улар аниқланган объектларни кўздан кечиришда синчковлик билан юқорида қайд этилган ҳолатлар бор ёки йўқлигига эътибор қаратиш шарт.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни бошлашдан аввал жой, у ердаги кибернетик воситалар, улар турган жой, локал ёки глобал тармоқ сервери, электр токи манбаига уланиш нуқталари қўриқланиши таъминланиши керак. Компьютер ёки бошқа кибернетик восита кўздан кечириш аввалида электрга ва тармоққа уланган (ишлаб турган) ҳолатда бўлса, статик ҳолатда кўздан кечириш тугагунга қадар шу ҳолатда қолдирилиши керак. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда жойга кириб чиқиш йўллари, мавжуд жиҳозларга, уларнинг ўзаро жойлашувига, компьютернинг интернетга уланиш имкониятлари мавжудлигига, (кибернетик воситаларнинг ишлаб чиқарилишига оид техник ҳужжатларига), компьютер воситасигача бўлган йўлакдаги қолган изларга, хонанинг қўриқлаш сигнализациясига, жойда кузатув камералар ўрнатилганлигига эътибор қаратиш зарур. Ҳодиса содир бўлган жойдаги умумий ҳолат, у ерда аниқланган иш учун аҳамиятли нарсалар ва излар умумий тарзда кўздан кечирилиб баённомада қайд этилганидан сўнг, алоҳида компьютер воситаси ёки унинг қисмларини деталли кўздан кечиришга киришилади, бунда шу соҳада билимларга эга мутахассис ёрдамидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Алоҳида компьютер воситаси ёки унинг қисмларини кўздан кечиришда уларнинг жойлашган ўрни ва бошқа жиҳозлар ва нарсаларга нисбатан жойлашувига, бир бирига, тармоққа ва электр манбаига уланишига, монитордаги фаол ойналар, очилган файллар, ишлаб турган файллар, принтерда чиқарилган ҳужжатлар, турли излар, техник воситаларнинг ҳарорати, овоз чиқариши, симлар ҳолати ва хусусиятлари, воситаларнинг русуми, ишлаб чиқарилган йили, маркаси, модели, ёқилган ёки ўчирилганлиги, воситаларнинг техник ҳолати, электр токи манбаининг тури, тактик-техник тавсифи, ҳолати, компьютерга қўшимча қурилмалар улаш, тармоққа уланиш шароитлари, ахборот ташувчи воситалар, воситалар ва қисмларнинг бутунлиги, эскириш ёки таъсирланиш излари, компьютер воситаси конструкциясидаги ўзгаришлар, бузилишлар, унда мавжуд маълумотлар, маълумотларнинг хусусиятлари, воситалардаги бармоқ излари, бошқа биологик излар, мато парчалари, компьютер ёки бошқа қурилмалар ва қисмларнинг ишлаш хусусиятлари, рухсатсиз киришдан ҳимоя воситалари мавжудлиги, воситалардаги ўлчаш дастурларининг кўрсаткичлари ва шу каби аҳамиятли жиҳатларга эътибор қаратиш зарур. Ахборот ташувчиларни кўздан кечиришда унинг русуми, ўлчамлари, техник хусусиятлари, техник тавсифи, серия рақами, корпусидаги излар, шикастланишлар, рухсатсиз фойдаланишга қарши қилинган индивидуал ҳимоя белгилари ва воситалари мавжудлиги, индивидуал ҳимоя белгилари ва воситаларини сохталаштириш излари, ярқилиги, ишдан чиққан қисми, ундаги мавжуд маълумотлар, тури, ҳажми мазмуни ва бошқа хусусиятлари, бошқа изларга эътибор бериш талаб этилади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда рақамли ахборотни кўздан кечириш ўзига хос мураккабликларга эга. Бунда албатта мутахассис иштирокига зарурат туғилади. Рақамли ахборотни кўздан кечиришдан кўзланадиган мақсад жиноят изларини ўзида сақловчи исботлов базасини аниқлаш ҳисобланади. Шунингдек, кўздан кечиришда рақамли ахборотнинг тури, номи, ҳажми, хусусиятлари ва қандай хотира ускунасида жойлашганлиги, маълумотнинг ёзилиш шакли, формати, кодланганлиги, умумий тушунарли эканлиги ёки махсус рақамлар комбинацияси (пароль)дан ифодаланганлиги, ўзгартирилган санаси, ахборот эгаси (ижрочиси) ҳақидаги маълумотлар, ахборот мазмуни ва бошқа аҳамиятли жиҳатларга эътибор қаратиш зарур.

Кўздан кечириш жараёнида аниқланган иш учун аҳамиятли нарсалар, излар ва ашёлар кейинчалик экспертиза ўтказиш учун белгиланган тартибда олинади. Ахборот технологиялари соҳасида жиноятларни тергов қилишда компьютер-техник ва дастурий-техник экспертизалар тайинланади. Мазкур экспертиза тайинланиши ва ўтказилишидан мақсад қайд этилган

жиноятлар содир этилганлиги, уни содир этиш усуллари, вақти ва бошқа хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади. Экспертиза ҳал этиши учун қуйидаги мазмундаги саволларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

- 1) ахборотлаштириш қоидаларини бузилганми?
 - 2) компьютерга, тизимга ёки унда базага муайян вақт оралиғида кирилганми, кирилган бўлса неча марта ва қандай усулда кирилган?
 - 3) тақдим этилган дастурий ёки аппарат воситалари ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (руҳсатсиз) фойдаланиш имконини берадими? Агар шундай имкон яратса унинг ишлаш механизми қандай?
 - 4) тақдим этилган компьютер ахбороти қайта ишланганми? Модификациялаштириш вақти ва хусусиятлари қандай бўлган?
 - 5) тақдим этилган кибернетик ускуна (қисми, қурилмаси) фойдаланишга яроқлими? Яроқсиз бўлса қачондан яроқсиз ҳолга келган? Компьютер тизимига бузиб кирилганми? Бузиб кирилган бўлса, бузиб кириш қандай содир этилган, қачон ва неча марта?
 - 6) тақдим этилган компьютер дастури компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотдан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш имконини берадими ёки у махсус вирус дастурими?
 - 7) тақдим этилган кибернетик ускуна хотирасида аввал сақланган рақамли маълумотларни файта тиклаш имконияти мавжудми?
- Унда қандай маълумотлар бор?
- 7) тақдим этилган махсус дастурий ёки аппарат воситалари ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш имконини берадими? Компьютерда ёки боқа ахборот коммуникация воситасида ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш учун шароитлар яратилганми?

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда энг муҳим асосий тергов ҳаракати сўроқ қилиш ҳисобланади. Суришитрув ёки терговчи иш бўйича шахсни сўроқ қилишдан олдин, унга алоҳида пухта тайёргарлик кўриши, унда ушбу йўналиш бўйича махсус билимлардан фойдаланиши ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб аниқлаштирилиши керак бўлган саволларни олдиндан тайёрлаб қўйиш керак.

Сўроқ жараёнида жиноят содир этилганлиги, тафсилотлари, вақти, жойи, усули, мотиви, мақсади, келиб чиққан оқибат, жиноят изларини яширишга қаратилган ҳаракатлар, жиноят содир этилиши натижасида қўлга киритилган ахборотдан қандай фойдаланилганлиги, жиноят ҳақида маълумотга эга бошқа шахслар, жиноят излари мавжуд объектлар ва предметлар, улар жойлашган жойлар ҳақида саволлар берилиши ва тегишли жавоблар (кўрсатувлар) олиниши мақсадга мувофиқ. Заруриятга кўра, сўроқ қилиш давомида махсус билимларга эга бўлган мутахассисни ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4024-сон қарори. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 21, 2018 No PP-4024 “On measures to control the introduction of information technology and communications, to improve the system of their protection.”) <https://lex.uz/docs/4071401>
2. Клементьев А.С. Телекоммуникационное обеспечение уголовного процесса: Диссертация. В–2007. – С 11 (Klementyev A.S. Telecommunication support of criminal procedure: Dissertation. IN 2007. - P. 11)
3. Расулев А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича докторлик (DSc). ... дис. автореф. – Т., 2018. 16-бет (Rasulev A.K. Improving criminal law and criminological measures to combat crime in the field of information technology and security: Doctorate in Law (DSc). ... Dis. avtoref. - T., 2018. p.16)
4. Кабулов Р.К., Абдурахманов Э.С. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. 16-бет (Kabulov R.K., Abdurakhmanov E.S. Information Technology Crimes: A Textbook. - T.: Academy of the Ministry

of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2009. 16 pages)

5. Уголовное право. Общая часть / А.С.Якубов, Р. Кабулов и др. – Т., 2005. – С. 112–119 (Criminal law. General part / A.S. Yakubov, R. Kabulov and others - T., 2005. - P. 112-119)

6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм / М.Ҳ.Рустамбаев – Т., 2018. – С. 252 (Course of Criminal Law of the Republic of Uzbekistan. Special part / M.H.Rustambaev - T., 2018. - С. 252)

7. Крылов В.В. Информационные компьютерные преступления: Учебное и практическое пособие. – М., 1997. – С. 40-44; Богомолов М.В. Уголовная ответственность за неправомерный доступ к охраняемой законом компьютерной информации. – Красноярск, 2002. – С, 8 – 14; 62–64 (Krylov V.V. Information Computer Crimes: Educational and Practical Guide. - M., 1997. - S. 40-44; Bogomolov M.V. Criminal liability for illegal access to legally protected computer information. - Krasnoyarsk, 2002. - С, 8 - 14; 62-64-p.)

8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. 22, 37, 39, 94-моддалар. (Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan. September 22, 1994. Articles 22, 37, 39, 94.)

9. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 9-модда. (Law of the Republic of Uzbekistan dated December 11, 2003 No. 560-II “On informatization”. Article 9)

10. Khamidov Nurmukhammad Orif ugli. The concept of smuggling and social necessity of criminal liability for smuggling. Journal of Law Research. 2019, 9 vol., issue 1, pp. 94-102

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

Шарипов Улмас Ҳамроевич,
“Law Protect” адвокатлик фирмаси адвокати,
E-mail: ulmas_sharipov@mail.ru

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА УШЛАБ ТУРИШНИНГ АМАЛИЙ ТАВСИФИ

For citation: Sharipov Ulmas Khamroevich. PRACTICAL DESCRIPTION OF DETENTION IN CRIMINAL PROCEEDINGS. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 1, (91-96) pp.

 DOI 10.26739/2181-9130-2021-6-12

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолани ёзишдан мақсад, ҳозирги кунда амалиётда терговга қадар текширув амалга оширувчи ва дастлабки терговни олиб боровчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан Жиноят процессуал кодексига белгиланган ушлаб туриш тартибига қатъий риоя қилинмаётганлиги, айнан ушлаб турилган шахсларнинг ушлаб туриш учун асос етарли бўлмаса-да, гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан ушлаб туриш тўғрисида қарор қабул қилиб, гўёки ушбу “усул” орқали дастлабки терговни ишини осонлаштириш, яъни жиноятни очиш ва гумон қилинган, айбланган шахсларни айбини исботлаш воситаси сифатида фойдаланиши оқибатида жиноят процесси иштирокчиси ҳисобланган гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини поймол қилиниши ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Ушбу ҳолатларни олдини олиш ва қонун ҳужжатида ўзгартириш киритиш мазкур мақолани ёзишдан кўзланган асосий мақсад ҳисобланади.

Калит сўзлар: ушлаб туриш, дастлабки тергов, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, далиллар.

Шарипов Улмас Ҳамроевич,
адвокат адвокатской фирмы «Law Protect»
E-mail: ulmas_sharipov@mail.ru

ПРАКТИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ СОДЕРЖАНИЯ ПОД СТРАЖЕЙ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

АННОТАЦИЯ

Цель написания этой статьи - показать, что на практике правоохранительные органы, проводящие досудебное расследование и предварительное следствие, не строго соблюдают порядок содержания под стражей, установленный Уголовно-процессуальным кодексом, хотя оснований для задержания задержанных недостаточно. путем принятия решения о задержании обвиняемого, якобы путем содействия первоначальному расследованию с помощью этого «метода», т.е. путем нарушения прав и интересов подозреваемых и обвиняемых, участвующих в уголовном производстве, в результате раскрытия и использования преступления. как средство доказательства вины обвиняемого. Основная цель написания этой статьи - предотвратить подобные случаи и внести изменения в законодательство.

Ключевые слова: содержание под стражей, предварительное следствие, подозреваемый, обвиняемый, подсудимый, доказательства.

Sharipov Ulmas Khamroevich,
Attorney at the law firm “Law Protect”
E-mail: ulmas_sharipov@mail.ru

PRACTICAL DESCRIPTION OF DETENTION IN CRIMINAL PROCEEDINGS

ANNOTATION

The purpose of writing this article is to show that in practice the law enforcement agencies conducting pre-trial investigation and preliminary investigation do not strictly follow the detention procedure established by the Code of Criminal Procedure, although the grounds for detaining detainees are not sufficient. by deciding to detain the accused, allegedly by facilitating the preliminary investigation through this “method”, ie by violating the rights and interests of the suspects and accused persons involved in the criminal proceedings as a result of the discovery of the crime and the use of the accused as a means of proving guilt being put. The main purpose of writing this article is to prevent these cases and to amend the legislation.

Keywords: detention, preliminary investigation, suspect, accused, defendant, evidence.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқлигини, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусияти эканлигини таъкидлади. [1]

Ҳақиқатдан ҳам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев айтганларидек мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш Республикаимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар самараси бўлиши лозим [10].

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жинойят жазовулардан ҳимоя қилишнинг ишончли қафолатларини таъминлашга, шунингдек, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосига қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принциплар пойдевор қилиб қўйилган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва шаффофлигини ошириш, «Хабеас корпус» институтини қўллашни кенгайтиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бироқ жиноят процессида, яъни жиноят процессининг босқичи ҳисобланган терговга қадар текширув ва дастлабки тергов даврида жиноят процессига жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол қилиш ҳолатлари, жумладан жиноятларни очиш ва гумон қилинган ҳамда айбланган шахсларнинг айбини исботлаш учун уларга нисбатан асоссиз ва ноқонуний равишда процессуал мажбурлов чораларини қўллаш каби эскирган тергов қилиш усулларини қўллаш ҳолатлари жуда кўп учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига кўра, Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. [2]

Мазкур моддада назарда турилган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган ҳуқуқлари *шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар* ҳамда *ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар* каби турларга бўлинади [9].

Ушбу моддада фуқаролар деб, яъни Ўзбекистон Республикасида фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар назарда тутилган.

Конституциямизда назарда тутилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар эга бўлади ва ундан фойдаланади.

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлардан фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фойдалана олади.

Конституциямизда “Фуқароларнинг конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларидан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас” [2] деб белгиланган қатъий нормага жиноят процесси иштирокчиси ҳисобланган терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва судлар ҳар доим оғишмай амал қилиш лозим.

Ушбу нормадан ҳар қандай чекинишга йўл қўймаслик, ушбу ҳолат рўй берганда содир қилган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чора кўриш ва мазкур ҳолатларни олдини олиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилмасликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари суд қарори чиққунига қадар, яъни терговга қадар текширув ва дастлабки тергов даврида чеклаб қўйилиши мумкин.

Жиноят процессига жалб этилган шахслар ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажармаса, уларга нисбатан процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин. Чунки мажбурлов чоралари муҳим процессуал ҳаракат ҳисобланиб, фуқароларнинг шахсий, мулкӣ ва бошқа субъектив ҳуқуқларини чеклаш ёки вақтинча маҳрум қилишда ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 26-боби жиноят процессида шахс ҳуқуқларини чеклаш асослари ва чегараларига бағишланган.

Чунончи мазкур кодекснинг 213-моддасида Процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар кўрсатилган, яъни жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жиноий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш учун зарур бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда мажбурлов чораларини қўллашга ҳақлидир.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ушлаб туриш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини ушбу Кодекснинг 221 ва 224-моддаларида белгиланган ҳолларда ва тартибда қўллашга ҳақлидир. [3]

Яъни бундан кўриниб турибдики, жиноят процессига жалб қилинган шахсларга нисбатан процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун Жиноят процессуал кодексида белгиланган тўртта асослардан бири албатта бўлиши лозим:

1. Тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган бўлса;
2. Терговга қадар текширувни, дастлабки терговни олиб бораётган мансабдор шахс ёки суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса;
3. Жиноят процессига гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахсларнинг келгуси жиноий фаолиятининг олдини олиш учун зарур бўлса, бунда терговга қадар текширувни, дастлабки терговни олиб бораётган мансабдор шахс ёки суднинг ҳақиқатдан ҳам ушбу шахсларнинг жиноий фаолиятини давом эттиришини тасдиқловчи асосли далиллари иш ҳужжатларида мавжуд бўлса;
4. Ҳукм ижросини таъминлаш учун зарур бўлса.

Мазкур ҳолатлардан бирортаси бўлмаса жиноят процессига жалб қилинган шахсларга нисбатан терговга қадар текширувни, дастлабки терговни олиб бораётган мансабдор шахс ёки суд процессуал мажбурлов чораларини қўллашга ҳақли эмас.

Аммо амалиётда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 213-моддасида белгиланган асослар мавжуд бўлмаса-да, яъни жиноят процессига жалб қилинган шахсларга нисбатан процессуал мажбурлов чорасини қўллаш зарурати бўлмаса-да, терговга қадар текширувни, дастлабки терговни олиб бораётган мансабдор шахс ёки суд томонидан жиноят процессига жалб қилинган шахслар, айниқса, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига нисбатан процессуал мажбурлов чоралари қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 234-моддасига кўра, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги

эхтиёт чораси фақат ушлаб турилган гумон қилинувчига ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин. [3]

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида белгиланган ва қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашга асос бўладиган Жиноят процессуал кодексининг процессуал мажбурлов чораларининг бир ҳисобланган “Ушлаб туриш” процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асослари, Жиноят процессуал кодексида белгиланган ушлаб туриш асослари ҳозирги кунда ўзгартириш киритиш зарурати ва амалиётдаги муаммолари ҳақида муҳокама юритсак.

Ҳозирги кунда амалиётда терговга қадар текширув амалга оширувчи ва дастлабки терговни олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан Жиноят-процессуал кодексида белгиланган ушлаб туриш тартибига қатъий риоя қилинмаётганлиги, айнан ушлаб турилган шахсларнинг ушлаб туриш учун асос етарли бўлмаса-да, гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан ушлаб туриш тўғрисида қарор қабул қилиб, гўёки ушбу “усул” орқали дастлабки терговни ишини осонлаштириш, яъни жиноятни очиш ва гумон қилинган, айбланган шахсларни айбини исботлаш воситаси сифатида фойдаланиши оқибатида жиноят процесси иштирокчиси ҳисобланган гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказилмоқда [5].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси нормаларининг аксарияти Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодекси нормалари билан ўхшаш бўлиб, айрим ҳолларда фарқ ҳам қилади, аммо ушбу фарқ жиноят процесси иштирокчиси ҳисобланган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг жиноят процесси босқичларидаги ҳуқуқ ва манфаатларининг юмшатишга хизмат қиладиган эмас, аксинча қаттиқроқ нормалар сифатида киритилган.

Мазкур ҳолатга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси [6] да белгиланган жиноят процессида ушлаб туриш асосларини кўриб чиқиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 220-моддасига кўра, ушлаб туриш тушинчаси ва мақсади ва босқичлари баён қилинган бўлиб, унга кўра, **Ушлаб туриш** жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг *жиноий фаолият билан шугулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш* мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир.

Ушлаб туриш жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳам, иш қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Кейинги ҳолатда ушлаб туришга фақат суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан йўл қўйилади. [3]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 221-моддасига кўра, ушлаб туриш асослари келтирилган ва улар қуйидагилар [7, 8]:

- 1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;
- 2) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;
- 3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;
- 4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса. [3, 6]

Ушбу норма Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодекси 91-моддасида ҳам ўз аксини топган бўлиб, Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодексининг ушбу 91-моддасининг 1-қисмида “Суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, агар қуйидаги асослардан бири бўлса, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этганликка гумон қилинаётган шахсни ушлаб туришга ҳақлидир:

- 1) Шахс жиноят содир қилаётганда ёки содир этганидан сўнг дарҳол ушланган бўлса;
- 2) Жабрланувчи ёки гувоҳар бевосита ушбу шахсни жиноят содир қилган деб кўрсатганда;
- 3) Гумон қилинаётган шахсда ёки унинг ёнида, кийимларида ёхуд уйида (яшаш жойида) содир қилинган жиноят излари топилганда [4].

Мазкур модданинг 2-қисмида “Агар шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиш учун бошқа маълумотлар мавжуд бўлиб, у ушланганда ушбу шахс қочишга уринган бўлса ёки доимий яшаш жойига эга бўлмаса, шунингдек уни шахси аниқланмаганда терговчи тергов органининг розилиги билан, суриштирувчи прокурор розилиги билан судга ушбу шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома билан

мурожаат қилади” [4] деб кўрсатилган.

Россия Федерацияси Жиноят процессуал кодекси 91-моддасининг 2-қисмида баён қилинган ушбу ҳолат алоҳида мустасно ҳолат сифатида баён қилинган бўлиб, яъни ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган 3 та ҳолат мавжуд бўлмасдан, жиноят содир қилган шахснинг мазкур жиноят содир қилишда гумон қилиш учун маълумотлар мавжуд, лекин айнан ушбу шахс қочишга уринган ёки доимий яшаш жойига эга бўлмаган ҳамда шахси аниқланмаганда ушланган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун судга мурожаат қилишини мумкинлиги белгиланган, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 221-моддасига ўхшаб, ушбу ҳолатни алоҳида ушлаб туриш учун асос сифатида эмас, балки, мустасно ҳолат сифатида киритилган.

Қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 221-моддасининг тўртинчи қисмида эса ушбу мустасно ҳолатни тўртинчи асос қилиб киритиб қўйган.

Амалиётда терговга қадар текширув ёки дастлабки тергов ёхуд суриштирув даврида Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 221-моддаси тартибида ушланган шахсларнинг ушлаб турган масъул шахс томонидан чиқарилган қарор ва тўлдирилган баённомаларнинг аксариятида айнан Жиноят процессуал кодекси 221-моддасининг 4-қисми асос қилиб келтирилган. Аммо ушбу ушланган шахсларнинг деярли ҳаммаси қочишга ёки яширинишга уринмаган, доимий яшаш жойига эга, шахси аниқ бўлган шахслардир.

Жиноят ишлари бўйича судлар ушбу ҳолатларга эътибор ҳам бермасдан, прокурор томонидан киритилган илтимосномани номига муҳокама қилиб, гумон қилинган ёки айбланган шахсларга нисбатан ушлаб туриш ва қамоқда сақлаш учун асослар бўлмаса-да, илтимосномани қаноатлантириш тўғрисида ажрим чиқармоқда.

Аммо ушбу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳамда қонун ҳужжатидаги номувофиқликни бартараф қилиш бўйича қонуни чиқарувчига бирорта таклиф берилмаяпти ёки берилган таклиф инобатга олинмаяпти.

Терговга қадар текширув ва дастлабки тергов органлари ўзларининг тўғри ёки нотўғри фаразлари бўйича жиноятни очиш ва жиноят содир қилган шахсларни айбини исботлаш учун айнан ушбу ушлаб туриш ва қамоқда сақлаш усулларида кенг фойдаланмоқда.

Келгусида қилган фаразлари нотўғри чиқса ёки айбини исботлаш учун етарли далил топа олмаса, шахслар ноқонуний ушлаб турилган ёки асоссиз қамоққа олинган шахсларга, “Сизга раҳмим келиб, ота-онагизни, фарзандларингизни ўйлаб, яхши инсон бўлганингиз учун қамоқдан чиқараяпман” деб ўзларини миннатдор қилиб қўйишмоқда. Ушбу шахслар ҳуқуқий билими ва малакаси етарли бўлмагани учун, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан кўрқкани учун қамоқдан озод бўлганига хурсанд бўлиб, келгусида шикоят билан мурожаат ҳам қилмаяпти.

Қилган мурожаатлари ҳам аксарият ҳолларда айнан ҳаракатларига нисбатан шикоят келтирилган мансабдор шахслар ёки органларнинг ўзларига “қонуний ҳал қилиб, мурожаатни эгасига жавоб берилсин” деган топшириқ билан юборилмоқда.

Ушбу қонун бузилишларини олдини олиб, фуқароларнинг келгусида ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслик ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказилишини олдини олиш мақсадида қуйидагиларни таклиф қиламан.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 221-моддасининг тўртинчи бандини чиқариш;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 221-моддасига 2-қисм қўшиб, уни қуйидаги баён қилишни “Агар шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиш учун инкор қилиб бўлмайдиган далиллар ва маълумотлар мавжуд бўлиб, у ушлангунига қадар қочишга уринган бўлса ёки доимий яшаш жойига эга бўлмаса ёхуд уни шахси аниқланмаганда ушлаб турилиши ва тегишли прокурор томонидан судга ушбу шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиниши мумкин”.

Мазкур ўзгартиришнинг киритилиши терговга қадар текширувни олиб борадиган ва дастлабки тергов органлари томонидан шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинларини бузилиши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол бўлишини олди олинади ҳамда фуқаролик жамиятини қуришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, бир сўз билан айтганда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан олиб борилаётган оқилона ва халқпарвар давлат сиёсатида ишончи ортади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси” матни, 2019 йил 9 декабрь (Text of the President Shavkat Mirziyoyev «Speech at the solemn ceremony dedicated to the 27th anniversary of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan», December 9, 2019)
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон (The Constitution of the Republic of Uzbekistan newspaper «Khalq so’zi», December 15, 1992, No. 243 (494)).
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон (Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan, Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1995, No. 2)
4. «Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации» от 18.12.2001. № 174 ФЗ (“Criminal Procedure Code of the Russian Federation” dated 18.12.2001. № 174 FZ) http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/c8855fc8d4dbb537b17025ef67ebb5d8b1a32847
5. Khamidov Nurmukhammad Orif ugli. The concept of smuggling and social necessity of criminal liability for smuggling. Journal of Law Research. 2019, 9 vol., issue 1, pp. 94-102
6. <https://lex.uz/docs/-111460>
7. <https://lex.uz/docs/-4774960>
8. <https://lex.uz/docs/-4407820>
9. <http://files.tsul.uz/student/18.pdf>
10. http://old.uza.uz/uz/documents/sud-tergov-faoliyatida-shaxsning-huquq-va-erkinliklarini-him-10-08-2020?ELEMENT_CODE=sud-tergov-faoliyatida-shaxsning-huquq-va-erkinliklarini-him-10-08-2020&SECTION_CODE=documents&print=Y

ISSN 2181-9130
Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

6 СОН, 1 ЖИЛД

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

НОМЕР 6, ВЫПУСК 1

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 6, ISSUE 5

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000